

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 728.03

Бобоқулова Муаззам Салохиддиновнанинг

“СОПОЛЛИТЕПА ШАХАРЧАСИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ЁДГОРЛИГИНИ
ИЛМИЙ ЎРГАНИШ ВА ГРАФИК ТАЪМИРЛАШ” МАВЗУСИДАГИ
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Мутахассислик: 5А 340102–Архитектура назарияси ва тарихи,
архитектура ёдгорликларини тиклаш

Архитектура магистри даражасини олиш учун

Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга рухсат берилди.
“Архитектура назарияси ва тарихи”
кафедраси мудири
Т.Ф. Кушманов

Илмий рахбари: арх. ф.д., проф.
_____ Д.А. Нозилов

Самарқанд – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Факультет: Архитектура

Кафедра: Архитектура назарияси ва тарихи

Ўқув йили: 2015–2016

Магистратура талабаси:

М. Бобоқулова

Илмий раҳбари: Илмий раҳбари: арх. ф.д., проф. Д.А. Нозилов

Мутахассислиги: Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги шундаки, агар тадқиқот бажарилса, обиданинг қадимги ҳолати реконструкциясини архитектура фанига киритиш имконияти туғилади. Қолаверса унинг умумий кўриниши архитектура, санъатшунослик, тарих йўналишлари олий ўқув юртлари талабалари учун ҳам қизиқ. Талабаларнинг соҳа бўйича билимини оширишга ва ундан фойдаланиб ўз лойиҳаларида янги композицион ечимларни яратишда қўл келади. Яна муҳим томонларидан бири шундаки тадқиқотимиз натижалари Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос меъморчиликнинг ноёб турини намоён этади.

Тадқиқот мақсади. Сополлитепа меъморий мажмуасининг умумий кўринишини илмий жихатдан тиклаш ва унга асосан график реконструкциясини бажариш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг предмети сифатида объектнинг тарҳи, сақланиб қолган қисмлари ўрганилади ва улар асосида обиданинг қадимги кўриниши тикланади. Объектни ҳар томонлама ўрганиш учун Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида шу даврга оид ва унга ўхшаш обидалари ўрганилади ва ўша давр меъморчилигининг ўзига хослиги ва умумийлик томонлари аниқланади.

Тадқиқот услубияти ва усуллари. Тадқиқот хулосаларининг пухта ва ҳақиқатга яқин бўлиши учун кўпроқ ўша даврнинг шунга ўхшаш

обидаларини ўргандик ва таҳлил қилдик. Кўпроқ солиштириш услубини қўлладик. Эришилган хулосаларни ҳар томонлама тешириб кўрдик. Шунингдек, фаразлардан, кўз олдимизга келтириш усулларида унумли фойдаландик, чунки обида тўлиқлигича сақланмаган.

Тадқиқотнинг янгилиги. Мазкур тадқиқотда биринчи марта обиданинг умумий кўриниши реконструкция қилинади. Янги очилган археологик материаллардан унумли фойдаланилади. Обида кенг камровда биринчи марта ўрганилмоқда.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Тадқиқотларимиз натижасида олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар бажарилди. Илмий тадқиқот натижаларига асосланган график реконструкцияларимиз меъморий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш ишларида методик дастур бўла олади. Тадқиқот натижалари архитектура тархига оид илмий китоб ва мақолаларга ҳамда дарслик, ўқув қўлланмаларга киритилиши таклиф этилади.

Магистр

Бобоқулова Муаззам

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF REPUBLIC
OF UZBEKISTAN
SAMARKAND STATE ARCHITECTURAL AND CIVIL ENGINEERING
INSTITUTE NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK**

Faculty: Architecture

Department: Theory and History of
Architecture

Academic Year: 2015 -2016

Magistr: M. Bobokulova

Scientific advizor: D.A.Nazilov,
Doctor of Architecture, Professor

Specialty: 5A340102 – Theory and
History of Architecture, Restoration of
Architectural Monuments

THE IMPORTANCE OF THESIS THEME

Sapallitepa has a very special solution of plan. Architecture of Sapallitepa has exiting characteristics. The formation and development of Sapallitepa is attracting specialists from many fields. In general, the process of development of national culture depends on protection and adaptation of cultural heritage. In the architecture of historical cities of Uzbekistan, and especially in development of modern architecture in the years of Independence, great importance plays the traditions of previous ages. Sapallitepa during the all times of historical development showing the art of construction and architecture, crafts art and decoration mastery and aesthetic values.

Purpose of the research: Our aim is to adopt it to modern social functions, preserve it for next generation, and elaborate effective ways and methods in use of Sapallitepa, and also give them proper scientific consideration.

Object of the research: As the objects of research were taken Sapallitepa, which were built in the ancient historical period in Bactria and located now in Surkhandarya region. Now specialist from different fields trying to make graphical reconstruction of Sapallitepa

Subject of the research: Subject of the research is study other buildings from the architecture of Central Asia, similar with architectural forms to Sapallitepa. As a result of investigation would be proposed preservation and adaptation plan for it for modern function.

Methods of the research: With the aim to rich truly reconstruction of Sapallitepa in research we are used following scientific methods: the study of research objects in nature; the study of objects based on special literature; the comparison of study objects; the scientific conclusion of study materials with the use of special approach; use of legislative codes in preservation and adaptation of historical monuments.

Scientific novelty of research consists following:

- For the first time elaborated scientific investigation of Sapallitepa for graphical reconstruction of architectural monument of Bactrian period.

- Studied compositional and architectural essentialities of Sapallitepa and made scientific conclusion of it.

- Given the graphical reconstruction of Sapallitepa.

The short descriptions of proposals and conclusions.

Based on above mentioned investigations we are proposing following:

- Graphical reconstruction of Sapallitepa monument.

- Elaborated methods for Graphical reconstruction.

Results of dissertation may be used for writing books and textbooks.

Masters:

M. Bobokulova

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
I-БОБ. БАҚТРИЯ–ЧАҒАНИЁН ТАРИХИ ВА МЕМОРИЙ ЁДГОРЛИК- ЛАРИ ТАРИХИ	10
1.1. Бактрия-Чағаниён тарихи ва геогафик ўрни.....	10
1.2. Чағаниён обидалари архитектураси ва муҳофаа тизими.....	23
1.3. Холчаён саройи тарҳи ва муҳофаа тизими.....	29
I - Боб бўйича хулосалар.....	40
II-БОБ. СОПОЛЛИТЕПА МАЖМУАСИНИНГ РЕЖАВИЙ ТУЗИЛИ- ШИ	42
2.1. Ойхоним шаҳри тарҳи ва муҳофаа тизими.....	42
2.2. Қадимги Хоразм ҳимоя тизимининг ривожланиш босқичлари.....	50
2.3. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотларининг типологик тасниф.....	55
2.4. Ҳарбий истеҳкомларнинг асосий элементлари.....	57
II - Боб бўйича хулосалар.....	68
III-БОБ. СОПОЛЛИ ТЕПА МУҲОҒАА ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ГРАФИК ТАЪМИРИ	71
3.1. Саполлитепа шаҳарчаси тарҳий тузилиш.....	71
3.2. Дашли-3 саройи тарҳий тузилиши.....	72
3.3. Дашли–3 саройи муҳофаа тизимининг илмий таҳлили ва реконструк- цияси.....	77
3.4. Сополлитепа шаҳарчаси ҳимоявий тизимининг илмий таҳлили ва реконструкцияси.....	79
III-Боб бўйича хулосалар.....	84
ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФ- ЛАР	86
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	91

КИРИШ

Мухтарам Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарларида: Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унутган миллатнинг келажаги йўқ”(1, 2008,4,3-б.), деб бежиз таъкидламаганлар. Тарих инсоннинг кечаги куни, уни чуқур билиш келажакка мустаҳкам кадамлар билан одимлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Ватанимиз тарихини ва халқимизнинг бой маданий меросини ҳаққоний, холисона ўрганиш ва янгича тадқиқ этиш долзарб масалага айланди. Ўтмишдаги аجدодларимиз томонидан яратилган қадриятларга содиқлик, маданий ва маънавий мероснинг тикланиши борасидаги бунёдкорлик ишлари кенг кўламда олиб борилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Қадим даврларда Ўзбекистоннинг Сурхандарё воҳаси Бактрия, икки дарё оралиғи Суғдиёнаномлари билан аталган диёримиз дунё тамаддунинг бешикларидан бири бўлган. Аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган моддий ва маданий мерос намуналарини авайлаб —асраш, уларни ўрганиш ҳамда уларни асл ҳолида тиклаб, таъмирлаб келажак авлодга етказиб бериш шу соҳа мутахассисларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Диссертация мавзусининг асосланганлиги шундаки унда ноёб, бронза даврида ҳозирги Сурхандарё вилоятида қадимги Бактра номи билан танилган худда қурилган обида ўзининг тузилиши билан ўша даврда қурилган иморатлар тузилишидан бутунлай фарқ қилади. Унинг ташқи деворлари “Т” ҳарфи шаклида лабиринтларни ташкил қилади. Деворлар ичидаги майдонда туратжой маҳаллалари бўлган. Бундай тузилишдаги обида айнан шундай тарҳда Ўрта Осиёда фақатгина Қадимги Парфиянинг Дашли 3 саройида бўлган, десак бўлади. Обида археологлар томонидан

бир кеча йил давомида ковланган ва ташқи деворлари тарҳи ва ҳовлидаги тураржой пойдеворлари аниқланган. Шунинг учун диссертация мавзуси аниқ археологик материалларга асосланган. Мавзунинг долзарблиги шундаки Сополлитепа тарҳининг ўзгачалиги, унинг ўзгача кўринишида бўлганлигидан далолат беради. Обиданинг архитектураси ўзига хослиги билан барчани қизиқтиради. Унинг қадимги ҳолати реконструкциясини архитектура фанига киритиш имконияти туғилади. Қолаверса унинг умумий кўриниши архитектура, санъатшунослик, тарих йўналишлари олий ўқув юртлари талабалари учун ҳам қизиқ. Талабаларнинг соҳа бўйича билимини оширишга ва ундан фойдаланиб ўз лойиҳаларида янги композицион ечимларни яратишда қўл келади. Яна муҳим томонларидан бири шундаки тадқиқотимиз натижалари Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос меъморчиликнинг ноёб турини намоён этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур илмий диссертация ҳозирги Сурхондарё вилоятида, қадимги Бактрада Сополлитепа шаҳарчаси харобаларини ўрганишга ва унинг илмий тадқиқот натижалари асосида график реконструкциясини бажаришига бағишланган. Тадқиқотнинг предмети сифатида объектнинг тарҳи, сақланиб қолган қисмлари ўрганилади ва улар асосида обиданинг қадимги кўриниши тикланади. Объектни ҳар томонлама ўрганиш учун Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида шу даврга оид ва унга ўхшаш обидалари ўрганилади ва ўша давр меъморчилигининг ўзига хослиги ва умумийлик томонлари аниқланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари шундаки, тадқиқот натижалари асосида Сополлитепа шаҳрининг тарҳи, умумий композицияси тикланади. Тадқиқотда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади. Янги археологик маълумотларни топиш, ўрганиш, Сополлитепага ўхшаш обидалар тарҳини, композицион ечимларини ўрганиш, мавзуга талукли ёзма маълумотларни илмий адабиётлардан, интернет ва мақолалардан топиш ўрганиш ва уларни

тадқиқотда қўллаш: обида тарҳининг барча сақланиб қолмаган қисмларини илмий натижаларга асосланган ҳолда тиклаш; шунингдек, обиданинг умумий кўринишини илмий жихатдан тиклаш ва унга асосан график реконструкциясини бажариш.

Илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотда биринчи марта обиданинг умумий кўриниши реконструкция қилинади. Янги очилган археологик материаллардан унумли фойдаланилади. Обида кенг камровда биринчи марта ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари (гипотезалари). Асосий масалалар аниқ фактларга ва фаразларга асосланган. Объектнинг сақланмаган қисми ҳам шунга ўхшаш ва ўша даврга хос анъаналарнинг ўрганган ҳолда бажарилади. Фарзлар ҳам фактларга асосланган. Объектнинг фаразлар асосида ёритилган реконструкциялари аниқ маълумотлар билан солиштирган ҳолда текширилади. Обида қисмларининг функция жихатидан қулайликларини ҳам кўз олдимизга келтириб, чизиб текшириб кўрилади. Шундагина фаразларимизнинг ҳақиқатга яқинлиги аниқланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи(таҳлили). Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар кўп эмас. Асосий адабиётлардан бири археологик экспедиция бошлиғи М.Асқаровнинг “Сополлитепа” номли машҳур монографияси ҳисобланади. Унда қазилмалар натижасида аниқланган топилмалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Сопполи тепа ҳақидаги маълумотлар бошқа китоб ва мақолаларда ҳам қисман ёритилган. Лекин бирор-бир адабиётда унинг илмий график реконструкцияси ҳақида кенгроқ маълумот берилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот натижалари 3 бобга тақсимланган. Биринчи бобда объект ҳолатининг тарҳи, сақланиб қолган қисмлари ҳақида фикр юритилади. Иккинчи бобда Сополлитепа тузилишига, тарҳига монанд обидалар тарҳи, конструктив

асослари ҳақидаги тадқиқот натижалари киритилади. Шунингдек, улар билан Сополлитепадаги ўхшашликлар солиштирилади ва уларнинг функционал вазифалари аниқланади. Диссертациянинг учинчи бобида тадқиқотлар натижаси асосида график реконструкциялар бажарилади. Обида умумий кўринишининг композицион ечимлар, уларнинг стратегик аҳамияти, функционал вазифаларга боғлиқлик даражаси аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари архитектура тархига оид илмий китоб ва мақолаларга ҳамда дарслик, ўқув қўлланмаларга киритилади. Амалий аҳамияти шундаки илмий тадқиқот натижаларига асосланган график реконструкцияларимиз меъморий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш ишларида методик дастур бўла олади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Тадқиқот иш тузилмаси обидани ҳар томонлама ўрганишга қаратилган. Обида қурилишига туртки бўлган сабаблари, обида худуди, ландшафти, композициясига халқаро аҳволнинг таъсири, ўша даврда ҳимоя қурилмаларининг мавжудлиги Сополлитепадаги ҳимоя объектларининг ўзига хослиги аниқланади.

I-БОБ. БАҚТРИЯ -ЧАҒАНИЁН ТАРИХИ ВА МЕМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИ

1.1.Бактрия-Чағаниён тарихи ва географик ўрни

Мамлакатимизнинг узок тарихи, айниқса, жаҳон тараққиётидаги катта ҳиссаси, инсоният тафаккурини бойитишга дахлдор буюк даҳоларни етиштирган бунёдкор халқи, бир неча минг йиллик давлатчилиги ҳамда бой ўтмиш маданияти билан ҳамisha фахрланамиз. Юртбошимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида айтганларидек: “Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди... Биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатдан ҳақларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга, хизмат қилсин” (2, 1998, 312-б.). Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ, - деб ёзади Президент И.А.Каримов - аجدодларимиз томонидан қўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзлиқни англашни ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз (3).

Бунёдкорликдан иборат ўтмишимиз , мустақиллик ёғдуси ривож топиб, ҳар жиҳатдан юксалиб ва нурафшон бўлиб бораётган бугунги кунимиз ва жозибакор ҳамда порлоқ келажакимиз барчаси узвий бир тизимни ташкил этади. Шу жумладан, Сополлитепа, Чағаниён тарихи ҳам Ватанимиз ўтмишининг бир қисми, бир шахобчасидир.

Сополлитепа шаҳарчаси Сурхандарё воҳасда жойлашган ва унинг барпо этилиш даври миллоддан аввалги иккинчи мингйилликка тўғри

келади. 1968 йилда Л.И. Альбаум томонидан очилган, Кейинги археологик қазишмалар А.А. Аскарлов томонидан давом эттирилган (5;6). Сополлитепа қурилиши уч даврни ўз ичига олади. Шу уч даврда ҳам унинг ташқи девори деярли ўзгаришсиз сақланиб қолади. Шаҳарча ташқи мудофаа деворларининг ўта мохирлик билан қурилиши ўша даврда сополлитепаликлар учун жуда хавфли душман борлигидан далолат беради. Шунингдек, томонлари 82x82 метрли шаҳарча ичидаги кўп хонали уйларнинг мавжудлиги бу ерда ҳали оилаларнинг жамоа бўлиб, яшаш одати сақланиб қолганлигидан далолат беради. Шунингдек, академик А. Аскарловнинг фикрича ҳали аёлларнинг аввалги мавқеи қисман сақланиб қолган экан (5,139-б.). Шу ўринда қуйидаги масалага эътиборимизни қаратамиз. Таъкидлаш лозимки, Сополлитепа мудофаа тизими душман ҳаракатини қайтариш учун жуда катта куч, яъни аскар бўлишлигини талаб қилади. Лекин бу ерда ҳали тураржойнинг камлиги мудофаа учун эркакларнинг камлигини намоиш этади. Шунинг учун Аскарловнинг фикрини, ҳамда хўжаликларнинг камлигини эътиборга олиб бу ерда аёллар ҳам шаҳарча мудофаасида фаол иштирок этган деган фикрга келамиз.

Сурхандарё воҳаси қадимий маданиятга эга бўлиб, жуда кўп қадимий шаҳарларни қамраб олади. Сурхандарё воҳаси Бақтра, Чағаниён, Тоҳаристон номлари билан машҳур бўлиб келган. Чағаниён жанубидан Сарманган (Жарқўрғон), шимолдан Новандак (Сурхоннинг бошланиши), ғарбдан Дари Оҳанин (Темир дарвозаси), шарқдан Боботоғ Оша Кофирниҳон, Амударёгача бўлган ҳудудни ўз қамровига олган жаннатмакон ўлка бўлган. Ҳозирги харитадаги тасаввурда Сурхондарё вилоятининг тахминан Жарқўрғон, Бандихон, Бойсун Қумқўрғон, Олтинсой , Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун туманлари Тожикистон Республикасининг баъзи туманларининг умумий ҳудудига тўғри келади.

Қадимдан бу вилоят ва унинг Чағониён деб аталган, аслида Саканиён саклар юрти маъносида) бўлса керак. Водийга обиҳаёт берувчи дарёни Чағонруд (ҳозирги Сурхондарё), бу жойнинг бошлиғини Чағонхудот деганлар. Чағониён ўлкаси қадимда гуллаб – яшнаган, ривож топган бир давлат бўлиб, давр ўтиши билан тарих силсиласида мозий қатида ботинга айланган. Ундан ўша вақт битикларида бирмунча маълумотлар, ер қаърида яширинган кўҳна харобалар қолган. Янги авлодлар бу юртни бошқа номда бўлса-да қайта-қайта тиклаб, ривож топтириб, унда ризқу рўз ўндириб истиқомат қилиб келмоқдалар ва мустақиллик шарофати ила уни янада гуллаб-яшнаган диёрга айлантормоқдалар.

Тарихий манъбалар, тадқиқотлар, мазкур жойларда олиб борилган археологик қазишмалар асосида қадимий Чағаниён тарихи тикланмоқда. Маълумки, қадимда Суғд, Хоразм, Бактрия аталмиш давлатлар шаклланган. Бактрия форсча сўз бўлиб, “бохтар замин”, яъни шарқдаги ўлка, деган маънони билдиради (14, 3-б.). Уларнинг таркибида эса бир нечтадан вилоятлар бўлган. Бактрия подшоҳлиги таркибида, аниқроғи, унинг шимол қисмида жойлашган вилоятлардан бири Чағаниён деб аталган ва у нисбатан мустақил давлат сифатида қадимий Тохаристоннинг кўзга кўринган вилояти бўлган. Бу жойда қадимдан чорвачилик билан бир қаторда суғорма деҳқончилик ривожланганлиги, кўплаб суғориш тармоқлари мавжудлиги маълум.

Чағаниён Аҳамонийлар, Бактрия, кейинчалик Грек-Бактрия давлати таркибида марказий ўринлардан бирини эгаллаб турган. Милоднинг биринчи асри бошида барпо этилган ва тўрт юз йил ҳукм сурган Кушон империяси, III-IV асрларда Сосонийлар, V асрда Хинойлар, VI асрда Эфталитлар давлатлари таркибида бўлганда ҳам, VII асрда Турк ҳоконлиги чоғида ҳам Чағониён нисбатан мустақил сиёсат юритган ва уни чағонхудотлар бошқарганлар. Маданият, меъморчилик, ҳайкалтарошлик,

шаҳар қурилиши, ҳунармандчилик, кулолчилик ўша давр мезонида юксак даражада бўлган, ўз пул (танга)ларини зарб қилганлар.

Бу ҳолни қадимий Чағониён ҳудудидаги Далварзинтепа, Холчаён, Будрач шаҳристонида қазиб олинган археологик топилмалар ва ёзма манбалар яққол кўрсатиб турибди. Шу асосда хулоса қилганда, бу гуллаб яшнаган диёрда элатлар ислом кириб келгунга қадар зардуштийлик, будда монийлик каби динлар ақидаларига сиғинганлар. Афросиёб деворларидаги Уш асрга оид ноёб санъат асари ҳам чағониён тарихидан ҳикоя қилади. Унда Туронтош ҳукмронлиги даврида Чағониён элчиларининг Самарқандга келиши, Самарқанд шоҳи Варҳумон ҳузурида қабул маросими Афросиёбнинг бутун бир томон девори бўйлаб рангли тасвирда чизилган, бу тасвир ўз навбатида Чағониённинг нуфузи, унинг обрӯ-эътибори Суғднинг энг йирик шаҳри бўлган Самарқанд билан ҳар жиҳатдан тенглашадиган маскан бўлганлигидан далолат беради.

Чағониён ҳам неча-нача босқинлар ва вайроналикларни бошидан кечирган. Лекин унинг меҳнатсевар халқи, аҳолиси ўз юртини янада обод қилиб, ривожлантириб келган. Бу сўлим гўшада ўрта асрларда ўрта асрларда Даққиқий, Фаррухий, Тоҳир Чағоний, Абу Жаъфар Сағоний, Лабибий, Мунжик Термизий, Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний, Устурлобий сингари таниқли адибу олимлар ижод қилганлиги, машҳур “Шоҳнома” асарининг минг байти шу ерда Даққиқий томонидан битилганлиги ҳам Чағониённинг қанчалдик Маълуму машҳурлигидан гувоҳлик беради.

Тарих-курашлар, босқинлар, бунёдкорлар силсиласи. «Босқинчилар келиб-кетаверади, халқ боқий қолаверади, унинг маънавияти абадий яшайди”(И.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”). Ҳар жиҳатдан юксак ривожланган, мустаҳкам давлат бўлган, юқори маданиятнинг, тараққиётнинг муаян баланд меъёрига эришган Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар қатори Чағониёни ҳам Чингизхон босқини таназулга учратди, хароб қилди. Аммо, Чағониён узоқ йиллар мобайнида, айниқса,

Темурийлар даврида қад ростлади. Бу пайтда Деҳаи-нав (Денов) қароргоҳи пайдо бўлиб, марказ шаҳарга айланди. Чағониён вилояти Яна обрў-нуфузга эга бўла бошлади. Амир Темур даврида ислом оламининг нуфузли вакилларида бири, нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси Алоуддин Аттор Чағониён вилоятига келганлиги, кейинчалик бу жойда шу тариқат давомчилари Чархий, Ҳасан Аттор валийлар фаолият кўрсатганлари маълум.

Манбаларнинг ҳамда Будрач шаҳристонида олиб борилган казишманинг гувоҳлик беришича, Чағониён амири Бофи Чағониён Бобур тарафида бўлиб, ўз ютрини қаттиқ ҳимоя қилгани учун, Шайбонийлар вилоятни талон-тарож қилди, шаҳарларни жумладан, Чағониён шаҳрини бутунлай вайронага айлантирди. Топталган Чағониён вилояти Маҳдий Султонга инъом этилди. Шаҳар эса шундан сўнг қад кўтармади. Мозий қабрига шўнғиб кетади, вилоят ҳам кейинчалик бўлиниб, Деҳинав, Бойсун ва бошқа бекларга айлантирилди.

Ёзма манбаларда Сурхон водийсида Сағониён (Чағониён) дан ташқари яна Босанд, Зинвор, Буроб, Сангардак, Ригдашт, Қумғонак ва бошқа шаҳарлар ҳам эслатилади. Мақдисий (Ҳаср) ўрта асрларда Чағониёнда 16000 турар жой бўлганлигини қайд этади. Бу рақам муболаға бўлмаса керак, Ҳозиргача сақланиб қолган кўплаб тепаликлар (улардан қанча-қанчаси вақт ўтиши билан йўқ бўлиб ҳам кетган) ўрта асрларга доир ашъвий далилларни ўз бағрига яширган бўлиб, вақт жиҳатдан муғуллар истилоси давригача етиб келгандир.

Аммо антик Чағониённинг пойтахти қаерда жойлашган? Будрач шаҳристони ҳам, Денов қўрғони қатламларидан ҳам V-VI асрдан қадимийроқ даврга оид ашъолар топилмаган. Археологик тадқиқотлар кулдорлик даврида Сурхандарёнинг ўрта оқими соҳилида бош марказий шаҳар Далварзинтепа бўлган, деган хулосага олиб келади. Далварзинтепа Деновдан 30 километр жанубда. Бу тепа қалин қадимий қатламларга эга

энг йирик шаҳар қолдиғидар. Етти гектарча майдонни эгаллаган қалъа девор вап ҳандиқ билан ўралган. Шаҳарга кириш жойи унинг жануб-шарқий қисмида бўлган. Аркнинг жануб томонидан тўғри туртбурчак шаклида дунё томонларига мос ҳолда шаҳарнинг ўзи туташган, у ҳам хандақ ва девор билан ўралган.

Далварзинтепа қалъасини ўрганишни 1962 йилнинг кузида қўрғон деворининг ғарбий қисмида (жануби-ғарбий бурчак яқинида) Б. Турғунов ва Д. Сидировлар дсатлабки қидирув ишларини ўтказдилар. Ўрганишлар натижасида қалин истехком девори очилди. Қалъа деворининг юқори қисми 5,20 м қалинликкача етган. У пишган (45x45x12 см) ғишдан қурилган бўлиб, усти сувоқ билан қопланган. Бу девор ҳозирги кунда тагликдан 12,5метр кўтарилиб турибди. Кейинги қурилиш босқичида у ташқи томондан 4,70 метр кенгликда қурилма билан мустаҳкамланган. Ғилоф девор уч хил катталиқдаги -33x35x11 см, 31x30x12 см, 41x40 x 11 см хом ғишдан тикланган. Ғиштларда уларнинг лойлигидаёқ чизилган белгилар бор: иккита бир- бирига параллел ёки қийшиқ чизик, бурчаксимон чизма нотўғри чизик, тухумсимон шакл ва бошқа белгилар, Бу девор ҳам ташқарига нишаб қилиб қурилган, лекин сувалмаган; атрофи хандақ билан ўралган, айна пайтда тупроқ босган пастқамликдан иборат. Иккинчи девор соғ тупроқдан 3,80 метр баладликкача сақланиб қолган. Ҳар икала девор ҳам антик даварга тегишлидир.

Қандайдир бир даврда Далварзинтепа қалъаси ташландиқ бўлиб қолади, истехком қудрати инқирозга юз тутаети, деворлари ивиб тушади. Сўнгра девор устида янги қурилиш қад кўтаради. Бироқ у хўжалик аҳамиятига молик эди, холос.

Вайрон бўлган антик девори устида тикланган бинонинг қачон қурилганини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин. Равоқ очилганда, ғиштлар орасидан VI-VII асрга оид турк- суғд тангаларичиқади. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри

келадит. Далварзинтепадаги антик давр истеҳкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жараёни, афтидан, IV-V асрларга тўғри келади. Мамлакат VI-VII асрларда инқироздан чиққач, истеҳком қулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳарнинг ўзи эса харобага айланади.

Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси чоғида узил-кесил тугади, чунки аркда ҳам, шахристонда ҳам араблар келганидан кейинги даврнинг изи йўқ. Чағониённи 705 йили Қутайба босиб олади ва 737 йилда унинг ҳокими – Чағонхудот арабларга ўлпон тўлайдиган бўлади.

Халқ орасида ҳозирги Далварзинтепа жуда қадимий мамлакат пойтахтининг қолдиғидир, ҳукмдори афсонавий қаҳрамон Дол (Зол) бўлган, араблар бу шаҳарни халифа ҳазрат Алининг бевосита раҳнамолигида эгаллаганлар, сўнгра бу шаҳарда ҳаёт бутунлай сўнган, деган нақл юради.

Далварзинтепанинг жуда катта жойни эгаллаганлиги, қурилишлар зичлиги, археологик қатламлар қалинлиги мазкур қадимий шаҳарнинг милoddан олдинги биринчи асрда ва милoddнинг дастлабки йилларида барқ уриб яшнаб турган вилоят маркази бўлганлигидан далолат беради.

Чағониён қайд этилган антик давр маълумотлари бизгача етиб келмаган, Бу вилоят дастлаб араблар истилосидан, олдинги вақтга оид тарихий манбаларда эслатилади. VII аср (Хитой) солномасида шундай дейилади: “Чинган-йен-на – бу мамлакат машриқдан мағрибга 400 ли га яқин майдонда ястанган. Пойтахти-айланмаси 500ли. Шарқ томонда Хво-ло-мо деган жойга бориб туташади.

Ўн ли тахминан 5 км га тенг. Бу ерда гап Чағониённинг анъанавий маркази Далваринтепа тўғрисида бораётган бўлса керак. Чағониён жанубда Термиз вилоятига туташган. Шимолда эса VII асар манбаларида Хво-ло-мо - Хваромо вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун деб қайд этилган. Ибн Хурдодбек ва Қудама (IXаср) Чағониёндан 6

(ёки 3) фарсах узоқликда Навандак, ундан 7 фарсах масофада Хамоварон номли жойлар бўлганлигини ёзадилар.

Далварзинтепа антик даврда давлат маъмурияти, йирик ибодатхоналар, иқтисодий алоқа тармоқлари, ҳарбий салоҳият мужассамлашган катта тарихий-маданий вилоят маркази, йирик марказий шаҳар сирасига кирган. Ўзидан кичик бўлган кўплаб аҳоли қароргоҳлари унга бўйсунган. Шундай бўйсунувчи шаҳарлар сирасига Холчаён ҳам киради.

Холчаён харобалари Сурхандарёнинг ўнг соҳилида, аниқроғи, унинг кадимги қайирида, ҳозирги Денов туманининг Холчаён ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Холчаён қишлоғидаги пахта даласининг шимолий қисмида бўртиб чиққан дўнгликларни уўриш мумкин. Улардан баъзилапрининг номи бор, бир қисми номсиз. Айрим тепаликлар турар жойлар тагида қолмоқда ёки далаларни ҳайдаб текислаш жараёнида юқолиб бормоқда.

Бу дўнгликларнинг энг йириги Қорабоғтепа деб аталади. Айни пайтда унинг каттагина қисмида иморатлар қурилган, пастқамроқ қисми эса экинзорларга айлантирилган. Бу жойнинг юза қисмидан ҳамда чуқур бўлиб кетган ерларидан топилган археологик аўшъёлар унчалик кўп эмас, аксари антик даврга оид сирланмаган сопол парчаларидир, сўнгги феодализм даврига оид сирланган сопол буюмлари ҳам учрайди.

Қорабоғдан ярим чақирим ғарбда бир-бирига туташ дўнгликлардан ташкил топган Хонақоттепа жойлашган, йўл бўйлаб ястанган пастроқ дўнгликлавр ҳам бор. Улардан иккитаси жануби – ғарбда (Шайиттепа ва Сичқонттепа), учтаси шарқда (Туғанок тепа ва иккита номсиз), битта номсиз тепа ғарбда, тўртта дўнглик шимолда (Қўй-Тўрабектепа, Маслахаттепа вап иккита номсиз) жойлашган. Маслахаттепадан тош пойдевор ва тош девор қолдиқлари, тангалар, қизғиш гил-балчиқдан ишланиб қуйдирилган, яъни терракот ҳайкалча, кўплаб сополлар ва ҳатто

тош ҳайкал чиққан. Афсуски, улар ҳаммаси йўқ бўлиб кетган эди. Дарвоқе, хўжалик аъзоларидан бири археологларга терракот ҳайкача бошчасини ва уч дона танга берган. Бу тангалардан иккитасини Сотер Мегас, биттасини Васудева 1 зарб этган экан. Маслаҳаттепа жарлигида ва унинг атрофида антик даврга оид сопол парчалари анчагина. Маслаҳаттападан 3000метр шимолдаги пастроқ номсиз тепада ҳам антик даврга оид сополлар учрайди, бу жойдан ерли аҳоли топиб бизларга тақдим этган иккита тангадан бирини Сотер Мегас, иккинчисини эса “бадавий Гелиокл” зарб эттирган бўлиб чиққан.

Маслаҳаттепадан ярим километр чамаси шимолдаги жойлардан деҳқонлар бизга сопол парчаларидан ташқари, яна антик даврга таалуқли оқ тошдан йўнилган таг-асос, суякдан ишланган яланғоч мабуда ҳайкали, мис тангалар ҳам топилган. Тангалардан учтаси Сотер Мегас, биттаси Хувишка ҳукмронлигида зарб этилган. Бу ҳудуд Қўй-Тўрабектепа дўнглиги билан тугайди. Дўнгликнинг баландлиги 3,5-4 метр, антикдавр иморати қолдиғига ўхшайди, сопол бўлаклари, хом ғиштдан девор ва қирқма тошлардан ишланган пойдевор аниқланди.

Зрта баҳорда ерлар ҳайдалиб экилган ва ғўза майдонини ҳали қоплаб олмаган пайтда, бу жойлардаги катта – кичике тепаликлар оралиғида кўплпб археологик ашъёлар сочилиб ётганини кўриш мумкин. Антик даврга хос археологик ашъёллар синиғлари Хонақоттепадан шимолга 1 километр, жанубга 400 метр чамаси, шарққа Қорабоғтепагача майдонда тарқалган. Ашъёларнинг тарқалиши чегарасига қараб, бу ердаги қадимги қароргоҳ шимолдан жанубга 2 километр ва шарқдан ғарбга 1,5 километр майдонниэгаллаган деса бўлади.

Маҳаллий кексаларнинг айтишларича, Холчаён теварак-атрофи ҳали ўзлаштирилмаган пайтда, бу ерларда баланд-паст тепаликлар анчагина экан. Қадимий қурилишлар ўрнини англатувчи бу дўнгликлар кейинчалик ерларни текислаш, ҳайдаш вақтида йўқолиб кетган.

Холчаённинг умумий археологик-топографик манзараси бу жойда кишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ манзилгоҳ бўлганлигини ва Далварзинтепага ўхшаш хандақ ва кўрғон билан ўраб олинган шаҳар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Холчаён ўрнида жойлашган шаҳар қолдиқлари доирасида ўрта асрларга оид археологик ашёлар топилмалари жуда оз миқдорда, Қўй-Тўрабектепада, ундан ғарбдаги бир дўнгликда, ундан шимолроқда жойлашган Юнустепада ўрта асрларга оид сирланган сопол парчалари кайд этилди. Илгарироқ Юнустепа теварагидан топилган тангалардан бири Шайбонийлар даврида, яъни хижрий 911 (милодий 1505-1506) зарб қилинган дирҳам эканлиги аниқланди.

Холчаённинг жанубида ва жануби-шарқида ҳам ўрта асрга оид кичикроқ аҳоли масканлари қолдиқлари сақланиб қолган. Улардан йирикроғи Қозоктепадир. Бу ерда пишиқ ғиштлар X-XII асрларга хос сопол, ўрта асрлага оид мистангалари учрайди. Бу жойдан топилган иккита қадахсимон идиш тепаликнинг асосида Кушонлар даври қатлами ётган, деб фараз қилишга имкон беради.

Холчаёнга етмасдан йўл ёқасидаги улкан қадим чинордан бир чақиримча жанубда жойлашган Гургактепадан ҳам ўрта асрларга оид оч яшил кулранг сопол парчалари терилди; устига тўқ жигарранг ва оч жигарранг нақшлар солинган 1960 йили бу ерда пишиқ ғишдан қурилган гумбазсимон тим ҳам топилган бўлиб, уни ерлик аҳоли бузиб олишган. Ҳозирги Холчаён жамоа хўжагигидаги Пистамазор кўрғони яқинида эски қабристон ва Шийпонтёпа жойлашган. Икала тепалик ҳам топталиб ясси бўлиб кетган, у ерда сирланган ва сирланмаган сопол буюмлари парчалари учрайди. Шу ерда ўз бағрида X-XII асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол буюмларни сақлаган кичикроқ қароргоҳ Чимкўрғонтепа ҳам бор.

Хонақотепанинг ғарб томони анча бузилиб кетган, уни шу жойдан ўтадиган йўл кесиб ўтган, шимоли-шарқий қисмига туташ дўнгликда

хўжалик тураржойлари қурилиб кетган. Холчаёни тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, Сурхон водийсининг асосий қисмини ташкил этган Чағаниёни кенг ободонлаштириш жараёни милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида содир бўлган. Бу жойларни ўзлаштириш эса анча олдин бошланган бўлиши мумкин. Том маънода ўзлаштириш маълум даражада мукамал суғориш тармоқлари барпо этилган тақдирдагина бўлиши мумкин. Ёзда қорнинг эриши ва баҳорда ёғингарчиликлар пайтида тўлиб тошиб оқадиган дарё кўпинча ўз ўзанини ўзгартириб турар, тик чап соҳилни ювиб ва ўпириб жар қилиб кетар, тўқайзор ва ўт-ўланлар қоплаган ўнг соҳилни эса сув босар эди. Ишни марказлашган тарзда ташкил этган тақдирдагина, тиргакли тўғонлар, ката-кичик ариқлар, зовурлар билан таъминланган мураккаб суғориш тармоғини яратиш мумкин бўларди. Булар чаммаси Чағониён ўша вақтлардаёқ юксак даражада уюшган давлат эди, деб тахмин қилиш мумкин.

Хонақотепада ҳаёт бутун антик даврда деярли узлуксиз давом этганлигидан далолат беради. Бироқ, иморатлар харобага айлангани, устига яна қурилишлар қад кўтарганини тасдиқловчи қолдиқлар мазкур ерда тинч ҳаёт қандайдир воқеалар оқибатида вақти-вақти билан бузилган, деган хулосага олиб келади.

Қадимий дарё ўзанининг қум-шағаллари устида жойлашган энг қуйи маданий қатлам милoddан аввалги IV-III асрларга тўғри келади. Афтидан , бу Ўрта Осиёнинг Александр Македонский юришларидан сўнг Эллин мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган давр тарихи билан боғлиқ. Ўша кезларда Бақтрияда янги шаҳарлар барпо этиш ёки эски шаҳарлар марказларини кенгайтириш учун имкониятлар юзага келди. Бу жараён, масалан, қадимий Марвда кузатилади; у ерда милoddан олдинги III асрда Салавкийлар қадимги истехком (Арк қалъа) ўрнида қад кўтарган улкан антик шаҳар атрофини девор билан ўраганлар (Гаур Қалъа). Холчаён ўша вақтда том маънодаги

шаҳар синалмаган бўлса-да, ҳар ҳолда аҳоли маскани сифатида шаклланган эди.

Бу ерда кўрғон барпо этилиши вақт жиҳатидан Грек-Бактрия подшоҳлигининг авжи ривожланган ёки унинг қулаши пайтига тўғри келади. Миллоддан аввалги II аср учинчи чорагида халкага бостириб келган кўчманчилардан ҳимоя воситаси мақсадида чекка вилоятларда шунга ўхшаш ҳимоя нуқталари барпо этилган эди. Агар Грек- Бактрия зодагонлари асосан грек худоларига бўйсинган бўлсалар, Бактрияда омма орасида ўз эътиқодлари ва удумларига амал қилган ва Холчаёндаги оссуарий (идиш) га солиб кўмиш маросими бунга яққол далилдир. Бу масалада Холчаёндан топилган милоддан олдинги III-II асрларга оид санамлар ҳайкалчалари, шунингдек, суякдан ишланган яланғоч маъбуда шакли акс этган тақинчоқ қадимда шарқда мавжуд Она Худога сиғиниш удуми билан боғлиқдир. Айтиш патда, Эллин бадий услубларининг Холчаённинг Бактрия даври архитектурасига таъсирини акс эттирувчи топилмалар бор.

Холчаён тараққиётининг йирик қурилиш тадбирлари билан боғлиқ навбатдаги босқинчи милоддан олдинги II-I асрларга тааллуқлидир. Будавр тарихий жиҳатдан улкан сиёсий воқеалар Билан боғланган. Милоддан олдинги 140 йилларда Гелиоклнинг ўлими билан Грек-Бактрия подшоҳлигининг инқирози юз беради.

Грек – Бактрия подшоҳлигининг инқирозга учраши, афтидан, Бактрияга сакларнинг дастлабки бостириб кириши ва ўзлари эгаллаган худудда ўтроқ бўлиб қолиши, сўнгра, юежийлар бостириб келиши ва сакларни Амударёнинг нариги соҳилига улоқтириб юбоиши даврига тўғри келади. Бу зарба Холчаённинг ҳам тақдирига ўз таъсирини кўрсатган ва мазкур жойдан топилган археологик топилмаларда, қатламларда ўз аксини топган. Вақт ўтиши билан ҳаёт ўз изига тушиб боради, янги қурилишлар ҳамда таъмирлашлар бундан далолат беради.

Чағониён (Сағониён) жой номининг келиб чиқишини изоҳлаш ҳам жиддий эътиборга молик. Бу атама араблар келишидан сал олдинги даврларда тилга олинган бўлсада, аслида анча қадимги даврга бориб тақалган кўринади. Бу сўзнинг ўзаги “сағ”(“чағ”) қадимги сакларга тақалади. Улар милoddан олдинги II-I асрларда Бактирия ва ундан жанубга силжиган йирик кўчманчи бирикмалари эдилар. Саклар номи Сакистон (ҳозирги Сеистон) атамасида акс этган. Шу нарса эътиборга моллики, Шопур (III аср) давридан бошлаб Сакистонни бошқарган сасоний подшозодаalar ”сағаншоҳ деб атала бошлаган. Эҳтимол милoddан олдинги II асрда сакларнинг бирор қабилавий тўдаси Сурхон водийсида қолиб, аста-секин ўтrock бўлиб қолган. Уларнинг номи вилоятнинг (Сағаниён), дарёнинг (Сағондур) аталишига кейинчалик эса, маҳаллий ҳукумдорлар унвони аталишига (Чағонхудоt) асос булган дейиш мумкин. Сак-юежий (ёки “тоҳар”) даври Холчаён тарихида археологик жиҳатдан аниқ акс этган. Милoddан авалги II-I асрлар учун хос бўлган “бадавий Гелиокл” деб аталувчи бронза тангаларининг топилиши айнан шу даврдаги гавжум шаҳар ҳаётидан дарак беради. Уларнинг шахристоннинг турли жойларидан топилганлиги бу ерда ҳар хил пуллар муомалада бўлганлигини ва бозорнинг эҳтёжи кенг кўламлигини билдиради. Ўзининг археологик-топографик қолдиқларида милoddан олдинги II-I асрларда Холчаён йирик аҳоли маскани сифатида намоён бўлади. Бу ерда мулкдорларнинг (эҳтимол, қулдорларнинг) турар жойлари боғлар ўртасида жойлашган ва атрофда экинзорлар ясаган. Жанубий қисмда бирмунча ихчамроқ қурилишлар (Қорабоғтепа ва Хонақоттепа) ўрин олган. Бинолар Сурхондарёдан чиқарилган бош ариқ ёқалаб барпо этилган, қароргоҳларнинг археологик излари бундан далолат бериб турибди. Холчаёнинг гуллаб-яшнаши йўлга қўйилган суғориш тармоқлари мавжудлиги шароитидагина мумкин эди Буларнинг эса, тўғонлар қуриш, уларни таъмирлаб туриш, зовурлар қазиш, ариқлар ва истеҳком

хандақларнинг тозалаш орқали амалга ошириш мумкин эди. Бу, ўз навбатида, ишчи кучи (эхтимолки, кулларни) сафарбар қила оладиган даражадаги давлат идоралари мавжудлигини талаб қиларди.

I.2. Чағаниён обидалари архитектураси ва муҳофаа тизими

Чағаниённинг пойтахт маркази бўлмиш Далварзинтепа шаҳар деворлари ва шахристон қалъаси бу даврда муҳофаа қудратини янада кучайтирувчи янги қудратли девор билан ўралади. Холчаёнда ҳам шундай муҳофаа ишлари олиб борилган. Яъни Қорабоғтепадаги олдинги кўрғон девори устидан саккиз метр қалинликдаги девор «ғилоф» урилади, қалъанинг шимоли – шарқий бурчагида қудратли истехком барпо этилади. Далварзинтепа шаҳарчасининг қалъа қисми шаҳарчанинг шимоли-шарқ бурчагида Пастки шаҳарнинг шимолий деворидан яримидан кўпроқ қисми бўртиб чиққан ҳолда жойлашган. Микрорельеф бўйича у квадратга яқин тузилишда кўринади, бироқ деворнинг бурилишларини эътиборга олсак у тарҳда кўпбурчак бўлганлигини тасдиқлайди. Деворнинг йўналиши ва жойланиши, унинг рельефни эътиборга олган ҳолда қурилганлигидан далолат беради. Деворнинг шаҳарга қаратилган қалъанинг шимоли ғарб томонидан ташқари қалъанинг уч бурчагида учта мустаҳкам, салобатли муҳофаа минораси ўрнатилган. Хусусан, шарқий фасади мустаҳкам бўлган, унда олти муҳофаа минораларининг бир маромда жойлашганлиги бунга гувоҳлик беради. Шу деворнинг маразида қалъага олиб борадиган дарвоза бўлган, дарвозанинг икки томонида биттадан муҳофаа минораси бўлганлиги бунга гувоҳлик беради. Қалъанинг жанубий фасадида ҳам иккита оралик минораси бўлган, лекин шимолий ва ғарбий деворида ораликдаги муҳофаа миноралари бўлмаган. Қалъанинг умумий майдони 3 гектарни ташкил қилади. Қалъанинг энг баланд нуқтаси

шарқ томондан хандақнинг ҳозирга ҳолатигача 11 метрни, шимолий томони 14 метрни, абсолют баландлиги 15 метрни ташкил қилади.

Далварзинтепа мудофаа тизими. Қалъа ҳамма томонидан хандақ билан ўралган. Унинг шаҳар томонга қараган қисми 20 метр кенгликка эга. Тахминларга кўра бунда табиий ариқ хандаққа ҳам мослаштирилган. Ҳозирги кунда ҳам қадимий микрорельефнинг ўзгарганлигига қарамасдан ариқнинг йўналиши ва табиий ариқ эканлиги аниқ сезилади. Мазкур табиий ариқ ҳозирги кунда Кармакисой деб аталади. Кармакисойнинг серсув бўлганлигидан унинг ҳозирги кунда чуқурлиги далолат беради. Шунингдек, бунга ҳозирги кунда халқ орасида, гўёки Далварзинтепа шаҳарчаси атрофидаги майдон доимо сувтошқини натижасда сув билан тўлган деган ривоят ҳам, гувоҳлик беради.

Мудофаа деворининг стратегафик қирқими. Археологик кидирувлар кўрсатадики қалъалар мураккаб тарҳга эга бўлган. Маданий қатлам юзасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки қалъанинг гил материкка қурилган пастки девор қадимий бўлган. Ҳозирги пайтда унинг пастки қисми 1,9 м., юқорида 60 см, унинг баладлиги 2,5 метргача сақланиб қолган. Девор ташқи томондан юқори томон 80 градусда қиялишиб кўтарилган. Страграфик маълумотларга ва сопол идишларининг тузилишига биноан девор милодгача III-II асрларда бунёд этилган. Анча вақтдан сўнг нишобнинг юқори томонида шарқ тарафда бўртиб чиққан платформада иккинчи девор қурилган. Текисланган нишоб устига фасаддан бир ярим метр олдинга чиқарилган майдон устига пахса ва хом ғиштдан қурилган суппа қурилган. Олдинга бўртириб чиқарилган супа қадимий фортификация тизимида кенг қўлланилишига сабаб, у тошотар қуролларнинг яқинлашувига ҳалақит берган ва деворни тошлардан сақлаб қолган. Бундай тузилмани антик давр фортификация тизимида учратамиз. Жумладан, Эски Ниса илк парфян даври деворларида учратамиз. Шунингдек, Гуярқалъа (Марв), Самарқанд қадимий деворларида мавжудд.

Бақтра мудофаа деворларида олдинга бўртиб чиқарилган супа Кайободшоҳ, Холчаён ва б. шаҳарларда қўлланилган. Юқорида келтирилган далиллар Далварзинтепа қалъа деворлари Ўрта Осиёнинг антик давр фортификацион тизимига монанд бўлган, деган фикрни беради. Кейинчалик Далварзинтепа шаҳарчасининг мудофаа тизими талабга тўлиқ жавоб бермасдан қолади. Шунинг учун юқorigи асосий деворни икки томонидан хом ғишт ва пахсадан қўшимча девор билан ўраб олишади, яъни футлярга – ғилофга киргазишади. Қўшимча девор қурилиши натижасида мудофаа девор 7 метр кенгдikka эга бўлиб қолади. Қўшимча деворнинг қурилиш даври Қўшон давлатининг шаккланган даврига тўғри келади. Тахминларга кўра паски деворнинг қалинлиги 3,5 метр келадиган қўшимча девор билан мустаҳкамланиши ҳам шу даврга тўғри келади. Қизиғи шундаки, унга ишлатилган ғишт юзасидаги белгилар ҳамда уларнинг қизғиш рангда бўлиши ҳам юқори деворникига ўхшаб кетади. Демак, Далварзинтепа қалъаси кушан давлатининг шаккланган пайтида, оралигида йўлак ўтган икки қават девор билан ўралган бўлган. Ички девор баланд ва кенг, ташқи девор эса тор ва пасткамроқ бўлган. Бундай бўлишига сабаб бостириб кенлган ёвга икки девордан ҳам қаршилиқ кўрсатишган. Чунки ташқи девор ички девор олдини тўсмаган. Барча қурилишлардан сўнг деворнинг умумий баладлиги 11 метрга етади. Деворларнинг 20 метрли хандакдан 3 метр юқоридаги табиий пойдеворда қурилиши унинг айрим жойларда баландлиги 10 метрдан ошишига сабаб бўлган. Бу эса Далварзинтепа қалъасининг нақадар мустаҳкам мудофаа тизимига эга бўлганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, шаҳар ва қалъаларни икки, уч қават девор билан ўралиши Қадимий Шарқ мудофаа тизимида мавжуд бўлган. Бунга Ўрта Осиёдаги парфия даврига оид Гуяр-қалъа деворлари мисол бўлаолади. Шундай қилиб, милoddacha 1 асрда юджей-кушан даврида Далварзинтепа қалъасининг мудофаа тизими

иккита, яъни пойдеворли юқори девор ва кичик пастки деворлардан ташкил топган Улар ораликдаги йўлак билан 8 метрни ташкил қилган.

Сунгги Кушон даврига келиб қалъа деворлари хароба ҳолига келган. Илкўрта асрга келиб пастки девор ва юқори девор ўз вазифасини бажармасдан қолади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Далварзинтепа қалъа деворларининг қурилиш даврини уч этапга бўлиш мумкин. Биринчи этап, юнон –бактрия (милл. олдинги III-II асрлар) даврида катта бўлмаган пахса девор қурилади. Иккинчи этап, юдеж- кушон даврида (милл. олдинги I- милоннинг I асри) олдинга бўртиб чиққан супа-протейхизма билан юқори девор юзага келади. Учинчи этап, кушон давлатининг энг шаклланган даврига (I-III аа.) тўғри келади. Бу даврда қалъа оралигида йўлак қолдирилган икки қатор девор билан ўралади. Далварзинтепа қалъаси мудофаа деворларини Ўрта Осиё бошқа қалъалари мудофаа тизими билан солиштирганимизда уларда Марғиёна ва Бактрия мудофаа тизимида ўхшаш услубларни кўрамиз.

Кушан даври Бактрия шаҳарларини кўздан кечиран эканми, уларнинг аксариятида қалъа-цитадел шаҳарчанинг бир бурчагини эгаллаган бўлади. У албатта шаҳар мудофаа девори ичкарасида бўлган. Эгаллаган майдони турлича бўлган. Улар катта – кичиклиги, жойлашган ўрни билан биридан фарқ қилган. Шаҳардан ажралган ҳолда жойлашган қалъалар ҳам бўлган. (Жондавлаттепа, Қорабоғтепа, Боботепа, Эшонбобо). Умуман олганда Қалъа учун майдон танлаганда, қадимги усталар қуйидагиталабларга амал қилишган, табиий ландшафтни мудофаа учун қулай, чекиниш учун имконият бор жойларни танлашган, Қалъага олиб борадиган кўчалар йўналишига унчалик эътибор берилмаган. Қалъа кўпроқ душан келиши қутиладиган томонда жойлашган деган фикр ҳам тадқиқотчилар орасида (Нильсен В.А., 1966, 32-б.) бор. Лекин ундай эмас қалъа шаҳар аҳолисининг охириги таянчи ҳисобланган, бордию душман шаҳар ичига кириб борса, аҳоли қалъадан туриб ҳимоя қилишга ўтган.

Кузатувлар шуни кўрсатадики қалъа-цитадель шаҳарнинг кам ҳужумга тобе томоида жойлашган. Жумладан Термиз ва Кампиртепа шаҳачаси қалъалари дарё томонда, яъни табиий муҳофаа тизимига эга томонда жойлаштирилган.

Далварзинтепада пастки шаҳарнинг муҳофаа тизими. Ички ва ташқи бир вақтда қурилганлигига асос йўқ. Бунга ташқи девор ғишларининг ички девордагига нисбатан катта бўлганлиги ва уларда белги йўқлиги гувоҳлик беради. Деворларнинг асосида уларни бирлаштирувчи пойдевор ҳам бўлмаган. Пастки шаҳар фортификацияси ўзгаришида кетма-кетлик бошқа деворлар билан солиштирганда қуйидаги тартиба бўлган. Биринчи навбатда материкда 3 м. қалинликда девор қурилган. Девор ички девор бўйлаб ҳимоячилар учун жой қолдириб хандақча бўртиб чиққан очик табиий супани қўриқлаган. Девор пастки қисмида камондан ўқ узиш учун ва девор усида парaped бўйлаб ҳимоячиларнинг юриб, ўқ узишлари учун йўлак бўлган бўлиши мумкин. Кейинчалик шаҳар муҳофаа тизимини кучайтириш мақсадида ички девор ва улар орасида жанговор казематлар қурилади. Жанговор казематлар усти равоқли том билан ёпилади. Муҳофаа тизимининг охири кунигача Пастки шаҳар атрофидаги хандақ бир нача марта тозаланганлигига унинг ёнидаги тупроқ уюмлари гувоҳлик беради.

Шаҳар жойлашган материк ташқи томондан маълум баладликкача қирқилган ва баланд супа ҳолатига келтирилган. Унинг устига паҳса пойдевор қурилган. Деворлар нинг хандиқ томон бўртиб чиқарилганлиги эътиборга лойиқдир. Мазкур қурилма нафақат деворни мустаҳкамлигини сақлашга хизмат қилган, балки ҳимояланиш учун ҳам хизмат қилган, яъни протейхизма бўлиб хизмат қилган. Шимолий ва Жанубий Бактрия материалларини Далварзинтепа муҳофаа тизими билан солиштириб уларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчи- монолитли қаланган девор, унинг устидаги йўлак ва минорадаги майдонлардан ўқ узилган. Иккаласи

ҳам ёғоч бошпана билан ёмғирдан сақлаш учун ёпилдган бўлиши мумкин. Иккинчи турга девор ичида йўлак қолдирилган, девордаги туйнуклардан душман томон ўқ узилган ҳамда юқорида тошотар қуроллар билан ғимояланиш майдонлари назарда тутилган. Фаол ғимоя ғижҳатидан иккинчи турдаги мудоғға тизими мукаммалроқ бўлган. Ўқ узиш камералари ташқи томондан, кўп ва зич ўрнатилган сохта туйнукларбилан беркитилган. Душман қайси туйнук сохта, қайси бири ҳақиқийлигини билмасдан ўқини сохта туйнук учун ҳам сарф қилган. Шундай мудоғға деворини Балх мудоғға деворларида кўриш мумкин. Ҳар иккала мудоғға тизими учун ҳам ҳандақ қазилган.

Иккинчи турдаги мудоғға тизимида девор бўйлаб, маълум интервалда тарҳда тўғри тўртбурчак миноралар ўрнатилган. Шунингдек, девор ичи бўйлаб йўналган галерея ва казематлар бир ёки икки-уч қаторда жойланиши ғимоя учун жуда қўл келган. Шундай шаҳарлар қаторига Вахш воҳасида Кўҳнақалъа, Қумтепа, Хайрободтепа, Шаҳрибону, Дилбаржон, Тупрқ-қалъа Шимолий Афғонистонда. Улар актив мудоғға тизимига эга. Бундай мудоғға тизимида камон отувчилар бир неча ярусда ўқ узишлари, юқорида эса артилериядан, яъни тошотар қуроллар учун майдонлар бўлган.

Дастлаб Далварзинтепаннинг Пастки шаҳри мудоғға тизими биринчи турдаги мудоғға тизимига киради. Лекин 1-этапда уларга модефикация киритилади. Яъни, деворнинг жануби-ғарб қирқимида пастки уқ отар каземат юзага келади. Улуғ Кушонлар ҳукмронлигида 2-этапдаги қурилиш давридамудоғға системасини умум кучайтириш давомида деворлар юқорисида ўқ узиш камералари юзага келади. Бундай янғиланиш иккинчи турга киради. Охирги навбада камера миноралар паҳса билан тўлдирилади. Ўша даврдаги нотинч ҳолат пандусга ўхшаган зиналарда катта тошларнинг мавжудлиги, улар юқоридаги майдонларга олиб чиқилганлигидан ва артилерия-тошотар қуроллардан фойдаланганлигидан далолат беради.

Пастки шаҳар мудофаа тизими Улуғ Кушон давлати инқирозга учрагандан сўнг, ўз моҳиятини юқотади.

Кушон ҳукмдорининг шаҳарларда кучли мудофаа иншоотлари барпо этишлари, уларнинг сиёсий дастурларидаги муҳим омил бўлса керак. Кушонлар даврида Термиз шаҳрида ҳам яхлит қалин девор барпо этилган. Хайрободтепа шахристонида миллоднинг I асрида илк қадимий паҳса девор устидан янги истехкомли минора қурилишлари олиб борилган.

I.3. Холчаён саройи тарҳи ва мудофаа тизими

Миллоддан аввалги II-I асрларда Холчаённинг ривожланганлиги йирик қурилишларда ўз аксини топган. Қорабоғтепанинг жанруби-шарқида пишиқ ғишт (черепица)дан қурилган каттагина иморат қолдиғи ва саройнинг юзага келиши ўша даврга тўғри келади. Грек - Бактрия даври иморати харобаси ўрнида ҳом ғиштан Ғарбий уй қад қўтарган, кейин у кенгайтирилган, унинг марказий баланд қисми ҳом ғишт ва паҳса девор билан тубдан қайта қурилган. Жаниби-ғарбидаги уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Архитектурада арк қурилиши юзага келган, туташтирувчи пишиқ ғишт учун черепица ишлатилган, тош асослар кенг тарқалган. Чағониёнда аҳоли қароргоҳларининг ўсиши ҳамда ривожланиб борган бозори, хусусан, тоғлик чорвадор аҳоли билан товар айрибошлаш талабларига тўла жавоб берган. Холчаёндан чиққан сополлар тўла тўқис шаҳар ҳунармандчилиги услубига хосдир. Бу ерда кўчманчилик даври ашёлари деярли учрамайди. Холчаёндаги Сарой биноси миллоддан аввалги I асрнинг иккинчи яримида қад қўтарган. Бунинг вақтини археологик маълумотлар асосида ҳам айвон ва меҳмонхона безаклар - гилдан ясалган ҳайкалчаларнинг ясалиш хусусиятларидан аниқлаш мумкин.

Сарой афтидан, ҳукмдор хонадоннинг қайсидир аъзоси томонидан курилган бўлиши мумкин. Саройнинг унча катта бўлмаганлиги унинг соҳибининг Ўрта Осиё тарихи саҳнасида каттароқ сиёсий эътиборга эришмаганлигини ёки бу саройнинг иккинчи даражали аҳамиятга эга эканлигини англатади. У ҳолда асосий йирик Сарой, шубҳасиз, пойтахт шаҳар - Далварзинтепа (ёки Будрач) бўлади. Дастлаб иморат кичикроқ қабулхона сифатида барпо этилган ва унда қабул ҳамда тўй маросимлари ўтказилган. Кейинчалик бу иморат шуҳрат топиб, "илоҳий аجدодлар уйи" вазифасини ўтай бошлайди ва бутун Буюк Кушонлар ҳукмронлиги даврида ўзининг бу мавқеини сақлаб қолади.

Холчаён топилмалари асосида Кушон подшоҳлигининг дастлабки ҳудудлари тўғрисида ҳам мулоҳаза юритиш мумкин. Бу подшоҳлик ўшанда Амударёнинг шимолида ястаниб ётган Бактрияда бўлганлиги аниқдир. Унинг ҳудуди шимоли – шарқида Қободиёнгача, жануби-ғарбда эса Термизгача ястанган эди.

Далварзинтепага оид археологик материалларни ўрганиш Катта Юежийлар "ўз пойтахтларини Гуй-Шуй дарёси (Амударё)нинг шимол томонида барпо этганликлари"ни англатади ва унинг ўрни Далварзинтепадаги дастлабки қалъага тўғри келди. Далварзинтепада қад кўтарган қадимий шаҳар манбаларда Ходзо номи билан қайд этилган ва Кушонларнинг пойтахти бўлган. Далварзинтепадан 30 чақирим масофада жойлашган Холчаён эса, Кушонлар Герай уруғининг йирик қароргоҳи вазифасини ўтаган ҳамда кушонлар сулоласининг бутун ҳукмронлиги даврида ўз мавқеини сақлаб қолган.

Миллоддан олдинги I асрда Бактриянинг айна юксалиш пайти бўлган. Бу даврда Амударё ўз ирмоқлари билан бирга Бактриядан ўтган жаҳон миқёсидаги муҳим савдо тармоғи ҳисобланган. Миллоддан аввалги I аср охирида Кадфиз I тарқоқ юежий мулкларини бирлаштира бошлайди. "Сотер Мегас" туридаги тангаларнинг тарқалиш ҳудудига қараганда,

Бақтрия вилояти, шу жумладан, Чағониён ҳам унинг қудратли давлати таркибига кирган. Зотан бир хил тангалар Холчаёнда ҳам жуда кўплаб топилди.

Канишка ва Хувишка даври Кушонлар сулоласининг энг юқори чўққига эришган вақти бўлсада, аммо ички карама-қаршиликлар ва ташқи хужум хавфи ҳам намоён бўлаётган эди. Чунки бу даврда антик Чағониёнда, умуман олганда бутун Бақтрияда ҳам шаҳарларда катта муҳофаа истехкомларини қуриш ишлари олиб борилганлигини кўрсатади.

Милодий II аср охири -III аср бошларида Кушон империяси инқирозга юз тутди. Бу жараён Холчаёнда айниқса ёрқин из қолдирган. Қорабоғтепа истехкоми дарвозахонаси ката ёнғинда қолган ва унинг излари Кушонлар даври қурилишларида ёнғин қатлами тарзида сақланган. Хонақотепадаги ўрганиб чиқилган учала иморат ҳам хароб этилган ёки қулатилган. Бу ҳол айниқса саройда яққол кўзга ташланади. Бу ерда қиммабаҳо ашёлар қимматбаҳо ашёлар ва ибодат буюмлари талон-тарож қилиб кетилганлиги билан бирга, тахтхонада тош тагликлардан бири ағдариб ташланган, айвонда эса устун тагликлари қўпорилган, баъзилари улоқтириб ташланган. Шундан сўнг Холчаёнда ҳаёт қисқа вақт бироз меъёрига келади, бино қўл учиди таъмирланади. III асрда шошилинич қайта таъмирланган Холчаён кўрғони узоққа дош бермайди ва бутунлай ташландик бўлиб қолади. Сарой ёниб кетган, ундаги ҳайкаллар ерда сочилган, қраб турган даворлар вайронага айланади. Бошқа Кушон археологик ёдгорликлари ҳам ҳудди шундай III асрда ўзининг охири даврини яшаб вайрон бўлган ва абадий ташлаб кетилган.

Демак, бу ҳолат, қандайдир умумий ички жараён, эҳтимол «қуллар инқилоби» воқеалари билан боғлиқдир. Тарихий йилномаларда бу ҳақда бирор нарса баён қилинмаган бўлсада, аммо бундай турдаги жараёнлар қадимги дунёнинг сўнгги қулдорлик давлатлари учун кўп учрайдиган табиий ҳол эди. Милоднинг III асрида қадимий шарқда қулдорлик жамияти

тугатилиб, унинг заминида келажакка феодал муносабатларининг ривожланишига олиб келувчи янги социал кучлар ўсиб чиққанлиги ҳам бу тахминни тасдиқлайди.

Шуниси эътиборлики, Холчаёнда ҳам, Баграмда ҳам мулкдорлар ҳукмронлиги бойлиги ҳамда кудратининг рамзи бўлмиш сарой бинолари ва қалъа истеҳкомлари вайрон этилган, таланган, ёқиб юборилган.

Ҳар ҳолда Кушон давлати айнан қандайдир чуқур зиддият ва инқироз оқибатида ўта кучсизланиб қолгани аён, шу сабабдан, III асрнинг иккинчи яримида Сосонийлар шоҳи Шопур I кушонлар устидан тўла ғалаба қозонди ва ўз мулкани Синдгача ва ўнг соҳил Бактриягача кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Холчаённи тадқиқ этиш Бактрия маданий ҳаётига, айниса, унинг бадиий маданиятига янги маълумотлар киритади. Бу кузатишлар Ўрта Осиёнинг мазкур йирик вилоятда антик давр шаҳар қурилишининг баъзи жиҳатларини қайта очиб беради. Бу борада тарихий маълумотлар жуда кам. Шу тариқа македонияликлар бостриб келгунга қадар бактрияликлар шаҳар қурилиши санъатига асос солганлар. Аммо Бактриянинг бу даврларидаги шаҳарлари ва истеҳкомлари янги кашфиётлар ва тадқиқотларни кутмоқда.

Холчаёндаги Қорбоғтепа қўрғони деворларда буржлар йўқ. Буржсиз ҳимоя деворлар қурилиши антик Чағониённинг бош марказий шаҳри бўлими Далварзинтепага ҳам тааллуқлидир. Термиз туманидаги Хайрободтепа деворлари ҳам буржсиз бўлган. Бу ёдгорликлар Бактриядан истеҳком деворлари тарихи Айнаи бир вақтда икки хил усулда (буржли ва буржсиз) олиб борилганлигига далилдир.

Бактрия шаҳарларининг милoddан олдинги III-II асрлардаги қурилишида яхлит режа қўлланилганлиги сезилади. Кўҳна қалъадаги қазишмаларда шаҳристоннинг турли қисмида иншоотлар ва иморатларнинг бир хил жойлашганлиги аниқланди. Айниқса, Холчаёндаги қурилишлар ягона ўқ бўйлаб жойлашганлиги Қорабўғтепа ва

Хонақотепадаги иморатларда ҳатто бир ярим километрлик масофадан ҳам кўринади. Шундай экан, биз бош кўчалар, ката-катта даҳалар ва йирик мавзеларнинг қатъий параллел жойлашганлигини эътироф этмоққа ҳақли бўламиз. Хонақотепада бу ҳол аниқ намоён бўлган: жанубий уйлар қатори, ғарбий уй, сарой – ҳаммаси яхлит бир кенг мавзени ташкил этади. Булар юксак ривожланган шаҳар қурилиши санъати, бутун шаҳар тузилишини фикрлаш маҳорати ҳамдир. Кушонлар даврида қулдорлик давлат ҳокимияти кучайиб, ҳақаро алоқалар кенгайди, савдо- сотиқ ривожланди, кенг кўламда маданий алоқалар таркиб топди, шаҳарлар сезиларли даражада такомиллашди. Термиз, Далварзинтепа сингари йирик марказлар атрофи девор билан ўраб олинди. Термизнинг майдони 500 гектарга етди. Далварзинтепа (47гектар) тўғри тўртбурчакли кучли истехком девор ва хандақ билан ўралган эди. Бу вақтга келиб, Холчаёнда ҳам мустаҳкам Грек-Бактрия даври иморати маъмурий ҳамда ҳимоя вазифасини ўтовчи қалъага айланди. Термизда янгидан девор урилган., Далварзинтепа атрофи қалин ва баланд истехком билан ўралган. Қорабоғтепада эски девор устидан бор айланаси бўйлаб қоплама қилиб истехком кучайтирилган ҳамда баланд кўтарилган, ташқи бурчагида бурж юзага келган.

Аммо бу даврда шаҳар ҳаёти қалъада эмас, балки кўпроқ шаҳарнинг ўзида қайнаган. Унда хунармандчилик даҳалари юзага келиб гавжумлашган, жумладан, термизда антик чилангарлар даҳаси аниқланди, Далвазинтепанинг шимоли-шарқий қисмида кулолчилик қолдиқлари топилди. Унда , шунингдек, саройлар (Термиз, Холчаён), ибодатхоналар ҳам ўрин олган (Холчаён Қорабоғтепасидаги ёки Термиз Чингизтепасидаги Будда ансамбллари), турар жой даҳалари ёки алоҳида бинолар қолдиқлари Далварзинтепа ва Холчаёнда аниқланди.

Ўнг соҳил Бактрия шаҳар қурилишида камида икки турдаги шаҳар мавжуд бўлган. Улардан бири – тарихан таркиб топган вилоятларнинг марказий шаҳарлари. Буларнинг зич қурилмалари шаҳар истехкоми

доирасида ўрин олган, бундай шаҳарлар Амударё соҳилидаги Термиз, Сурхон дарёси бўйидаги Далварзинтепа, Ҳисор водийсидаги Шаҳринав, Қободиёндаги Қайқубодшоҳ шаҳристониدير. Холчаён эса бутунлай бошқача тузилган. Унда арк ҳам (Қорабоғтепа), йирик архитектура мажмуаси ҳам (Хонақоттепа), аммо қурилишларнинг кўпи кенг майдонда ката-кичик (афтидан, қулдорлик даврига хос) ҳовлилар кўри нишидадир. Шаҳар (бутун туманининг) қишлоқ хўжалиги йўналишига мос ҳолда таркиб топган ва ривожланиб борганлиги сабабли, улар боғ ва узумзорлар орасида, ҳосилдор ерлар қуршовида кенг майдонда ёйилиб қурилган. Шаҳар қандайдир ташқи девор билан ўралганмиди? бўлиши мумкин, бироқ унинг излари сақланмаган. Агар бундай девор бўлган тақдирда ҳам анча мўъжаз бўлган, унда баланд девор, буржлар, ташқи ҳандақ кабилар бўлмаган.

Холчаён Бактрия архитектураси тарихи борасидаги тасаввуримизни янада тўлдиради. Археологик тадқиқотлар туфайли Бактриянинг сўнгги Кушонлар босқичига доир Будда иншоотлари қолдиқлари Айритомда, Термизда (Қоратепа, Чингизтепа, Зўрмала), айниқса, Сурхкўталда аниқланган бўлсада, бироқ Кушонлардан олдинги давр қоронғи эди. Холчаён саройи, у ердаги ғарбий ва жануби-ғарбий уйлар, топилган айрим архитектура нишонлари эҳтимол тўла тасаввур бермас, лекин ўша даврни тушуниб етиш учун муҳим ашёвий маълумот манбаи бўла олади.

Холчаён ҳозирча Кушонлар келиши арафасидаги давр учун яхлит меъморчилик ҳақида тасаввур берувчи Бактриядаги ягона кўрғон саналади. Унинг ташқи архитектурасининг асосий жиҳатлари қуйидагилар: салобатининг оддийлиги ва яхлитлиги, айвон ва унинг атроф-муҳит билан маконда боғланиши, ўзига хос кенг очиқ айвонли ва унга нақшлар ўйилган бўлган.

Холчаён саройи архитектурасида яқин вақтгача Бойсун туманининг тоғ қишлоқларида сақланиб қолган уй-жой архитектурасини анъаналари

акс этган (9,46-б.,23-расм; 7, 31-расм). Саройнинг меъморий услублари фақат шу биногагина хос бўлмай, балки анча оммалашган. Холчаён шахристонинг турли жойларидан топилган силлиқ ёки муайян шаклдаги тош асослар, нақшкор мезаналар ва тоқалар бунга мисол бўлаолади. Холчаён саройида қурилиш жойлашишининг кўндаланг ўқ бўйлаб қад кўтариб борганлиги Бактрия уй-жой архитектурасининг ўзига хос хусусиятидир, Чунки Бактриядаги ибодатхоналарда (ҳозирча фақат Кушон давридагиси аниқланган) энг катта бевосита ибодат қилиш жойи квадрат шаклдадир. Термиз Қортепасида, Айритомда, Сурхкўталдаги Кушон сулолавий ибодатхонасида айнан шундай.

Холчаён архитектурасида Бактриянинг асосий меъморчилик услублари мавжуд хомашё сифатида хом ғишт ва пахсадан фойдаланилган, куббасимон пештоқ қурилган уйни ёпишда тўсинлар кенг ишлатилган, устунлар кўпинча ёғочдан ва аксарият ҳолда тош асос устига ўрнатилган. Антик Холчаён архитектураси шакли ва баъзи қисмлари жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларидаги шундай қурилишлар билан ўхшашлиги бор, лекин бир хил эмас.

Шундай қилиб, агар Бактрия меъморчилигида эллинистик архитектура анъаналари билан боғлиқлик сўзсиз бор бўлса-да, бироқ унинг маҳаллий меъморчилик анъаналарига сингдириб юбориш жараёни ҳамда шу жой анъанасига мослашиб кетиши ҳам яққол намоён бўлади. Айни вақтда Бактрия меъморчилигининг Шарқий Парфия архитектураси билан муайян даражада умумийликка эгалигини ҳам қайд этмоқ зарур. Бу умумийлик Хоразм архитектураси билан ўхшашликка қараганда анча кўпроқ. Бактрия меъморчилиги ўзига хос йўл билан борган: маҳаллий қурилиш услублари, тарх тузишда иқлимий шароитлар ва турмуш эҳтиёжи назарда тутилган, маҳаллий эстетик мезонларга амал қилинган, меъморий-безак услубида мутаносиблик бўлган. Булар ҳаммаси Бактрия

меъморчилик мактабини антик Ўрта Осиё умумий меъморчилигидан алоҳида олиб қараш учун тўла асос бўла олади.

Холчаён архитектураси антик шакл - шамоийил ихтирочилиги учун маҳаллий меъморчиликнинг кўпгина услуб ва анъаналари асос қилиб олинган ва бу услуб кейинги даврларда ривожлантирилган девор ва равоқлар қурилишида асосий хомашё хом ғишт бўлиши, гумбаз-равоқ тузилмаларининг оддийлиги, айниқса, устунли айвон ва бошқалар илк ва ривожланган ўрта асрлар Ўрта Осиё архитектурасида қадимий қулдорлик шаҳар ҳамда қишлоқлари қурувчилари сулоласи тажрибасидан кириб келган. Худи шу тариқа Ўрта Шарқ илк феодал тасвирий санъати ҳам антик Ўрта Осиё санъатининг кўпгина бадиий жиҳатларини қабул қилган ва бунда Парфия ҳамда Бактриянинг ижодий улуши сезиларлидир. Ҳақиқатда ҳам, тантанали тахт сахнаси ва Холчаён саройидан топилган сопол медальон Панжикент беаги ва ёғоч ўймакорлигида, Варахша безакларида ҳам ўз аксини топган. Холчаён ҳайкалтарошлигидаги елиб бораётган чавандозлар тасвири кейинчалик Тоқи-Бўстон овчиликка бағишланган рельефларида ҳамда Сосоний идишларда акс этган.

Холчаён ҳайкалчалари Ўрта Шарқ ҳайкалтарошлик санъатида шу йўналишдаги узилишни тўлдиради. Агар ҳайкалтарошлик санъати тараққиётининг илк антик Грек – Бактрия босқичи умумий йўналишлардагина гавдаланса, сўнгги антик Кушон босқичи Термиз, Айритом ва Сурхкўталда олиб борилган қазимша ёдгорликларида намоён бўлади; уларни ажратиб турган деярли икки асрлик давр ҳозиргача тўлғазилмай қолаётган эди. Холчаён ҳайкаллари Грек - Бактрия ҳайкалларига нисбатан ўрта антик босқичда Ўрта Осиё ҳайкалтарошлигининг янги поғонаси сифатида эътироф этилади.

Бактрияни сак-юежийлар эгаллаган давр санъатда ягона йўналишларни ҳосил қилди. Айрим юежий уруғларининг бу ерда ё маҳаллий аҳолига сингиб кетиши, ёки аксинча, туб аҳолини ўзига

аралаштириб сингдириб юбориши анти эллинистик кайфият туғдирди. Бу хол бадий маданиятда кенг аҳоли қатламидагина эмас, балки ҳукмдорлар муҳотида ҳам акс этади. Эллинистик услублар фақат айрим қисмлардагина сақланади. Холчаёндаги лойдан ясалган ҳайкаллар бу жарёни ёрқин намоеъ этади. Холчаён ҳайкалсозлигининг аҳамияти шундаки, унда Бактрия маҳаллий мактабининг изланиш ва шаклланиш жараёнларини кўрамиз. Бу жараён маҳаллий кулдорлик маданиятининг ўрта антик босқичига тўғри келади.

Илк босқич- Грек-Бактрия босқичида (милоддан авв. III-II асрлар) юксак даражага эришган эллинистик санъатга мурожаат этиш, бу юксак санъатни ўрта босқич-сак- юежий босқичида (мил. Ав. II аср-милоднинг I асри) ўзлаштириш ва ижодий ўзгартириш, сўнгги босқич –кушон босқичида (милоднинг I-III асрлари) бу санъатни енгиб ўтиш, инкор этиш ва маҳаллий асосда мутлақо бошқача санъат яратиш босқичлари Бактрия антик бадий маданиятининг асосий даврларини ташкил этади. Қизиғи шундаки, Шимолий Парфия вилоятлари (Жанубий Туркистон) санъатида ҳам худди шундай даврлар ва шунга ўхшаш ижодий жараёнлар аниқланган. Санъатни синтез қилиш инсониятнинг энг юксак ижодий ютуғи бўлиб, бу Бактрия бадий маданиятига ҳам муҳим илова бўла олади. Ўрта Осиёда бу синтезнинг дебочаси маҳаллий антик маданият таркиб топиши ва ривожланиши даврида, яъни кулдорлик тизими ўзагида бошланган эди. Бошқача айтганда, греклар келганда Ўрта Осиёда меъморчилик ва тасвирий санъат синтезининг ибтидоси чоғи эди. Ундан кейинги даврда Ўрта Осиё меъморчилигида, жумладан, Бактрия меъморчилигида, эллинистик ҳайкалтарошлиги, нақш санъати таъмири кузатилади, унинг уйғунлашиб кетиш жараёни давом этади. Кейинги даврларда Бактрия ҳудудида ҳайкаллар билан жиҳозланган меъморий ёдгорликлар вужудга келди: Холчаён саройи, Айритом ибодатхонаси, Қоратепадаги будда монастири, Сурхкўтал сулолавий ибодатхонаси,

Болаликтепадаги илк ўрта асрга оид бой жиҳозланган уй каби иморатлар барчаси Бактрия (Тоҳаристон)да санъат синтези монументал меъморчиликда антик давр ва илк ўрта аср давомида катта аҳамиятга молик бўлак бўлганлигини кўрсатади. Тасвирий санъат цикли ёки унинг айрим таркибий қисмлари мазмун жиҳатдан мазкур иморатнинг вазифаси билан боғлиқ бўлган. Аммо саройларда ҳам, ибодатхоналарда ҳам дунёвий ва мифологик йўналишлар уйғунлашганлиги эътиборни тортади. Холчаёнда шоҳлар ва ҳомий худолар образларит ёнма-ён тасвирланган.

Бактриянинг тарихий алоқалари фақат Грек-Рим олами билангина чегараланиб қолмаган. Холчаёнда кўп ҳолларда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Шарқий Парфия саъати билан ўзаро алоқа жуда сезирарли бўлган. Бу алоқа айниқса меъморий шакллар ва ашёларда ҳамда саройни беаган ҳайкаллар образлари гуруҳида яққол намоён бўлади. Бу ўзаро алоқа хронологик (даврий) жиҳатдан, асосан милoddан аввалги II-I аср Грек-Бактрия подшоҳлиги ва сак – юежий даврини ўз ичига олади. Бу вақтда афтидан Аршакидлар давлат, айниқса, ҳинд-сак ва ҳинд-парфия мулклари билан бевосита алоқалар мавжуд бўлган. Буюк Кушонлар даврида, яъни Ўрта Шарқнинг иккита улуғвор кулдорлик давлати-Аршакидларнинг Парфия давлати ва Кушон подшоҳлиги сиёсий рақобат ҳолатида бўлган вақтдан бошлаб бу алоқалар бир-бири билан туташади. Бироқ, Ҳиндистон яримороли шимолий қисмининг Кушон подшоҳлиги таркибига кириши милoddнинг дастлабки асрларида ҳинд алоқаларининг кучайишига олиб келди .

Буддизм ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Термиз ва Айритом ёдгорликларида ҳиндлашув элементи яққол акс этган. Буддизм Чағониён, Қабодиён, Хутталонга қанчалик тарқалганлигини ҳали айтиш қийин, бу жойларда олиб борилган археологик кузатишлар ҳозирча бу борада аниқ маълумот бермайди. Аммо Чағониёнда бешта Будда ибодатхонаси мавжудлиги ҳақидаги маълумот VII асрга тегишли бўлса ҳам, эътиборга

моликдир. Чин сайёҳи бу даврда Будда жамоалари амударё ҳавзаси вилоятларида инқирозга учраганлигини қайд қилади, демак, улар илгарироқ барпо этилган бўлади. Археологик топилмалардан (тангалар, сопол, тагтахталар) келиб чиқиб, Тоҳаристонда Будда ибодатхоналарининг пайдо бўлиши Кушонлар даврига бориб тақалади, дейиш мумкин (Термиз, Айритом). Жанубий Чағониёндан топилган ашёвий ёдгорликлар орасида К. Шархурин томонидан топилган Будданинг ўтирган ҳолатидаги пршитилган сопол ҳайкалчасини кўрсатиш мумкин. Аммо бу ҳайкалчаларнинг ижро усули бўйича ясалган вақти IV аср ёки ундан бир мунча кейинги даврга тўғри келади.

Ҳинд бадий анъаналари таъсири Холчаён саройининг Кушонлар даври қатламидан ва Термиз туманидаги Кушонлар шахристонида топилган маймуннинг пишиқ сопол ҳайкалчаларида кўринади. Кушонлар даврида бу ҳайкалчалар Ўрта Осиёда кенг тарқалиб, чегараси шимоли-шарқда Хутангача етган. Барибир, Холчаён пишиқ сопол буюмлари орасида маймун ҳайкалчаси ягонадир. Ўнг соҳил Бактрия ёдгорликлари милoddан аввалги I асргача Бактрия меъморчилигида Ҳиндистон сезирарли мавқе тутмаганлигини тасдиқлайди, Аксинча, айнан, Бактрия ва Шарқий Парфия Ҳиндистоннинг Гандхар ҳайкалтарошлик мактаби шаккланишида ҳинд анъанасига таъсир ўтказган. Милoddнинг дастлабки асрларида, буюк Кушонлар даврида эса тескари жараён кечди, бу вақтда мазкур мактаб ва унинг самарали Будда концепцияси бутун кучи билан Тоҳаристон санъатига ёпирилиб кириб келди.

Бактрия санъати мумтоз санъатнинг бир тармоғи сифатида эмас, антик оламнинг бир гўшасидаги Грек-Рим цивилизацияси учқуни сифатида эмас, балки Осиё қитъасининг шундоққина қалбида, эллинлашган Шарқ ва скифлар Осёси қадим маданияти туташган жойдаги Бактрия заминида ўсиб чиққан ўз цивилизацияси сифатида намоён бўлади.

1- Боб бўйича хулосалар

Чағониён жанубидан Сарманган (Жарқўрғон), шимолдан Новандак (Сурхоннинг бошланиши), ғарбдан Дари Оханин (Темир дарвозаси), шарқдан Боботоғ Оша Кофирнихон, Амударёгача бўлган ҳудудни ўз камровига олган жаннатмакон ўлка бўлган. Қадимдан бу вилоят ва унинг Чағониён деб аталган, аслида Саканиён саклар юрти маъносида) бўлса керак. Водийга обиҳаёт берувчи дарёни Чағонруд (ҳозирги Сурхондарё), бу жойнинг бошлиғини Чағонхудот деганлар.

Сополлитепа шаҳарчаси Сурхондарё воҳасда жойлашган ва унинг барпо этилиш даври миллоддан аввалги иккинчи мингйилликка тўғри келади. 1968 йилда Л.И. Альбаум томонидан очилган, кейинги археологик қазилмалар А.А. Аскарлов томонидан давом эттирилган. Сополлитепа қурилиши уч даврни ўз ичига олади. Сополлитепа уч қатор муҳофаа деворига эга бўлган. Сополлитепа шаҳарчаси муҳофаа тизими билан бир вақтнинг ўзида ягона лойиҳа асосида қурилган. Бу тажриба Бактрия шаҳарларининг миллоддан олдинги III-II асрлардаги қурилишида яхлит режа қўлланилганлиги давом эттирилади.

Бактрия-Чағониён Аҳамонийлар, Бактрия, кейинчалик Грек-Бактрия давлати таркибида марказий ўринлардан бирини эгаллаб турган. Миллоднинг биринчи асри бошида барпо этилган ва тўрт юз йил ҳукм сурган Кушон империяси, III-IV асрларда Сосонийлар, V асрда Хинойлар, VI асрда Эфталитлар давлатлари таркибида бўлганда ҳам, VII асрда Турк ҳоконлиги чоғида ҳам Чағониён нисбатан мустақил сиёсат юритган ва уни чағонхудотлар бошқарганлар.

Ёзма манбаларда Сурхон водийсида Сағониён (Чағониён) дан ташқари яна Босанд, Зинвор, Буроб, Сангардак, Ригдашт, Қумғонак ва бошқа шаҳарлар ҳам эслатилади. Макдисий (X аср) ўрта асрларда Чағониёнда 16000 турар жой бўлганлигини қайд этади.

Тадқиқотлар кулдорлик даврида Сурхандарёнинг ўрта оқими соҳилида бош марказий шаҳар Далварзинтепа бўлган, деган хулосага олиб келади.

Далварзинтепа қалъа деворларининг қурилиш даврини уч этапга бўлиш мумкин. Биринчи этап юнон –бактрия (милл. олдинги III-II асрлар) даврида катта бўлмаган пахса девор қурилади. Иккинчи этап юдеж- кушан даврида (милл. аввалги I- миллоднинг I асри) олдинга бўртиб чиққан супа-протейхизма билан юқори девор юзага келади. Учинчи этап кушан давлатининг энг шаклланган даврига (I-III аа.) тўғри келади. Бу даврда қалъа оралигида йўлак қолдирилган икки қатор девор билан ўралади. Далварзинтепа қалъаси мудофаа деворларини Ўрта Осиё бошқа қалъалари мудофаа тизими билан солиштирганимизда уларда Марғиёна ва Бактрия мудофаа тизимида ўхшаш услубларни кўрамыз.

Текисланган нишоб устига фасаддан бир ярим метр олдинга чиқарилган майдон устига пахса ва хом ғиштдан қурилган суппа қурилган. Олдинга бўртириб чиқарилган супа қадимий фортификация тизимида кенг қўлланилишига сабаб, у тошотар қуролларнинг яқинлашувига халақит берган ва деворни тошлардан сақлаб қолган.

Маданият, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, шаҳар қурилиши, хунармандчилик, кулолчилик ўша давр мезонида юксак даражада бўлган, ўз пул (танга)ларини зарб қилганлар. Бу ҳолни қадимий Чағониён ҳудудидаги Далварзинтепа, Холчаён, Будрач шахристонида қазиб олинган археологик топилмалар ва ёзма манбалар яққол кўрсатиб турибди.

Бактрия санъати мумтоз санъатнинг бир тармоғи сифатида эмас, антик оламнинг бир гўшасидаги Грек-Рим цивилизацияси учқуни сифатида эмас, балки Осиё қитъасининг шундоққина қалбида, эллинлашган Шарқ ва скифлар Осёси қадим маданияти туташган жойдаги Бактрия заминида ўсиб чиққан ўз цивилизацияси сифатида намоён бўлади.

II – БОБ.

ЭЛЛИНИСТИК БАКТРИЯ ВА ХОРАЗМ ШАҲАРЛАРИ МУДОФАА ТИЗИМИ ВА УЛАРДАГИ УМУМИЙЛИК

Мазкур бобда Сополлитепа шаҳарчасининги Ўрта Осиё шаҳарлари мудофаа тизимида тутган ўрнини аниқлаш учун қадимий шаҳарларимиздан бир нечасини кўриб ўтамиз. Чунки Сополлитепа мудофаа тизимининг кейинги даврларда шаҳарсозликдаги мудофаа тизими ривожланишига қилган таъсирини аниқлашга имкон беради. Юқорида айтганимиздек, Бактрия давлати ҳозирги Афғонистон, Ўзбекистоннинг Сурхандарё вилояти ва бошқа қўшни улкаларни бирлаштириб олади. Шунинг учун улар архитектурасида ҳамда санъатида ўхшашликлар сезилади. Шунинг учун бизлар Бактрия мудофаа тизимининг Хоразм худудига қилган таъсирини аниқлаш учун Хоразмдаги айрим қадимий шаҳарлар мудофаа тизимига ҳам тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, Хоразм шаҳарсозлиги мудофаа тизими олимларимиз томонидан яхши ўрганилган.

II. I. Ойхоним шаҳри тархи ва мудофаа тизими

Ойхоним номли манзилда юнонлар томонидан барпо этилган шаҳар келажакда Шимоли –Шарқий Бактриянинг нафақат иқтисодий, маданий ва маъмурий маркази, балки бир вақтининг ўзида сатрапнинг марказий мудофаа пункти бўлиши назарда тутилган эди. Шунинг учун шаҳар жуда ривожланган тизимда мустаҳкам мудофаа деворига эга эди. Кенг масштабдаги археологик қазилмалар натижасида олинган бой ва зарур материаллар нафақат шаҳар ёки вилоят, балки эллинистик Марказий Осиё мудофаа тизими ҳақида маълумот беради. Стратегик нуқтаи назардан Ойхоним иккита асосий ютуққа эга. Окс ва Кўкча дарёларининг қуюлиш жойида учбурчак тузилишда жойлашган. Шаҳар икки томонидан

дарёларнинг баландлиги 20 метр келадиган табиий қирғоғлари билан чегараланган. Шунингдек, унинг устида баландлиги қарийб 60 метр келадиган, планда учбурчак тузилишдаги табиий баландлик қад ростлаб туради. Унинг текис қисми шаҳарнинг қарийб яримини эгаллаб туради. Шунинг учун шаҳарнинг шимолий ва шарқий бурчаклари икки воҳани ташқи кучлардан ҳимоя қилиш имконини беради. Шаҳарнинг шарқий бурчаги Кўкча дарёси устида қад ростлаб туради. Унга фақат юқори шаҳар томонидан ўтиш мумкин. Шунинг учун бу жойда Шаҳарнинг марказий биноси-цитадел қуриш учун жуда қўлай имконият туғилган. Бу табиий муҳофаа пунктидан ахеминид давридан то кушан давригача ва ҳатто Сомонийлар ҳамда Тимурийлар дарида ҳам фойдаланилган. Шарқий бурчак ва шаҳарнинг жанубий баланд қисми вақт вақти билан муҳофаа цитадел-кузатув пункти, атрофи девор билан ўралган лагер ёки аниқ муҳофаа характериға эға қалъа жойлашган.

Кенг кўламда урбанизация фақат юнонлар давридан бошланади. Бу даврда жойнинг муҳофаа учун қулайлиғидан кенг қўлланилади. Муҳофаа тизими бошидан чегаралар яратади, уларнинг ичида бир ярим аср мобайнида селевкид империясининг маркази ва сунгги –юнон-бактрия подшоҳлиғи шаклланади. Қалинлиғи 6 метрли хом ғиштдан қурилган девор айрим жойларида тарҳда тутбурчак бастионлар билан кучайтирилган. Бастионлар –муҳофаа миноралари Окс ва Кўкча дарёлари бўйлаб қад кўтарган. Улар ғарб томондан пастки шаҳар билан чегарадош ва жанубий ҳамда юқори шаҳарнинг ғарбий томонларини чегаралайди. Шимол томонда юқори шаҳардан то Окс дарёсигача қалинлиғи 7-8 метрли қалин муҳофаа девори ўтади. Девор ҳар 30 метрда туғри тўртбурчак тарҳдаги муҳофаа миноралари билан таъминланган. У пастки шаҳарни теисликдан ажратади. Текс ва узун кўча юқори шаҳарнинг шарқий томонидан шаҳарнинг монументал дарвозаларига туташади. Қўшимча кириш эшиклари юқори ва пастки шаҳарларнинг шимолий деворлари

туташган пунктда ўрнатилган. Улар тахминан юқори шаҳарнинг шарқий девори ўртасида, Окс дарёси бўлаб, асосий кўчанинг жанубий қисми охирида жойлаштирилиши дарё билан боғланиш имконини берган.

Пастки шаҳар юқори шаҳардан ажратилмаган. Фақат юқори шаҳарнинг жанубий бурчаги мудофаа девори билан черараланган. Мазур девор олдида жарлик қазилган ва томонлари 150 метр келадиган цитадел қурилган. Унинг марказида муҳитни чегаралаган шимолий мудофаа деворига туташган ҳолда қалъа қурилган. Қалъанинг бундай тартибда жолаштирилиши мудфаанинг қўлигини таъминлаган. Иккинчи қалъа юқори шаҳарнинг шимолий бурчагида қурилган. Ундан Окс дарёсининг воҳасини кузатишмумкин бўлган. Шунингдек, пастки шаҳарнинг ва унинг хавфли қисмларидаги истехкомларни кузатиш имконини берган.

Мазкур мудофаа ансамблнинг ғояси ва яратилишида қўлланилган техника юнонларнинг буўлкада ўрнашиб қолиши ҳақида айрим мулоҳазаларни туғдиради. Биринчидан барча юнон “пойдеворга” хос бўлган тизимнинг танланиши, хусусан милодгача 1У асрда табиий рельефнинг қўлланилиши ва унга шаҳар ташқи деворининг мослаштирилиши киради. Шаҳарнинг ўзи қатор жойлаштирилган иморатлари шаҳарнинг табиий жиҳатдан ҳимояланган қисмларида истехком сифатида гавдаланади. Бу ерда бундай схеманинг кенг кўламда қўлланилиши шу жойда ҳақиқий марказ яратиш ғоясининг гувоҳлик беришидан далолат беради. Бу марказдаватнинг қудратли ва бой бўлишига мос келиши, ҳамда бу янги шаҳар қолшаглар устидан ҳукмронлик (хусусан, сўзсиз харобалашиб кетаётган Қундуз) қилиши кўзда тутилган. Шаҳар яратувчиси катта майдонга эга бўлишни истаган. Майдонни пастки шаҳарнинг шимолий мудофаа деворигача чўзишни назада тутган. Асосий мақсад пастки шаҳарда жойлашган сарой атрофида кенг майдон яратишни назарда тутган. Натижада Ойхоним 170 гектар

майдонни эгаллайди. Ўша пайтда Марв 320га, Апамея 300га майдонга эга бўлган.

Мазкур сиёсий ва урбанистик шаҳар тарҳи муҳофаа стратегик схемани танлаш ғоясини яратади. Ойхоним фортификацияси уз масштаби билан “ катта доира” деб ном олган кучли муҳофаа сериясига оид тизимга киради. Бу шаҳар Сиракуза, Мессене ёки Яссосе муҳофаа системасини эслатади.

Кўриб ўтилган муҳофаа системасининг ютуғи шундаки, у шу позициядаги барча стратегик пунктларни ягона айланма муҳофаа системасига қўшади. Лекин бу муҳофаа тизим ҳам камчиликдан холи эмас, чунки кўп сонли куриқчини талаб қилади. Шунинг учун бундай муҳофаа тизимлари оддийроқ муҳофаа тизимига айлантирилган эди. Бундай қийинчилик Ойхонимнинг яратилиш даврида ҳам аён бўлган, шунинг учун дастлаб Бактрияга Юнонистондан ёки Ўрта денгиздан солдат чақирилган бўлиши мумкин. Натижада статистик муҳофаа тизими танланган. У кўп миқдордаги мустаҳкам қурилмаларга мўлжалланган. Бундай мустаҳкам деворлар устида кам сонли ҳимоячи бўлишини таққозо этган. Шунингдек, босқинчининг турли техник қуролларига, яъни тошотар, таранларга мазкур муҳофаа деворлар қалинлиги ва баландлиги билан бардош бегрган. Бу даврда Юнонистоннинг ўзида бундай муҳофаа тизими бўлмаган. Муҳофаа деворлари энгичка ва миноралари пасткам ва кўп ҳолда тарҳда доира тузилишда бўлган. Ойхоним бунёдкорлари бундай тузилишдаги муҳофаа тизимини Марказий Осиёда ҳам учратишмаган. У ерда текис деворлар ва доирасимон миноралар Александр Македонский аскарлари зарбига бардош беролмаган. Бизнингча бундай муҳофаа тизимини Месопотомияда бўлиши мумкин. Хусусан, Вавилоннинг уч қавват муҳофаа девори билан айлантитрилиши диққатга сазовордир. Унинг ички муҳофаа тизими Ойхонимдаги шимолий муҳофаа тизими билан ўхшашликка эга. Хусусан, Ойхонимдаги тўғри чизиқли ва қалин девори ҳамда кудратли муҳофаа

минораларининг қисқа-қисқа ораликда қўйилиши диққатга сазовордир. Бу далил бизни ҳайратда қолдирмаслиги керак. Мазкур Ойхоним шаҳрининг Искандар ва Селевканинг биринчи даврларида қандай аҳамиятга эга эканлигини эслаш лозим. Шу йўналишда Ван Берш ва Кошеленколар “мудофаа деворлари” ғояси устида тадқиқотлар олиб бориб, Дур Еврос билан Ойхонимнинг пастки шаҳар мудофаа тизимида кўп ҳолатда ўхшашликлар борлигини аниқлашган (29). Бу ерда Дура Евросдагига нисбатан мудофаа девори қалинлиги 3 метрдан зиёд бўлмаган, шунингдек миноралари сийрак бўлган. Вавилондагидек мудофаа тизимини танлашга сабаб биринчидан хом ғиштнинг имкониятлари бўлса, иккинчидан кўп сонли, лекин худди Месапотомияда учрагани каби тажрибасиз ишчи кучини сафарбар этиш билан боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб, Ойхонимни бунёд этишда қўлланилган мудофаа тизимини ўрганиш бунёдкорларнинг бу йўналишда илк сай-ҳаракатларини , уларнинг ғоялари юнонлар дунёсида урбанистик схемани кўрсатади. Юнонлар шундай мудофаа тизими яратишдики бу тизим ўша даврдаги юнонлар шароитидаги муҳитдан фарқ қиладиган, кучли қуролланган босқинчилардан ҳимояланиш иконини берган. Юнон кучлари ёрдамга етиб келгунларича деярли хом ғишдан кучли мудофаа тизимлари яратилиши кўл келган.

Милодгача 1У асрда бунёд этилган Ойхоним юнонлар томонидан милодгача 147 йилда тарк этилади. Бир ярим аср мобайнида шаҳарнинг мудофаа тизими уч ёки тўрт марта тикланади. Окс бўйлаб йўналган девор бутунлай қайта қурилади. Қайта таъмирга мудофаа деворларининг эрозияга учраган ва босқинчилар томонидан вайрон қилинган қисмлари учрайди. Шунингдек, мудофаа тизимини яхшилаш учун техник янги ютуқлар, социал-сиёсий эволюцион ўзгаришларни ҳамда мудофаа деворларининг урбанистик тартибга бўлган талабларга жавоб бериши назарда тутилган.

Биринчи босқичда муофаа миноралар ташқи томонидан ғиштли футляр билан қопланади.бу тадбир миноралар устидатошотар қудратли курулларни ўрнатиш учун хоналар ўрнатиш имконини берган. Мудофаа минораларининг пастки қисми қалин ғишт девор билан мустаҳкамланади. Пастки шаҳарнинг шимолий девори олд қисмида чуқур хандақ қазилади. Деворнинг ички томонидан қўшимча девор билан мустаҳкамланади.

Биринчи босқичдан сўнг иккинчи босқич таъмир ишлари бошланади. У узоққа чўзилади. Таъмир даврида мудофаа конструкциялари енгиллаштириладива актив ҳимояланиш имкониятлари яратилади. Шулар жумласига қуйидагилар киради. Окс дарёси бўйлаб йўналган девор қалинлиги 3 метрга келтирилади. Мудофаа минораларида оддий бўртма қисмлар қўлланилади.

Пастки шаҳарнинг мудофаа девори жуда мустаҳкам бўлган, уни худди Окс бўйлаб қуриш бузиб қайтадан қуриш керакэди. Шунинг учун миноралар фасади олдида бир хил масофада кенглиги 3-5 метрли девор қурилади.Натижада мустаҳкамланган пояс олдинга бўртиб чиққан иморатлар тусини олади. Ўша даврга оид мудофаа деворлари ўқ узадиган туйнуқли кўрининишга эга. Бир вақтнинг ўзида бўртиб чиққан мудофаа бўлинмалари чуқур ва кенг хандақлар билан, ҳамда шимолий мудофаа деворининг пастки қисми бўйлаб майда тош тўкиш йўли билан мустаҳкамланади.

Ойхонимдаги бу ўзгаришлар қуйидагилардан гувоҳлик беради. Биринчидан, маълумки бундай катта ўзгаришлар учун маҳаллий ҳукмронлар катта миқдорда ишчи кучини сафарбар этишга қодир бўлганлар. Оддий ҳисоб-китоб натижасида, мазур таъмир ишларида 10 миллион ғишт кетганлигидан гувоҳлик беради (Лериш П., 1987,70-б.). Бу таъмир ишига минг киши сафарбар қилинган. Улар урмлиш материалларини тайёрлар ва қайта қуриш учун йилнинг олти ойида ишлашган. Иккинчидан, Ойхонимнинг мудофаа тизимини таъмирлаш

ишлари домийлик тусини олган. Бунга сабаб юнон мудофаа санъатининг ривожланиб бориши таъсири бўлса , шунингдек, душман давлатларнинг кучайганлиги ва ҳимоя қилиш учун ҳимоячиларнинг сон жиҳатдан купайгани сабаб бўлган.

Сўнгги кузатувлардан келиб чиқиб, бир саволга жавоб топиш иштиёқи туғилади. У ҳам бўлса, мазкур қурилишларда ишлаганлар Ҳиндистондан босиб олиш натижасида келтирилган катта бойликлар эвазига ишга жалб қилинганлар мардикорларми, ёки вақтинчалик солдат вазифасини ўтаётганда таъмир ишларига жалб қилинган маҳаллий кучларми? Бу Масала ечими кенг миқёсдаги изланишларни талаб қилади.

Яна бошқа савол юзага келади. Мазкур катта ўзгаришлар фақат Ойхонимга хосми ёки бутун Марказий Осиёда юзага келган янгиликларнинг таъсирими? Буни билиш учун Марказий Осиёдаги Ойхонимга монанд мустаҳкам мудофаа тизимига эга шаҳарларни ўрганиш лозим. Ҳозирги кунгача катта маданий бой қатламга ва майдонга эга бўлган Марказий Осиёда шундай мудофаа тизимига эга шаҳар топилиши мумкин. Ойхонимнинг пастки шаҳри мудофаа девори Дура Европос мудофаа деворига ўхшашлигини Кошеленко аниқлаган (29, 66- 67 - б.).

Ҳажм жиҳатидан Ойхонимга тўғри келадиган шаҳарлар қаторига Бақтрияда Марв шаҳри тўғри келади, лекин бу шаҳарда шурфлар қазилар билан чегараланган. Самарқандда эллик йил давомида археологлар томонидан қазилган шурфлар турли даврларни беради. Кандагарда ҳам шу аҳвол. Термизда юнонлар қурган шаҳар чегараси аниқ эмас.

Еркўрғон шаҳарчаси (Наутака?) Суғдиёнада кичкина аҳоли пункти бўлиб, 34 гектар майдонга эга бўлган, ва Ойхонимга нисбатан кичик бўлиб, кушан даврига оид. Суғдиёнада марказий шаҳарлардан бири Заххоки Морон 215 гектар майдонни ташил қилган. Бу шаҳарда археологик қазилмалар зиддиликда олиб борилмоқда. Ҳозирча унинг тўғри тўрт бурчак тузилишдаги уч қават девори III ёки II асрга тўғри

келиши мумкин (31,70-б.). Шундай бўлишига қарамасдан Ерқўрғонда Ойхонимнинг биринчи мудофаа тизимига монанд, қалинлиги 10 - 11 метр келадиган мудофаа декори пойдевори аниқланган. Бу тузилишдаги мудофаа тизимига енгиллаштирилган деворлари туйнукга эга галерея бўлиши мумкин. Суғдиёнадаги бу икки шаҳардан ташқари Бактриядаги Далварзин, Қорабоғ ёки юнон-бактрия даврига оид Дилбержин, Кай Кобад Шох каби кичкина шаҳарчаларга мурожаат қиламиз. Улар қалинлиги 4 метр келадиган туйнукли девор, айрим жойларида девор юзасидан бўртиб чиққан пилястра (Кай Кобад мудофаа миноралари характерлидир. Шулар жумласига Бактрия воҳаси чегара мудофаа деворларини (қалинлиги 2 метр) киритсак бўлади. Ойхоним мудофаа тизимининг шаклланиши якка ҳолдаги ривожланиш бўлмаган. У пассив ҳимоя формуласидан актив, прогрессив ҳимоя тизимига ўтади. У мудофаа деворининг мустаҳкамлигига ва инерциясига таянади. Енгил конструкцияга суяниб камондан ўқ узишга таянади. Бундай ўзгаришлар бутун Марказий Осиёга тарқалади. Бу ҳулоса жуда зарур, чунки юнонлар даврида фақат бир хил ҳарбий мудофаа архитектураси тадбиқ этилмаганлигидан далолат беради. Фортификация архитектуранинг бошқа турларига нисбатан кўпроқ реал ҳаётга боғлиқ бўлган ва у доимо ривожланиб борган. Марказий Осиёда юнонлар даврида ва сўнгги даврларда ҳам бир хил мудофаа тизимидан қаноатланишмаган. У доимо ўзгариб турган. Бунга турли ва кўпдан кўп сабаблар бўлган. Ҳар бир ўрганиладиган вилоятда турли жавоб топилади. Улар ўша жойга хослиги табиий албатта.

Ҳулоса қилиб таъкидлаш лозимки, кейинчалик кўр-кўна “Юнон мудофаа девори” “массив мудофаа девори”га тенг, ёки аксинча енгил ёки текис мудофаа девори юнон мудофаа деворига тенглашади деб бўлмайди. Бир ярим аср ичида Бактрия сиёсий ва социал муҳит ўзгаради, шунингдек шу давр ичида техника, ҳарбийликка жалб қилиш ва душманнинг потенциал кучи ошган эди. Ҳарбий архитектура бу ўзгаришларга

мослашади. Ҳали Юнон-Бактрия ҳукмронлиги тадқиқотлар натижасида Кўшонгача ва кўшон даврига характерли кўп қирраларни очади.

II.2. Қадимги Хоразм ҳимоя тизимининг ривожланиш босқичлари

Милоддан аввалги VII аср охири –VI-V асрлар. Қадимги Хоразм вилояти тўғрисидаги ёзма манбалар маълумотлари лозим даражада ишончли бўла бошлаган ахомонийлар давридаги Хоразм ўзига хос этник қиёфагаҳ шу жумладан тил, диний тасаввурлар ва урф-одатлар билан шарций Эрон оламининг бир қисми бўлганди, Хоразмликларнинг этномаданий хусусиятлари сарчашмаси асрлар кўйнига кириб боради. Бироқ архаик даврдаги Хоразм аҳолисининг ўша худудда жез ва илк темир даври (мил.авв.II аср-I аср бошида яшаган аҳоли билан маданий ва ундан кейинги алоқаларни фанда ўрганишга энди киришилди. Гарчи архаик ва ундан кейингидаврлардаги Хоразмга хос бўлган шаҳар ва қишлоқ типидagi манзилгоҳлардаги ўтроқ турмуш ананалари нафақат Хоразмда балки Ўрта Осиёнинг шаҳарлар пайдо бўлгунча мавжуд бўлган цивилизациялар кегнг олами билан ҳам боғлиқ булганлигини тахмин этиш мумкин бўлсада, бу муаммонинг кўп жиҳатлари ҳал этилмаган. Бу жиҳатдан, эҳтимол, Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлашган жанубий минтақалари, жумладан, Бактрия ва Марғиёнаннинг ижтимоий-маданий таъсири, шунингдек Хоразмнинг ахомонийлар империяси таркибига кирганлиги муайян роль ўйнаган.

Қадимги Хоразм ҳарбий истехкомларининг юзага келиши ва амал қилишининг биринчи даври мил. Авв. VII-VI асрларга тўғри келади. Кўзалиқир шаҳристони материалларига асосланиб, Хоразмнинг архаик даври икки: илк архаик ва сўнгги архаик босқичга бўлинади. Хоразмнинг илк архаик даври ҳарбий истехкомлари иншоотлар тарҳига кўра мунтазамбўлмаган, тепаликда жойдаўган, ўлчамларикатта қалъа

деворларида бир қавали йўлаклари бўлган гумбазсиз, текис бостирмали бўлган. Буржлари бир оз туртиб чиққан, ички бўшлиқда йўлаklar йққ.Истехком деворлари ва буржларидатўғри бурчакли шинаклар қўйилган. Уларнинг асоси горизонтал, кириш ва чиқиш туйнуклари тенг баладликда жойдашган. Шинаклар пахса девор қавти доирасида шохмот таркибида қўйилган. Илк архаик истехкомларнинг асоси бўлмаган, отиш йўлаклари анча пст жойлашган. Қурилиш материаллари ва техника ҳам фарқ қилган.

Иккинчи босқичда Қўзалиқир да квадрат ғиштлардан тархи тўғри бурчак шаклидаги ҳимоя буржлари қўйилган. Шаҳрисмтон қалъа девори билан икки қисмга бўлинган. Улардан бири тепаликнинг жануби-ғарбий қисмда жойлашган. У шаҳарнинг дастлабки маркази ва қалъаси бўлган. Иккинчи қисми “Паст шаҳар” деб аталган. Қалъа ичидаги аҳоли қатламлари ижтимоий жиҳатдан ҳар хил бўлган.

Қалъалиқир 1 шаҳристони архаик лавр охирига тўғри келади. Унинг тархи тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 1000х700 м. Деворлари буржлар билан кучайтирилган, тўртала дарвозаси ҳам пешдарвоза адаштирама йўл билан ва буржлар билан ҳимояланган. Сақланиб қолган ўрқачларнинг ўлчамига кўра, ташқи деворнинг қалинлиги 3, 80м, ўрта деворнингки -2,80м, ички девор ҳам шундай қалинликка эга. Шаҳристоннинг ғарбий қисмида, бевосита девор ёнида аҳомонийлар монументал архитектураси анъаналари бўйича қурилган қаср биноси бўлган. Қаср ва истехком қуриб битказилмаган., бу Хоразмнинг аҳомонийлар ҳукми остидан чиқиши билан боғлиқ булган.

Қанқа даври (мил. Авв. IV аср-мил. I аср боши). Биз Македониялик Александр юришидан кейинги Хоразм тарихидаги йирик сиёсий воқеалар тўғрисида ёзма маълумотларга эга эмасмиз. Бироқ бу давр археологик дгориқлари антик маданият равнақидан далолат беради. Мил. Авв. V-IV асрлар бўсағасида, аҳомонийлар давлати таркибидан чиққач, Хоразм

жамиятининг урбанизациялашуви жараёни бошланади., кўплаб шаҳар марказлари юзага кела бошлайди, унинг маданий миниақаси чегараси кенгаяди. Сўл соҳилда, шимолда у Устюрт жарлигига, жанубда – Заунгузк Қорақумгача етиб боради. Чегара қалъалар тизимини ташкил қилувчи ягона истехкоилар занжири пайдо бўлади. Хоразмнинг жанубий чегарасида Капарас, Ҳазорасп, Қалъажик, Янгиарик Тупроққалъаси, Ичан қалъа ва блошқа қалъалар ижойлашган. Шимоли –ғарбий чегарасижа эса Говурқалъа 1, Кўнерлиқалъа, Оқчагелин, Канҳақалъа, Шоҳсанам, Бутентовқалъа, Девкесган ғови, Катта Айбуйирқалъа, Оролбўйи дельтасида Миздахқон Говурқалъаси, Тўққалъа, Крантов, Порлитов, шимолида Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа, Бурлиқалъа, Қўрғошинқалъа, Жонбосқалъа, Эресқалъа ва бошқалар жойлашган.

Агар жанубий чегара қалъалар Эрон томонидан кутилиши мумкин бўлган тажовулардан ҳимоя қилишга мўлжаллаб ҳамда Македониячилик Александр қўшиноарининг Ўрта Осиёга бостириб келиши билан юоғлиқ ҳолда қурилган бўлса, шимоли-шарқий ва шарқий қалъаплар Сирдарё куйи оқимидаги ва қўшни давлатлардаги кўчманчиларнинг босиб келишига қарши барпо этилган, деб тахмир қилиш мумкин. Қанқха даври мудрофаа иршоотларини типологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: жой рельефи билан бозлиқ равишда нотўғри тарҳли, тўғри тўртбурчак тарҳли, думалоқ тарҳли иршоотлар. Биринчи тоифага Қалъаиқир 2, Қирққизқалъа, Бутентов қалъа 1,2, Бурлиқалъа, Жигарбанд, Садвар, Манҳирқалъа, Тўққалъа ва бошқалар киради.

Шу билан бирга қанқха даврида истехкомлар жойланиши ва тарҳидан қатъи разар, соф геометрик шакл касб этади. Масалан, архитектура- тарҳ ечими нуқтаи назаридан олдиндан текислашган асосга ишора қилувчи Жонбосқаъа мунтазам тўғри бурчакли аниқ тарҳга, Уларга Ҳазорасп, Хивадаги Тупроққалъа, Янгиарикдаги Тупроққалъа, Оқшахонқалъа, Аёзқалъа 1, Қўрғошинқалъа, Шўрчи ва бошқалар киради.

Бу даврда квадрат тарҳли истехкомлар, жумладан, Бозорқалъа, Бурлиқалъа 2, Кўнерлиқалъа, говурқалъа 1 ва 2, Тупроққалъа 3 шахристонлари барпо этилди.

Мудофаада бкржлар билан ҳимояланган бурчаклар каби заиф жойлар бўлмаслиги учун валъалар баъзан думалоқ ёки овал шаклда қурилган. Бундай типдаги тарҳлар ҳам ҳарбий, ҳам ибодат вазифалари билан боғлиқ бўлган. Масалан, Кичик Қирққизқалъада овал тарҳ вазифа нуқтаи назаридан талаб қилинган. Қўй қирилган қалъада эса , афтидан, ҳарбий вазифадан кўра кўпроқ ибодат билан боғлиқ бўлган. Сўл соҳил Тупроққалъа, жойлашган, қалъа шахристон и Тупроққалъа, Говурқалъа 3, манзилгоҳидаги монументал бинолар шундай тарҳда қурилган. Шовотдаги Эресқалъа шахристони ҳам шу типга киритиш мумкин.

Хоразмнинг бу пайтлардаги чегаралари ғарбда мил. авв. IV асрдан бошлаб тепаликларда жойлашган чегара қалъалари бўйича белгитланади. Агар уларни жанубдан шимолга томон санаб чиқилса, булар – Қанҳхақалъа, Бутентов 1 ва 2, Девкекан, Катта Айбуйирқалъа ва бошқалардир. Бу қалъанинг бари, қоидага кўра, антик давр охиригача (мил.авв. IV асргача) мавжуд бўлиб келган.

Кушонлар даври (I-IV асрлар). Бу даврда Хоразмнинг марказий минртақаларида ҳам ьудофаа иншоотлари қурилиши бўйича қадимги анъанадар сақланиб қолган. Аввалгидек, тарҳи тўғри туртбурчак шаклидаги Тупроққалъа, Бўлдимбоз, Қўрғонқалъа сингари ва бошқа истехкомлар етакчи тип бўлиб қолган. Тарҳи тўғри тўрт бурчак шаклида, ўлчамлари 500-350 м бўлган Тупроққалъа шахристони I-III асрлардагиХоразм ҳарбий архитектурасининг чўққиси бўлди. Қалъа деворлари пахса асосга қурилган, баландлиги ўртача 3м, пилястр билан безатилган ва буржлар билан кучайтирилган,Деворлар ичидан икки қаватли отиш йўзлаклари ўтган шинаклар иккинчи қават даражасида қўйилган. Тарҳи тўғри бурчакли бўлгагн буржлар кўп бўлиб, улар

девордан 9м туртиб чиққан. Қаср шимоли - ғарбий бурчакда баланд (14,50м) стилобат устида муҳофаа тизимиға кирган.

Кушонлар даврида ҳам, аввағи даврлардағидек, ички отиш йўлаклари бўлган қалъа деворлари қурилган, уларда бржлар, пешдарвоза иншоотлари, шинақлар конструкциялари ва бошқалар сақланиб қолган. Шу билан бирга сўнгги антик Хоразм истеҳкомлари конструкция-тарх усулларида ва деталларда айрим ўзгаришлар қилинган кузатилади. Кушонлар даврида Хоразм ҳаёбий меъморичилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири майдони катта бўлмаган қалъалар ва бошқалар кенг ёйилган. Бу истеҳкомлар снги арзаик даврда ҳам иаълум бўлганлигини ва қанҳа даврида ҳам шу қаби Тупроққалъа 3(40х40м), (Кўнерлиқалъа (55х95м), говурқалъа 1 (65х65м) ва бошқалар қурилганлигини қайд этиш мумкин.

I-IV асрларда янги истеҳкомлар қурилиши билан бирга, эскилари таъмирланади. Баъзи ҳолларда аввалги қалъа деворлари бутун бўйича буткул янги девор билан ўраб олинади (Ҳазорасп, Девкесган, хивадаги тупроққалъа ва бошвалар). Бошқа ҳолатларда отиш йўлагининг пастки қаватига ғишт терилади (Кичик Қирққизқалъа, Оқшаҳонқалъа, Султон Увайс трғидаги Говурқалъа ва бошқалар), натижада тўғридан отилган ўк келиб тегадиган жой қанҳа давридаги қаби қолган бўлсада, уларнинг хусусияти кескин ўзгаради пастки қаватдан тепа қаватга кўчади. Бундай бақувват пойдеворли истеҳкомлар қурилишига ўтиш қадимги Хоразм ҳарбий истеҳкомлари тизимидаги иккинчи туб бурилиш бўлади. Истеҳкомларнинг умумий тарзи, тарҳи: пойдевор баланд кўтарилди, деворлар тик қурилди.

II.3.Қадимги Хоразм мудофаа иншоотларининг типологик таснифи

Салафлар тажрибасдан фойдаланиш ва янги материалларни жалб этиш қадимги Хоразм мудофаа иншоотларининг таснифининг янги вариантыни тахмин қилиш имкониятини беради. Ташқи аломатларни ҳисобига олдиб, мудофаа иншоотларининг бош асосий типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар 1-шаҳар типидagi истехкомли манзилгоҳлар; 2-қалъалар; 3- истехкомли ибодат иншоотлари; 4-истехкомли бинолар ёки казармалар; 5- узун деворлар.

1. Шаҳар типидagi истехкомли манзилгоҳлар – майдони 5 гектардан 70 гектаргача бўлган йирик истехкомли манзилгоҳлар. Уларнинг контурини ташқи девор аниқ кўрсатиб туради. Булар , ўз навбатида, икки типга бўлинади.

Биринчиси –кўрғон ва мудофаа девори бўлган шаҳар (Кўзалиқир-25га, Қалъалиқир 1 -70га, Оқшахонқалъа- 56га, Бозорқалъа -33га, Хивадаги Ичан қалъа -26га, Девкесган -20га, Ҳазорасп -10га, Тупроққалъа – 17га).

Арк. Мудофааанинг сунгги марраси бўлган арк қадимги шаҳарлар ҳарбий истехкомининг энг муҳим элеменларидан биридир. Арклар кўҳна шаҳарлар харобалари юзасида яққол кўриниб туради. Арклар Бозорқалъада, шунингдек Хоразмнинг бошқа истехкомларида аниқланган. Бозорқалъа арки (мил. Авв. IV-III асрлар) хавф-хатар туғилганда ва маросимларда бошпана сифатида хизмат қилган.

Хоразм арклари, шаҳар истехкомлари умумий мудофаа тизимида муҳим бўғиндир. Улар ташқи душмандан ҳимояланиш учун энг қўлай пунктда барпо этилиб, тарҳи тўғри тўртбурчак шаклда, қалъа деворининг бучакларидан бирида жойлашган. Арк деворлари икки хил бурж билан ҳимояланган. Бир хили ярим овал шаклида (Бозорқалъа) ва иккинчи хили тўртбурчак шаклда (Оқшахонқалъа, Аёзқалъа 3, Думанқалъа, Тупроққалъа ва бошқалар), баъзан улар бурчак жойларда “қалдирғоч думи)

шаклини олган. Деворнинг отиш йўзлаклари , афтидан, икки қаватли бўлган кўринади. Уларнинг пешдарвоза иншоотлари ҳар хил типда бўлган. Кушонлар даврида арklar баланд асосмга қурилганлиги эътиборни тортади. Тупроққалъа бунинг ёрқин намунасидир.

Хоразмда арklar уч хил йўл билан пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. Биринчидан, қўрғонлар шаҳарнинг дастлабки асоси бўлган. Бу архаик даврдаёқ қузилган. Қўзалиқир шаҳристони қалъа девори билан икки қисмга бўлинган. Улардан бири тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Бошқа қисми-“Паст шаҳар” бўлган. Оқшахонқалъада шаҳар икки қисмга: Юқори шаҳар ва Паст шаҳарга бўлинган. Аёзқалъа ҳам шу типга киради. Иккинчидан, арklar шаҳар билан бир вақтда қурилган (Бозорқалъа). Учинчидан, улар аллақачон мавжуд бўлган манзилгоҳларда қурилган.

2. Қўрғонлар уч турга бўлинади: 1) қўшдеворли, отиш йўлаги, девор юзасида буржлари бўлган қўрғонлар (Қалъалиқир², Аёзқалъа 1, Шўрча, Қўрғонқалъа, Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа, Қурғошинқалъа, Хивадаги Тупроққалъа, Капарас, Тўққалъа ва бошқалар); 2) қўшдеворли, бироқ буржлари бўлмаган қўрғонлар (Жонбосқалъа, Қалъажик, Кичик Қирққизқалъа, Говурқалъа 2, Бурлиқалъа, Қоратепа 3 ва бошқалар); 3) отиш йўлаги ва буржлари бўлмаган қўрғонлар (Оқчунгул ва бошқалар).

3. Истеҳкомли ибодатхона иншоотларига ўйширилганқалъа, Шовотдаги Тупроққалъа ва Тошхирмон киради.

4. Истеҳкомли бинолар ёки гарнизон учун казармалар: Тупроққалъа III, Кўнерлиқалъа, Оқтепа, Анқалъа Қизилқалъа, Девкесган ғовининг тўғарак истеҳкомлари ва бошқалар. Уларнинг баққуват деворлари, буржлари, бурж ва ички хоналар билан қучайтирилган, кираверишида пешдарвоза иншоотлари жойлашган. Девкесган ғови ва Оқшахонқалъанинг ташқи девори узун деворлар тоифасига киради.

5. Девкесган ғови ва Оқшахонқалъанинг ташқи девори узун деворлар тоифасига киради ва қадимги Хоразм ҳарбий архитектурасида ноёб ҳодиса ҳисобланади. Улар қадимги Хоразмнинг ички минтақаларидан бирини чегаралаб туради.

II.4. Ҳарбий истехкомларнинг асосий элементлари

Ҳарбий архитектура узоқ муддат хизмат қиладиган ҳарбий истехкомлар типига оид бўлиб, улардан кўлаган мақсад муҳофаази, айниқса, давлатнинг стратегик жиҳатдан муҳим пунктлари муҳофаазини кучайтиришдан иборат бўлган. Шунинг учун бирон-бир объект хавсизлиги тўғрисида қалъа деворини кўтармасдан олдин, унга жой танлашдаёқ ғамхўрлик қилинган. Шу муносабат билан бундай объектлар бинокорлари муҳофаа иншоотлари чегаралари сифатида табиий тўсиқлардан фойдаланишга интилишган.

Хоразмнинг дельта текислиги орасида қадимги туб жинслардан кўтарилган бир қанча ўрқачлар ҳамда дўнгликлар қолдиўлари мавжуд. Жойнинг тўғри танланиши қалъанинг бир ёки икки томондан, баъзида ҳамма томонидан ғимоя қилинишини таъминлайди. Жумладан, Устюрт терасасидан бирида жойлашган Катта Айбуйирқалъа уч томонидан девор билан ўралинган, жарга ёндошган тўртинчи - жанубий томони табиий эса ғимояга эга бўлгани учун девор урилмаган. Баъзан тепалик ва дўнглик контури қалъа шаклини умумий тазда белгилаб берган.

Хоразм истехкомлари дарёлар қўшилган ёки ажралган жойларда ҳам барпо этилган, баъзилари кўллар ва ботқоқликлар ўртасида жойлашган. Жумладан, Ҳазорасп ва Қалъажик ташлама кўллар ўртасида барпо этилган. Султон Увайс тоғидаги Говурқалъа Султон Увайс тоғи соҳили бўйи қоясида тикланган бўлиб, дарёга ва соҳил бўйи пиёда йўлига нисбатан ҳукмрон мавқеига эга бўлган.

Хандақ. Қадимги дунёда сиёсий ва маъмурмий –иқтисодий марказ, хилма-хил моддий бойликлар ҳамда қул бўлажак аҳоли жамлаган жой бўлган шаҳарлар урушлардан кўзлаган бевосита мақсад, жанговар ҳаракатлар обхекти бўлган.Шунинг учун қадимги дунё давлатлари чегарадаги шаҳарларнигина эмас, балки ҳудуд ичкарасидаги шаҳарларни ҳам мустаҳкамлашган. Маъмурий –иқтисодий марказлар ва айрим шаҳарлар, одатда, деярли текисликда жойлашган. Улар ҳарбий жиҳатдан ноқўлай ҳолатда бўлган, чунки ёв уларга ҳеч бир тўсиқсиз ҳужум қила олган. Шу боис, бунга йўл қўймаслик учун, қадимгимудофаа иншоотлари қоидалари текисликда жойлашган шаҳаратрофи жуда чуқур ва кенг хандақ билан ўраб олинишини, сўнг пойдевори ушбу хандақ тубидан кўтаришни тақозо этган. Қадимги Хоразмдаги текисликда барпо этилган деярли барча истехкомли иншоотлар хандақ билан ўраб олиган. VI асрга оид аноним рисолада гувоҳлик берилишича, хандақ тепаликда жойлашган истехком учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Эни 10-12 м, чуқурлиги 2-3 м бўлган Девкесганқалъа Хадақи аслида тош йўлак бўлиб, жанговар қурилмаларнинг ундан ўтиши амри маҳол бўлган. Истехком бунёдкорлари уни барпо этишда бир паятнинг ўзида икки масалани ҳал этишган: қалъа қурилиши учун материал олишган ва муҳим мудофаа иншооти – хандақни қазишган. Тақи дунё билан алоқа боғлаш учун тунда кўтарилиб, эрталдаб яна туширилапдиган кўприклар ўрнатилган. Шундай кўприк қолдиғи Девкесганқалъадан топилган. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда Хоразмдаги бу қаби қурилмалар ҳақида хабар берилган. Улар, жумладан, Хоразмнинг катта шаҳри - Жозда бўлган.

Протейхизма (қўшимча девор). Девор ва хандақдан иборат бўлган бир қатор мудофаа тизимлари, ўз техник қудрати ва усталик билан барпо этилганига қарамай, ортиб бораётган мудофаа талабларига доимо ҳам жавоб беравермаган. Шунинг учун қадимги мудофаа иншоотлари қурувчилари ҳужум пайтида деворга яқинлашўиш қийин бўлиши

тўғрисида ғамхўрлик қилиб, қалъанинг атрофини бирон қурилма билан ўраб олишни тақлиф этишган (4, 71-б.). Протейхизма шундай қурилма бўлиб, уни баъзан “ташқаридаги қўшимча девор” –“тўсиқ девор” ёки “берма” деб ҳам аташган. Архаик даврда Хоразм ҳарбий архитектурасида протейхима бўлган – бўлмаганлиги ноъмалум. У, афтидан, мил. авв. V-IV асрларида юзага келган кўринади.

Протейхизмлар, одатда, қалъа деворларидан ташқарида 2-2,20 м масофада пахса ёки хом ғиштдан қурилган. Протейхизма билан асосий қалъа девори ўртасида бўшлиқ бўлиб, эҳтимол унинг стратегик вазифаси ҳам бўлгандир. Бу девор қалъа девори пойдеворини девортешар машиналардан ҳимоя қилган, ҳужумчиларни қалъанинг асосий девори олдида овора қилиб қўйишга хизмат қилгандир. Деворлар ўртасидаги бундай бўйлиқ Вавилонда ҳам қолдирилган. Ҳазораспда у қалъа девори ташқи чеккасида 13, 59 м масофада жойлашган. Сақланиб қолган баландлиги 3м га яқин, қалинлиги тубида 1,70 м. Деворда очик валганг ва қўқдан ҳимоя қилувчи тупроққов бўлиб, буржлари билан кучайтирилган.

Қадимги Хоразм мудофаа тизимида хос элементлардан бири бўлган протейхизма Қўйқирилганқалъада, Хивадаги Тупроққалъада, Говурқалъада (Миздахқон), Қалъажикда ва бошқалар қанча ёлғонликларида ҳам аниқланган. Анқақалъада протей хизма мавжуд бўлганлиги улар бутун антик даврда қўлланганлигидан далолат беради. Бу элемент XII аср – XIII аср бошларигача амалда бўлган (Қатта Гулдурсун, Қаватқалъа ва бошқалар) ва у, хандақ билан бирга, асосий деворга бевосита зарба беришга тўсқинлик қилган, девор остида ҳаракат қилиш мумкин бўлган майдонни торайтирган.

Қадимги Хорам ҳарбий истехкомларида Қалъа деворларининг мудофаа хусусиятларини кучайтириш учун бошқа усуллар ҳам қўлланилган, жумладан, қўшонлари даврида илк антик даврга оид истехкомлар атрофига янги девор қўтарилиб, у эски деворни ўраб олган.

Бунда ташқи девор қисман, баъзида бошдан оёқ янгидан кўтарилган, биринчи давр девори ички девор бўлиб қолган. (Қўйқирилганқалъа, Девкесган ва бошқалар).

Деворлар тузилиши. Девор мудофаа тизимида энг муҳим жой бўлиб, у нафақат тўсиқ, балки асосий жанговор сарҳад ҳамдир. Девор ҳарбий истехкомнинг бир катор муҳим элементларидан таркиб топиб, булар, жумладан асос, деворнинг ўзи, валганг, ўқдан сақланиш тўсиғи, пилястр, контрофорс, шинак, бурж, дарвоза ва бошқалардир. Оралиғида ўтиш йўлаги бўлган қўш девор қадимги Хоразм ҳарбий меъморчилигига энг кўп даражада хос бўлган. Девор баландлиги 10 м дан 20 м гача етган, калинлиги 5 дан 10 м гача, баъзан 14-15 м гача етган. Ташқи девор дои мо ички девордан қалинроқ; ташқиси 1,30 джан 3,50 гача, ичкиси 1м дан 3м гача бўлган.

Қадимги Хоразм қалъа деворлари ва буржлари устига, одатда, парапет (тўсиқ) билан ҳимояланган валганг қурилган. Буни Қўйқирилган, Ҳазорасп Тўққалъа, Бозорқалъа Тупроққалъада кўриш мумкин. Илк архаик истехкомларда антик мудофаа қурилмаларининг энг зарур элементларидан бири –асос (цоколь) бўлмаган. Кушонлар даврида Хоразм ҳарбий ишида асос қурилиши янада ривожланади. Ичида йўлак бўлган деворлар ривожланиб хом ғишдан қилинган икки маршли зина орқали боғланган.

Пилястралар. Қалъа деворлари баъзан ташқаридан бир хил маслфада жойлашган пилястралар билан кучайтирилган. Бундай пилястралар, масалан, Ҳазораспда (мил. авв. IV – III асрлар), Тупроққалъа ва Қизилқалъада (I-III асрлар бориб, бутун антик даврда қалъа иншоотининг зарурий қисмига айланади. Қўйқирилганқалъа марказий биносида пастки хоналар иккинчи қават билан) назарда тутилган. Ҳазораспда пилястралар бир-биридан 1,60-170 м масофада қўйилган ва одатда, тўғрибурчакли қиррали шаклда бўлган. Кушонлар даврида улар мураккаблашган поғонали шаклда қурилган.

I-III асрларда пилястралар билан бирга қалъа мустаҳкам бўлиши учун кўмаклашувчи туртиб чиққан контрафорслар пайдо бўлган. Бундай контрафорслар Жилдиқалъа, Қизилқалъада мавжуд.

Кунгуралар. Хоразм қалъа ва деворлари ва буржлари кунгуралар билан тугалланган. Қадимги Хоразм қалъа деворлари тасвири туширилган остадонлар бундан далолат беради.

Буржлар (Мудофаа миноралари). Мудофаа иншоотларининг навбатдаги жуда муҳим элементи бурждир. Бурж қалъа деворлари периметри бўйлаб, одатда, девордан баландроқ бўлиб, ташқарига бўртиб чиққан. Буржлар жойлашган тархига кўра ҳар хил бўлган. Жумладан, тўғри бурчак, квадрат ва овал шаклда бўлган. Улар орасида тарҳи ярим овал шаклдаги буржлар энг қадимги типларга киради. Бундай буржлар Кўзалиқирнинг қуйи сатҳида маълум. Милоддан аввалги IV – III асрлар ва милоднинг I-III асрларида Хоразмда ҳар икки типдаги буржлар маълум бўлган. Лекин илк антик давр учун тарҳи ярим овал буржлар хос бўлган. Бундай тарҳли буржлар Бозорқалъа, Жонбосқалъада, Қўйқирилганқалъада, Тўққалъада ва бошқа шахристонларда аниқланган. Кушонлар даврида Хоразм ҳарбий истехкомларда тўғри бурчакли буржлар кўпроқ қўлланила бошланди.

Қадимги полиоркетлар қоидаларига кўра, буржлардан бирига ҳужум қилганда, қўшни бурждагилар ёвни ўққа тутиши мумкин бўлиши учун, уларнинг ораси камон ўқи учиб борадиган масофадан ошмаслиги лозим бўлган. Антик даврда Хоразм истехкомлари да деворнинг орасидаги қисми 17м дан 35м гача бўлган.

Буржлар тузилишига кўра икки: ёпиқ ва очиқ типга бўлинади. Иккинчи типдаги буржларнинг ички тузилиши ёпмқ хонадан иборат бўлмай, йўлак деворларининг оддий бурилишидан ҳосил бўлган. Бундай буржлар жуда кам. Биринчи типдаги буржлар ёпиқ бўлиб, шқчилар учун йўлаклар орқали боғланган. Бу тип Хоразмнинг деярли барча қадимги

истехкомларига хосдир.Баъзан айрим истехкомлар буржларининг пастки хоналаридан отиш йўлагига чиқиш жойи бўлмаган, (улар отиш йўлагига чиқиш жойи бўлган) юқоридаги хона билан бостирмадан очилган туйнук ёрдамида оғланган.

Хоразмлик истехком усталарм қалъа бурчакларини мудофаа қилишга алоҳида эътибор беришган. Мудофаа иншоотларини бурчакда жойлаштиришнинг турлм комбинациялари маълум. Масалан, Қалъалиқир 2 қалъаси бурчаклари мудофааси учун №қалдирғочдуми”шаклидаги буржлардан фойдаланилган, бунда икки брж бурчакни ютиб юборганқўйи бир –бюирига тўлиқ яқинлаштириб қурилган. Тарҳи шунга ўхшаш буржлар Тўққалъада, Аёзқалъа 1 да, девкесганда, Қурғошинқалъа бурчакларидан бирида, Катта Қизқалъада, Қалъалиқир 2 ва бошқаларда қайд этилган. Хивадаги Тупроққалъада бунинг иккинчи вариантини кўриш мумкин Бу ерда девор бурчагидан 14- 26 м нарига сурилган икки бурж билан ҳимоя қилинган.

Хоразмнинг антик ҳарбий истехкомларида қалъа деворлари ни буржлар воситасида ҳимоялашнинг яна бир ўзига хос тури маълум. Тарҳи квадрат шаклдаги Кунерли қалъа тупроқ билан мустаҳкамланганқум бархан устига қурилган, қўш деворли, қўшдевор орасида гумбазли йўлак, деворлар ўртасида учта ўзига хос бурж ўрнатилган, нотўғри тхўрт бурчак шаклида, пешдарвоза адаштирама йўли билан мавжуд.Ўнг соҳил кўшк уйларидаги сингари, ичида кхххўплаб хоналар бор. Отиш йўлагига эга бўлган қалъа деворларидан ҳар бирининг марказида биттадан бурж, пешдарвоза адаштирама йўли қўйилган (Кўнерқалъа, Жилдиққалъа, Аёзқалъа).

Милоддан авв. IV-II асрларда Хоразмда буржли қалъалар қаторида буржсизлари ҳам мавжуд бўлган. Бунда Ўрта Осиё ва Қадим ги Шарқ ҳарбий истехкомлари учун рельеф имкон берган жойлар анъанаси каби, истхкомларда бўлганидек, ҳимояланиш деворининг ўзи имоя воситаси

бўлган. Жойнинг яхши танланиши натижасида буржларгина эмас, балки баъзан (Катта Айбуйрқалъа) ёки икки (Девкесган) томондан қалъа девори ҳам зарур бўлмай қолган. Шунинг учун эҳтимол, истехкомлар тизимида буржларнинг бўлмаслиги тизимнинг архаиклиги туфайли бўлмай, аксинча, Қадимги Хоразмда бир вақтнинг ўзида турли истехком тизимлари мавжуд бўлганлигини билдиради.

Фарғона водийсидаги мудофаа тизимини ўрганган Б. М. Абдуллаев Фарғонадаги Мингтепа шаҳарчасидаги буржлар Марк Витрувий ёзиб қолдирганидек, улар орасидаги масофа камон ўқи узоқлигидан ошмайди деган фикрига тўғри келади (4, 32, 33 б.), деб таъкидлайди (22, 131-б.). Таъкидлаш лозимки Хоразмдаги миноралар ораси шундай узоқликка тенг.

Шинаклар. Хоразмнинг илк архаик давридаги шинаклар Кўзалиқир шаҳристонида мавжуд бўлган. Бу ерда шинаклар пахсада бир-биридан 2м масофада очилган ва қават даражасида шохмот тартибида жойлашган. Миллоддан аввалги V-IV асрлар бўсағасида ёки мил.авв. IV аср бошида Хоразмда архаик типдаги ясси ёпилган шинаклардан қанҳха даврида ишлаб чиқилган найза симон шинакларга ўтилгани кузатилади. Масалан, Ҳазораспда архаик давр шинаклари пахса деворда қўйилган. Бироқ улар энди қанҳха даваридаги найзасимон шакл касб этган., бу мудофаа техникаси янада ривожланганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, Ҳазорасп шинакларининг туби Кўзалиқирдаги сингари горизонтал эмас, балки девор асоси бўйлаб фойдасиз бўшлиқни камайтирадиган даражада нишабдир.

Шинаклар қалъа деворларида, одатда, тахминан 1м, дан 2 м гача бўлган ораликда жойлашган. Ҳазорасп деворидаги шинаклао жуфт-жуфт қолдирилган. Жонбосқалъадаги шинаклар шохмот тартибида жойлаштирилган. Шинакларнинг бундай жойлашуви туфайли ҳимоя қуролининг девор олдидаги таъсир радиуси анча кенгайган, ўқ етмайдиган участкалар қолмаган. Ҳимоя учун қўлланилган қия шинаклар ҳам бунга

хизмат қилган. Аёзқалъа 1 да буржлар орасидап учтадан қия шинаклар икки гуруҳ қилиб жойлаштирилган. Жонбосқалъа даврида ҳам шинаклар шу каби учтадан гуруҳлаб, махминан ҳар 40-45 м дан кейин жойлаштирилган. Жонбосқалъа шинаклари эни 1м ва чуқурлиги 0,85м бўлган махсус токчалардан очилган. Девор тагидаги жойларни ўққа тутиш учун шинакларнинг туби ташқи томонда анчанишаб қилиб ишланган. Бунини Жонбосқалъада пастки қаватда 0,75 ва 2м, Қўйқирилганқалъада – 0,47м-0,49м ва 1,72, Аёзқалъада -1-0,48м ва 2,90-3,50м, Анқалъада- 1,20 ва 190 м ва бошқа истехкомларда кўриш мумкин. Кушонлар даврида қалъа деворлари пастки қисмида шинак қолдириш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Бу афтидан, ҳарбий техника ривожланиши билан боғлиқ бўлса керак. Эҳтимол шунинг учундир, фронтал ўққа тутиш маркази энг самарали бўлган юқори қаватга кўчди, тепадан ўққа тутиш усули қўллана бошланди. Шунинг учун қанҳа даври истехкомларининг пастки қавати девор билан уриб ташланди.

Қадимги Хоразм қалъа деворларидаги шинакларнинг умумий сони бир неча юзга етган. Масалан, Аёзқалъа 1да-522, Қурғошинқалъада-700, Жонбосқалъада эса 2000 гача етган. Олимларнинг айтишларича, шинакларнинг кўпатирилишидан мақсад мудофаанинг манёврчан бўлиши ва ёйандозлар жойини ўзгартириб, энг хавфли участкада жамланишга имкон яратишдан иборат бўлган (24, 44-б.). Ушбу ўринда боўқача талқин қилиш ҳам мумкин. Маълумки, қадимги Хоразмда ҳар бир истехкомли инъоот душман ҳужуми пайтида атрофдаги қишлоқлар аҳолиси учун бошпана ва истехком қиладиган жой бўлишини мўлжаллаб қурилган.

Шинаклар кўриниши жиҳатидан ҳар хил бўлишига қарамасдан бир хил вазифани бажарган. Улар бир қаторда шахма катакларига монанд тарзда жойлашган ёки шинакларнинг юқори қисми камон ўқи учига монанд бўлиши мумкин. Шундай шинаклар Фарғона антик давр

шаҳарларида ҳам учраган (25, 111б.). Бир томонга оққан шинаклар Фарғонада фақатгина Қалаи боло шаҳарчасида бўлган (26,76- б, 5-расм).

Ёруғлик туйнуқлари. Милоддан аввалги асрларда ва ундан кейинги даврда қалъа деворларида шинаклар билан бирга ёруғлик тушиши учун қўйилган туйнуқлар ҳам бўлган (Қўйкирилганқалъа, Қурғошин қалъа, Катта Қирққизқалъа ва бошқалар). Тупроққалъа шахристони деворида ёруғлик туйнуқлари учрамаган. Бироқ тадқиқотчилар бу ерда иккинчи қаватдаги хоналар томида қўйилган туйнуқлар орқали, биринчи қаватдаги хоналар эса қаватлараро бостирмада қўйилган ва иккинчи қаватдаги хоналарга фараган туйнуқлар ёхуд улардан ажратилган махсус чуқурчалар орқали ёритилган, деб ҳисоблашди.

Тоқлар. Қадимги Хоразмнинг айрим қалъаларида, шинаклар ва ёруғлик туйнуқларидан ташқари, туйнуқлар-тоқлар сақланиб қолган. Жумладан, Анқақалъада бужлар оралиғидаги ҳар бир деворда иккитадан тоқ, жойлашган. Туйнуқлар 0,80м, баландлиги 1,50-1,75 м ўлчамдаги ярим доира тоқ сифатида очилган. Қалъа ёв томонидан қамал қилинганда, муҳофизатчилар ҳужумга чиқиши учун муайян туйнуқлар очилиши лозим бўлганлиги эҳтимоли бор. Қамал ҳолатларида тоқлар орқали ўқ отибгина қолмай, балки душманга тош ҳамда ёнувчи моддалар ҳам отишган. Бундай тоқлар – туйнуқлар Хоразм архитектурасида ўрта асрларда ҳам қўлланилган. Жумладан, Катта Гулдурсунқалъа мисолида ҳам маълум. Бу ерда антик даврдаги каби (Анқақалъа) туйнуқлар буржлар орасида иккитадан ярим доира тоқ шаклида қўйилган.

Дарвозалар. Дарвозалар ҳарбий жиҳатдан доимо алоҳида эътиборни тортган. Қадимги Хоразм қалъалари тарҳида дарвоза қурилмаларининг уч тури кенг қўлланилган: 1- пешдарвоза айланторма йўли билан (лабиринт); 2- пешдарвоза йўллари; 3- қўшимча қуримасиз оддий кўринишда Қадимги Хоразмда биринчи тип кенг қўлланилган. Хоразм қалъалари дарвозаси намуна бўлиб хизмат қилади., бу ерда ўққа тутилаётган ёвнинг ҳаракати

йўналиши беш марта ўзгарган. Аёзқалъа 1да дарвозаларни ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги сезилиб туради. Унда пешдарвоза адаштира йўлига кириш иккита бурж билан ҳимояланган. Бундан ташқари, адаштира йўл бурчаклари ва олд томонида ярим овал шаклдаги яна учта бурж жой олган.

Девор олдида бир-бирига пўпара қилиб тикланган пешдарвоза буржлари б ўлган дарвозалар иккинчи турга киради. Ҳарбий архитектурадаги бу усул илк архаик даврдаёқ, (Кузалиқир) пайдо бўлиб , кейинги дарларда ҳам қўлланиб келган.

Пешдарвоза иншоотлари бўлмаган Тўққалъа, Бурлиқалъа, Кичик Қўрқизқалъа шахристонлари дарвозаларини учинчи турга киритиш мумкин. Масалан, Тўққалъа дарвоза девор чизишидан шахристон ичига қараб анча кириб бориб қурилган, бундан узун ва тор йўлак ҳосил қилиб , унинг саҳини девордан туриб ўққа тутиш мақсади қўлланган (Кичик Қўрқиз шахристони). Бурлиқалъада умуман бўлакча усул кўзга ташланади. У ерда дарвоза бир-бирига рўпара қилиб қўйилган шинаклар орқали ҳимоялаган. Унда пешдарвоза топилмаган.

Хоразм қалъаларида асосан биттадан дарвоза бўлган. Жуда камдан-кам икки (Қўрғонқалъа), баъзан тўрт дарвозали қалъалар (Қалъалиқир 1, Оқшахонқалъанинг Юқори шаҳри) ҳам бўлган.

Айрим шаҳар ва қалъаларда дарвоза икки мудофаа минораси орасида жойлашган. Шундай дарвозалар Хоразмда Бозор -Қалъа, Анқа- Қалъа, Қўй –Қирилган- Қалъа, Ҳазорасп, Капарис (19а, 47, 90-б.; 33, 195-б.), Парфиянинг Дур-Европос, Хатра, Қирқ- тапа(28,126 -б.;29,5 расм), мудофаа тизимларида, Кушон мудофаа санъатида Қум-Қалъада (30, 72-б., 30- расм), бўлган.

Пандус. Айрим истехкомларда дарвозага яқинлашиш пандус воситаси (нишаб йўлка). Пандусли жойларда душман қалъа девори бўйлаб ҳаракатланар экан, ҳимоясиз қолган ёнбошини ўққа тутиб беришга мажбур

бўлган. Пандус Хивадаги илк қанҳха даврига оид Тупроққалъа пешдарвоза истехкомида топилган. Кириш жойи пандус билан бошқача жиҳатдан ҳам жиҳозлангшан. Масалан, Қўйқирилган қалъада марказий бинога етиб бориш учун пандус орқали ўтиш зарур бўлган, у қалъага кириладиган асосий жойдан бошланиб, 34 м узунликда давом этган. Марказий бинога кириш йўли пандус билан, кўтарма кўприк орқали боғланган.

Қадимги Хоразм қалъа дарвозалаорига етиб бориш баъзан табиий “пандуслар” ёрдамида мушкуллаштирилган. Бунда жой рельефи катта аҳамият касб этган. Масалан, Кичик Қирққизқалъа дарвозасини жиҳоздашда узунлиги 50-60м, эни 3-4 м ли табиий рельефдан фойдаланилган, Хоразмда қалъа дарвозаларини пандус билан жиҳозлаш илк ўрта асрларда ҳам қўлланилган (Аёзқалъа). Қалъанинг энг баланд нуқтаси шарқ томондан хандакнинг ҳозирга ҳолатигача 11 метрни, шимолий томони 14 метрни, абсолют баландлиги 15 метрни ташкил қилади.

Қалъа ҳамма томонидан хандақ билан ўралган. Униг шаҳар томонга қараган қисми 20 метр кенгликка эга. Тахминларга кўра бунда табиий ариқ хандаққа ҳам мослаштирилган. Ҳозирги кунда ҳам қадимий микрорельефнинг ўзгарганлигига қарамасдан ариқнинг йўналиши ва табиий ариқ эканлиги аниқ сезилади. Мазкур табиий ариқ ҳозирги кунда Кармакисой деб аталади. Кармакисойнинг серсув бўлганлигидан унинг ҳозирги кунда чуқурлиги далолат беради. Шунингдек, бунга ҳозирги кунда халқ орасида , гўёки Далварзинтепа шаҳарчаси атрофидаги майдон доимо сувтошқини натижасда сув билан тўлган деган ривоят ҳам , гувоҳлик беради.

Эса Далварзинтепа қалъасининг нақадар мустаҳкам мудрофаа тизимига эга бўлганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, шаҳар ва

калъаларни икки, уч қават девор билан ўралиши Қадимий Шарқ муҳофаа тизимида мавжуд.

Фарғона антик давр муҳофаа тизимида уч турдаги муҳофаа услуби шаклланган (22, 47 -б.).1. Чуқур атроф бўйламасига; 2.Бурчак баланд муҳофаа буржлари билан муҳофаани деворлардан миноралар атрофига кўчириш; 3.Шаҳар ички ҳовлисида отлик кавалерияни жангга шай туришларини таъминлайдиган очиқ майдонларнинг назарда тутилиши.

II-Боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда Сополлитепа шаҳарчасининги Ўрта Осиё шаҳарлари муҳофаа тизимида тутган ўрнини аниқлаш учун қадимий шаҳарларимиздан бир нечасини кўриб ўтамиз. Чунки Сополлитепа муҳофаа тизимининг кейинги даврларда шаҳарсозликдаги муҳофаа тизими ривожланишига қилган таъсирини аниқлашга имкон беради. Шунинг учун бизлар Бактрия муҳофаа тизимининг Хоразм ҳудудига қилган таъсирини аниқлаш учун Хоразмдаги айрим қадимий шаҳарлар муҳофаа тизимига ҳам тқўталиб ўтади.

Ойхоним иккита асосий ютуққа эга. Унинг қурилишида табиий ландшафтнинг муҳофаа учун қулайлигини эътиборга олишган. Шунинг учун Ойхоним Окс ва Кўкча дарёларининг қуюлиш жойида учбурчак тузилишда жойлашган. Шаҳар икки томонидан дарёларнинг баладлиги 20 метр келадиган табиий қирғоқлари билан чегараланган. Шунингдек, унинг устида баландлиги қарийб 60 метр келадиган, планда учбурчак тузилишдаги табиий баландлик қад ростлаб туради.

Шаҳарнинг ўзи қатор жойлаштирилган иморатлари шаҳарнинг табиий жиҳатдан ҳимояланган қисмларида истехком сифатида гавдаланади. Бундай схеманинг кенг кўламда қўлланилиши бу ерда ҳақиқий марказ яратиш ғоясининг гувоҳлик беришидан далолат беради.

Шаҳар яратувчиси катта майдонга эга бўлишни истаган. Майдонни пастки шаҳарнинг шимолий мудофаа деворигача чўзишни назада тутган. Асосий мақсад пастки шаҳарда жойлашган сарой атрофида кенг майдоняратишни назарда тутган. Натижада Ойхоним 170 гектар майдонни эгаллайди.

Мазкур сиёсий ва урбанистик шаҳар тархи мудофаа стратегик схемани танлаш ғоясини яратади. Ойхоним фортификацияси уз масшаби билан “ катта доира” деб ном олган кучли мудофаа сериясига оид тизимга киради. Бу шаҳар Сиракуза, Мессене ёки Яссосе мудофаа системасини эслатади.

Кенг кўламда урбанизация фақат юнонлар давридан бошланади. Бу даврда жойнинг мудофаа учун қулайлигидан кенг фойдаланилади. Қалинлиги 6 метрли хом ғишдан қурилган девор айрим жойларида тархда тутбурчак бастионлар билан кучайтирилган.

Бастионлар –мудофаа миноралари Окс ва Кўкча дарёлари бўйлаб қад кўтарган. Улар ғарб томондан пастки шаҳар билан чегарадош ва жанубий ҳамда юқори шаҳарнинг ғарбий томонларини чегаралайди. Шимол томонда юқори шаҳардан то Окс дарёсигача қалинлиги 7-8 метрли қалин мудофаа девори қурилади. Девор ҳар 30 метрда туғри тўртбурчак тархдаги мудофаа миноралари билан таъминланган.

Милодгача 1У асрда бунёд этилган Ойхоним юнонлар томонидан милодгача 147 йилда тарк этилади. Бир ярим аср мобайнида шаҳарнинг мудофаа тизими уч ёки тўрт марта тикланади.

Окс бўйлаб йўналган девор бутунлай қайта қурилади. Қайта таъмирга мудофаа деворларининг эрозияга учраган ва босқинчилар томонидан вайрон қилинган қисмлари учрайди. Шунингдек, мудофаа тизимини яхшилаш учун техник янги ютуқлар, социал-сиёсий эволюцион ўзгаришларни ҳамда мудофаа деворларининг урбанистик тартибга бўлган талабларга жавоб бериши назарда тутилган.

Биринчи босқичда муофаа миноралар ташқи томонидан ғиштли футляр билан қопланади. Бу тадбир миноралар устида тошотар қудратли курулларни ўрнатиш учун хоналар ўрнатиш имконини берган. Мудофаа минораларининг пастки қисми қалин ғишт девор билан мустаҳкамланади. Пастки шаҳарнинг шимолий девори олд қисмида чуқур хандақ қазилади. Деворнинг ички томонидан қўшимча девор билан мустаҳкамланади.

Окс дарёси бўйлаб йўналган девор қалинлиги 3 метрга келтирилади. Мудофаа минораларида оддий бўртма қисмлар қўлланилади.

Ойхонимдаги бу ўзгаришлар қуйидагилардан гувоҳлик беради. Биринчидан, маълумки бундай катта ўзгаришлар учун маҳаллий ҳукмронлар катта миқдорда ишчи кучини сафарбар этишга қодир бўлганлар. Мазкур таъмир ишларида 10 миллион ғишт кетганлигидан гувоҳлик беради. Иккинчидан, Ойхонимнинг мудофаа тизимини таъмирлаш ишлари домийлик тусини олган. Бунга сабаб юнон мудофаа санъатининг ривожланиб бориши таъсири бўлса, шунингдек, душман давлатларнинг кучайганлиги ва ҳимоя қилиш учун ҳимоячиларнинг сон жиҳатдан купайгани сабаб бўлган. Ойхоним мудофаа тизимининг шаклланиши якка ҳолдаги ривожланиш бўлмаган. У пассив ҳимоя формуласидан актив, прогрессив ҳимоя тизимига ўтади. У мудофаа деворининг мустаҳкамлигига ва инерциясига таянади. Енгил конструкцияга суяниб камондан ўқ узишга таянади. Бундай ўзгаришлар бутун Марказий Осиёга тарқалади, чунки юнонлар даврида фақат бир хил ҳарбий мудофаа архитектураси тадбиқ этилмаганлигидан далолат беради.

Бундай ўзгаришларни Суғд, Хоразм шаҳарлари мудофаа деворларида ҳам кўрамиз. Мудофаа тизимига нафақат ташқи деворлар, шунингдек, протейхизмлар пилястралар, буржлар, шинаклар, дарвозалар пандуслар ва бошқалар кирган, Уларнинг барчаси мудофаа тизимининг кучайиши учун хизмат қилган. Шаҳар мудофаа деворларининг умумий кўринишин композиция жиҳатидан бойитган.

III - БОБ.

СОПОЛЛИ ТЕПА МУДОФАА ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ГРАФИК ТАЪМИРИ

III.1.Сапаллитепа шаҳарчаси тарҳий тузилиши

Турли халқлар азалдан ўз меъморчилигини яратиб келган. Ундан фойдаланишган. Истиқомат қилиб, ишлашган, ибодат қилишган. У билан ғурурланишган, кўкларга кўтаришган, кўз-кўз қилишган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, инсон қўли билан яратилган меъморчилик иншоотлари уларнинг ўзига хизмат қилган. У одамларни нафақат ёзнинг қайноқ харорати, қишнинг қаҳратонлари, ноқулай обу ҳаволардан, балки ташқи хавфдан ҳам ҳимоя қилган. Меъморчилик обидалари, шаҳар деворлари ва қалъаларининг ушбу вазифаси, айниқса Бактрия ҳақида жуда кам гапирилади. Аслида эса у синчков нигоҳ, чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёритишга арзигулик обидадир.

Ушбу бронза асрига тегишли бўлган Сапаллитепа шаҳарчасининг ҳимоявий қисми таҳлилига тўхтаб ўтамиз.

Шаҳарча 4 га майдонни эгаллайди. Унинг қурилиши уч босқични ўз ичига олади. Қурилишнинг уч босқичида ҳам деворларнинг ҳимоявий элементлари сақланиб қолинган.

Шаҳарча тўртбурчак шаклга эга бўлиб, тўрт томонидан ҳам уч қаватли қалин девор билан ўралган. Биринчи ички девор турар жой қисмини ўз ичига олган. Худди шундай қалинликка эга бўлган иккинчи девор эса биринчисидан 3,2 м берироқда қурилган. Биринчи ва иккинчи деворлар оралиғида узун йўлак ҳосил бўлган. Иккала деворга монанд учинчи девор шаҳарча чегарасини яқунлайди. Иккинчи ва учинчи деворларнинг ташқи қисми ёнларидан ёпиқ ва бир-биридан узоқда жойлашган саккизта йўлак ҳосил қилган. Ушбу йўлакларнинг баъзи қисмларидан ички йўлакларга ўтиш жойи қолдирилган.

Ташқи йўлаклар турар жой массиви билан кичик, квадрат шаклдаги хонача орқали боғланган. Тамбур типидagi хоначалар ташқи йўлакларнинг ўрталарида жойлашган. Уларнинг сони йўлаклар сонига тенгдир. Ушбу йўлаклар А.Аскарлов томонидан атрофи йўлак билан ўраб олинган хоналар деб номланган. (А.Аскарлов, 1977, 15-б.). Биринчи ва иккинчи девор оралиғида саккизта “Т” шаклидаги йўлак ҳосил этилган, улардан еттитаси турар жой массиви ва ташқи ҳимоя йўлаклари билан кесишиш нуқтасига эга эмас.

Умумий кўринишда “Т”шаклидаги йўлаклар аниқ ажралиб туриб, шаҳарчага ўзига хос сирли кўриниш бахш этган. Ушбу шаҳарча тадқиқотчиларнинг фикрича, улар алдамчи кириш .). Қалъага кириш фақатгина жанубий томондан амалга оширилган. Кварталлар тамбурга олиб борадиган тор кўчалар билан кесишган, улар эса ўз навбатида ёпиқ айланма йўлакларга йўл очган.

III. 2. Дашли-3 саройи тархий тузилиши

Таъкидлаш лозимки Сополлитепа мудофаа тизимига эга тузилиш фақатгина Афғонистондаги Дашли-3 саройида мавжуд. Дашли-3 мажмуаси тарҳда доирасимон кўринишдаги ибодатхона ва квадрат тузилишдаги сарой обидалари қатори улар атрофини ўраб олган тураржой маҳаллаларидан ташкил топган. Шунинг учун мазкур мажмуадаги саройни батафсил кўриб чиқий мақсадга мувофиқдир. Дашли-3 маконида тарҳда доира тузилишидаги ибодатхона ёнида жойлашган. Сарой биринчи қурилиш босқичида умумий ҳажми томонлари 84x88метр, марказий ҳовли эса 38x40метр майдонни эгаллаган. Иккинчи қурилиш босқичи жараёнида сарой бузилади. Унинг шарқий қисмида оддий хонадонлар тураржойлари ҳамда оддий жамоа бўлиб деҳқончилик қилувчиларнинг хўжалик хоналари жойлашган. Охир-оқибат, учинчи (охирги) босқич қурилиши даврида

Сарой харобалари ўрнида, лекин аввалги квадрат ҳовли ичида кичкина ташқи макон юзага келади. Онда – сонда девор қолдиқларининг сақланиб қолиши, бу ерда яна бир қурилиш горизонти бўлганлигидан далолат беради. Археологик қазилмалар даврига келиб,бу горизонт қурилиши дефляциялар оқибатида деярли йўқ бўлиб кетган. Қўшимча маълумотларга биноан, иккинчи ва учинчи қурилиш дарида ҳовлидан ташқари саройнинг ташландиқ ҳолга келган хоналари ҳам қисман тикланади.

Мазкур монументал сарой оддий лойсувоқда хом ғиштдан қурилган. Деворлар ички ва ташқи томондан сарғишроқ лой билан сувалган. Кўпчилик хоналарда кеглиги 15-20 сантиметрли туйнуқлар қолдирилган. Улар асосан хонани шамоллатиб туришга мўлжалланган. Шундай туйнуқлар обиданинг Г-ҳарфига монанд қисмларида ҳам мавжуд. Айрим хоналари девори парозланган ғишт билан қопланган. Еттинчи рақамли хонада ҳар 70-75 сантиметрли ораликдан сўнг пол сатҳидан кўтарилган олтига токча ўрнатилган. Токчалар баландлиги 40см, эни 10см, чуқурлиги 60-65 см.Узун деворларга ғиштлири ўзаро боғланмаган ҳолда ўрнатилган кўндаланг деворлар иморат мустаҳкамлигини таъминлашга қодир бўлмаганлиги сабали деворла қишайиб қулаш ҳолатига келган. Шунинг учун айрим хоналар деворларига тиркагич деворлар қурилганлиги сезилади. Мазкур обиданинг ўзига хослик жиҳатларидан яна бири шундаки, унинг деворлари ташқи қисмида пилястралар, бироз бўртиб чиққан, деворлар билан безатилган. Ўйлаймизки пилястралар нафақат безак, шунингдек, бино мустаҳкамлиги учун хизмат қилувчи конструктив элемент сифатида ҳам хизмат қилган.Саройнинг марказий қисми квадрат тузилишдаги ҳовлига эга бўлиб, тарҳда деярли бир хил тузилишдаги тураржой қуриб ташланган. Квадрат ҳовлининг ташқи фасадининг марказий қисмида Т-ҳарфига монанд коридор (йўлак)бўлиб, уларнинг икки томонида залга монанд катта хона жойлаштирилган. Улар ичида Г-ҳарфига монанд хоналар жойлаштирилган.

Саройнинг деярли ҳамма фасади бир хил пропорциядаги бўлинмалардан ташкил топган. Фасадлар аниқ симметрик асосида яратилган. Ташқи бурчакларининг тугатилиши ҳам диққатга сазовордир.

Унда кенг бирлаштирувчи кириш эшигига эга кўндаланг девор ҳисобида ёпиқ муҳит юзага келган. Сарой илк қурилишида бутун мажмуа симметрик тарзда бўлиб, тўрт томон фасади бир хил кўринишга эга бўлган ва бирлаштирувчи деворларда кириш эшиги қолдирилган. Бу эшиклар ташқи томондан хавф туғилганда деор билн ёпиб ташланган. Обида кўп маротаба таъмирга учраган. Ташқи фасадда деворга қапиштириб қурилган к контофорслар бунга гувоҳлик беради. Обида ташқи девори бўйлаб эни 10 метр, чуқурлиги 3 метрли хандақ билан айлантирилган. Ўз вақтида мазкур хандақ сув билан тўлдирилган бўлган. Саройнинг ички квадрати иккита девор девор билан ўралганлиги сабабли улар орасида торгина йулак юзага келган. Йўлар деворлари ғарб ва шарқ томонидан кўндаланг деворчалар билан тўсилиб кичкина бўлинмаларни ташкил қилган. Ҳамма томон йўлаклари марказида биттадан кириб – чиқиш эшиги қолдирилган, улар марказий квадратни тарҳда Т ҳарфига монанд коридорлар билан бирлаштиради. Ўз навбатида марказий квадрат бурчакларидаги кириш эшиклари, уни Г ҳарфига монанд коридорлар билан бирлаштирган. Узоқ муддат давомида саройдаги ҳаёт тақозоси билан йўлаklar эшиклари бир жойда ёпилбса иккинчи жойда очилган. Сарой квадрати майдонидаги тураржойлар таррҳида вестибюл каби катта даҳлизлар назарда тутилган. Улар орқали икки, уч хонага кириш назарда тутилган.

Хоналар интерьеры атрофи жимжимадар нақшлар билан безатилган токчаларга эга. Токчалар ҳажми аниқ прпорцияларга эга, гўёки архитектор томонидан лойиҳалаштирилгандек. Узун 51 рақамли хона бурчагида бутунлигича сақланиб қолган миниатюралли устунча сақланиб қолган. Жнуб томондаги микрокомплекснинг деярли барча хоналарида пол хишт билан терилган , деворлари ишлов берилган лой сувоқ билан бир неча

марта ишлов берилган. Сарой марказий майдонинг ғарб томон микрокомплекси хоналарида суфалар қўлланилганлиги аниқланган.

Саройнинг очилган қисмига баҳо берар эканмиз, унинг асосан квадрат майдонидан кенг фойдаланганлиги маълум бўлади. Тўрт томон фасади ҳам махсус вазифани бажарган бўлиши керак. Бу масалада Т ҳарфига монанд қисмидаги торгина йўлак диққатга сазовордир. Чунки бу йўлакка бир киши ҳам сиғмаслиги мумкин. Улар гўёки ҳеч қандай вазифа бажармагандек, аслида эса монументал архитектурага хос архитектуравий одат (канон) сифатида қўлланилиши бўлиши мумкин. Мажмуа марказини ташкил қилувчи элемент ҳовли ҳисобланган. Майдоннинг шимолий девори атрофида асосан тураржойлар жойлашган. Уларнинг айрим хоналари мозаик парчинлар билан безатилган. Микрокомплекснинг ғарбий, хусусан, жанубий қисмида аниқроғи диний маросимлар ўтказадиган иморатлар жойлашган. Бунга саройнинг шу қисмидаги иморатларнинг тарҳда бир хиллиги, интерьерда токчаларнинг қўлланилиши ҳамда девор бўйлаб супалар урнатилганлиги далолат беради.

Мазкур мажмуа таркибида тураржой, сарой ва ибодатхона ўрин олган. Унда маҳаллий ҳокимият учун мамурий хоналар, сиғинишлари учун ибодатхона, яшашлари учун эса турар хоналар жойлаштирилган.

Унинг атрофига ташқи томондан қўшилган Г ва Т ҳарфидаги қисмлари обиданинг ҳар бир бурчагида Г ҳарфига монанд ҳовлича ташкил қилган. Бу ҳовличалар кўндаланг ўрнатилган девор билан тўсилган. Бу деворчада кириш эшиги ҳам қолдирилган. Бизнингча бу ҳовлича ташқи душмандан ҳимояланиш учун қурилган пистирма бўлиши керак. Ҳовличага кирган ёв ичкарига ўтолмайди, чунки улар марказий тарҳда квадрат майдон, яъни саройнинг асосий туражойлари, ибодатхона ва сарой қисмлари билан боғланмаган. Чунки уларда ичкарига кириш эшиги қолдирилмаган. Ҳовличаларга бостириб кирган душман кўршовда қолиб

кетган. Сарой қўриқчилари девор устидан туриб қўршовдагиларга зарба беришган.

Шунга ўхшаш обидаларга мурожаат қилар эканимиз, биринчи навбатда Мундигак-1У ибодатхонаси ва сарой иморатини эслаймиз. Улар орасида тарҳ жиҳатидан ҳам ўхшашликлар бор. Унинг фасадида ҳам обиданинг декоратив композициясини ошириш учун тарҳда ярим доира ёки ўткир бурчакли пилястралар кенг қўлланилган. Бу иккала обида қисман сақланиб қолган. Лекин Дашли-3 саройга кўра кўпроқ ибодатхонага монанд бўлиб қолган. Улардаги ўхшашликларга яна Мундигак ибодатхонасида ҳам айланма йўлакнинг мавжудлиги киради. Қўшни мамлакатлардаги монументал архитектура обидалари орасида Дашли-3 га аниқ ўхшаши ҳозирча номълум. Лекин улар орасида архитектура қисмларида ўхшашликларни учратиш мумкин. Жумладан, Бактрия ва Месопотамия монументал обидаларида пилястранинг, интерьерларида токчаларнинг мавжудлиги сезилади. Биринчи саройлар қаторига кирувчи Киш саройи иморатлари тарҳ жиҳатидан Дашли-3га ўхшаб кетади. Айланма коридорларда мавжуд кўндаланг ўрнатилган деворчалар Ашура ибодатхонасида ҳам бор. Хусусан, Агар- Куф сройидаги марказай баландликдан ҳар томонга тарқалган узун бўлинмалар Дашли-3даги “табахона”ни эслатади. Шунингдек, Месопотамия қадимий меъморчилигида шу жумладан, Телл-Савван тарҳда Т ҳарфига монанд тузилишга эга, шу принципга Урук-У1-1У ва Джемет- Насрдаги обидаларда ҳам амал қилинган. Таъкидлаш лозимки Урук - IV(3350- 3150) даврида биринчи бўлиб, Месопотамия архитектурасида усти сводли долон, декоратив пилястралар, ва эрта династик даврда бутун мажмуани бирлаштирувчи ҳовлилар қўлланилган. Айтишларига қараганда, “ҳовли» янги архитектуравий иморат тимсолини яратади ва у ўз навбатида марказлаштирилган ҳокимият ғоясини ифодалайди. Узоқ Афғон- Месопотамия параллеллиги улар орасидаги ўхшашликка шубҳа

туғдираолмайди. Албатта Месопотамиянинг хронологик олдиндалигини тан олган ҳолда улар орасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бактрия монументал архитектурасига, худди месопотамиядакидек аниқ ритмик бир маромдаги токчалар, пилястралар хос. Улардан тушган соялар обидага монументалликни тантанаворликни ато этган. Бу албатта мамурий биноларда аниқ ифодасини топган. Нисбатан яхши маълум III мингйиллик ўртасига оид Гудении саройини Дашли-3 билан солиштирганимизда, улар орасида маълум даражада яқинлик борлиги, улардаги фасад безагида, бурчакларидаги «қалдирғоч думига» монанд композицияларда яққол сезилади.

Қазилмалар шуни кўрсатадики Дашли-3 даги квадрат тархдаги сарой мажмуаси ва доира тузилишидаги ибодатхона бир вақтда ҳукм сургани ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмасак ҳам, уларни бир вақтда ҳукм сурган, деб тахмин қиламиз.

Мазкур воҳанинг илк даврига қайтар эканмиз тан олиш лозимки доира тузилишидаги ибодатхона ва сарой ёнма-ён жойлашиб бир-бирини тўлдириб, маҳаллий аҳолини диний ва маъмурий функцияга бўлган талабини қондириб келган.

III. 3. Дашли-3 саройи мудофаа тизимининг илмий таҳлили ва реконструкцияси

Мазкур йирик меъморий ёдгорликнинг очилиши петербурглик олим В.И. Сарианидига тегишли (15). Сарой табиий баландликда қурилган. Унинг томонлари 84x88м ни ташкил этади. У ҳам худди Сополлитепадек бир вақтда қурилган. Меъморий мажмуа 11 мингйилликнинг иккинчи яримининг ўрталарида қурилган. Сарой марказий худуди томонлари бир-

бирига яқин квадратга монанд майдонни ташкил қилади. Маздоннинг марказий ўқи бўйлаб тўрт томондан тархда Т ҳарфига монанд икки деворли йўлак қўшилади. Т ҳарфига монанд йўлакнинг икки томонидан Г ҳарфига монанд ҳовли қўшилади. Натижада марказий майдон тўртта Т ҳарфига монанд йўлак ва тўртта Г ҳарфига монанд ҳовличани бир композицияга бирлаштиради. Жануби-шарқий ҳовличанинг ичида ихчамроқ қурилишлар мавжуд. Бизни ҳаяжонга келтириши шундаки ёдгорликни очган олим унинг Йўлакларини мудофаа тизимининг асосий вазифаси мудофаа учун мўлжалланганлиги ҳақида бир-бир маълумот келтирмайди. Саройнинг марказий майдони ҳам икки қатор девор билан ўралган. Улар оралиғида худди ташқи деворлар орасидаги каби йўлак юзага келган. Уларни турар уйлар деб фараз қилсак, қуйидагича савол туғилади яъни марказий майдонда дахлизли томонлари пропорция жиҳатидан яхши топилган вақтда қандай қилиб узун коридорлар хона бўлиши мумкин. Ундан ташқари бу йўлаклар ҳамма томонидан берк, фақат майдондан кириш мумкин. Шунингдек, Т ҳарфига монанд коридорлар ён томонларида ҳосил бўлган ҳовличалар марказий майдон билан боғланмайди бирор бир жойида марказий майдонга олиб кирадиган эшик ёки дарвозага эга эмас. Шунинг учун бизлар Т ҳарфига монанд йўлак усти берк коридор мудофаа йўлаги бўлган деб ўйлаймиз. Ёнидаги Г ҳарфидаги ҳовличаларни душманни чалғидадиган қопқон деб қабул қиламиз. Т ҳарфига монанд коридор ва Г ҳарфига монанд ҳовлича бурчакларини туташтирган калта девор эшик ва дарвозаларга эга бўлган. Мазкур эшикли девор орқали Г ҳарфига монанд ҳовли ташқи муҳит билан боғланган. Бу ҳовличага кириб қолган душман қуршовда қолган. Уларга қарата деворлардан камондан ўқузишган. Қуршовга қолган душман марказий майдонга ҳам кира олмайди, чунки улар орасида бирон-бир жойида эшик ўрнатилмаган. Кейинчалик, тураржой уйларига муҳтожлик сезилганда бу Г ҳарфига монанд ҳовличаларда ҳам уйлари қурилда бошлашган. Бунга

жануби-шарқ томондаги Г ҳарфига монанд ҳовличада туат жойларнинг юзага келганлиги гувоҳлик беради.

Мазкур меъморий ёдгорликда яна бир янгиликни кўрамиз. Бу ҳам бўлса унинг асосий кириш дарвозаси. Дарвозахона учта узунчоқ хонани бирлаштирган ва асосий обида бурчагидан ташқарига бўртиб чиқарилган бўлинмани ташкил қилади. Хоналардан ўртадагиси кенг, қолган икkitаси торроқ. Марказий хона полида қор ёмғир сувларини ташқарига оқиб чиқиши учун ариқча қолдирилган. Мазкур булинмада ҳам қопқонга монанд композицияни кўрамиз. Марказий хонадан кираётган душман икки томондан, яъни икки ён хоналардан ўққа тутилади. Тадқиқотчи В.И. Сарияниди ҳам тадқиқот давомида ён йўлакларнинг вазифасини фортификацияга боғлаган. Шундай қилиб мазкур меъморий ёдгорликда икки турдаги мудофаа тизимига гувоҳ бўламиз, биринчиси худди Сополлитепадагидек Т ҳарфига монанд душманни чалғитиб қопқон вазифасини ўтайдиган ҳамма томони берк йўлакка киритиб ҳамма томондан камондан ўқ узиб тормор қилиш тизими бўлса, иккинчиси худди шундай хусусиятга эга асосий бинодан ташқарига бўртиб чиққан бўлинмани яратишган. Иккинчи турдаги мудофаа вазифасини ўтайдиган бўлинма кейинги асрларда, аниқроғи антик даврларда ривожланиб, кўпчилик биноларда қўлланилади.

Ш. 4. Сополлитепа шаҳарчаси ҳимоявий тизимининг илмий таҳлили ва реконструкцияси

Шаҳарча квадрат тузилишга эга бўлиб, тўрт томонидан уч қатор девор билан ўралган. Ички биринчи девор шаҳар мадонини, яъни туруржой маҳалларини ўраб олган. Иккинчи девор ичкаридагидан 3,2 метр дан сўнг қурилган. Улар орасида узун йўлак ҳосил бўлган. Учинчи девор ҳам шундай қалинликда бўлиб, шаҳарча ташқи томонини чегаралайди.

Иккинчи ва учинчи девор саккизта Т ҳарфига монанд тузилишдаги йўлакларни ташкил қилган. Мазкур йўлаклар ўзаро эшик ёки туйнук билан боғланмаган ёпиқ муҳитни ташкил қилади. Улар фақатгина шаҳарча кўчалари билан туташган тамбур шаклидаги хоначалар билан боғланган. А.А. Аскаров мазкур Т ҳарфи шаклидаги йўлакларни шаҳарчага бостириб келган босқинчиларни ҳамма томони берк фақат усти очик коридорлардани уларни ўққа тутиб яқсон қилиш учун мўлжалланган қопқон деб таъкидлайди (6,15-б.). Бу эса ўз навбатида ички коридорлар билан боғланиш имкониятини туғдирган. Шунга ўхшаш мудофаа тизимини фақатгина Дашли 3 маконида учрайди.

“Т” шаклидаги йўлакларни душманни адаштириш учун мўлажалланган қопқонлар деб ҳисоблаган А. Аскаровнинг фикрида асос бор. Гарчи биринчи, яъни ички деворнинг баъзи жойларининг 1,4дан 2 м, иккинчи деворнинг 1-1,2 м, учинчининг - 0,4-1м қисми сақланиб қолинган бўлсада, бироқ, қалъанинг асосий ҳимоявий элементлари топилмаган. (6, 16- б.). Таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилар Сополлитепа мудофаа деворларнинг биронтасида отиш жойлари, камон отиш учун мўлжалланган туйнукларни аниқлашмаган. Агар улар бўлганда, бирон бир из қолган бўларди. Ушбу жойда ҳақли бир савол туғилади, “Т”шаклидаги қопқонга тушган душманга қандай қилиб зарба берилган? Тасаввур қилиб кўрайлик, агар отиш учун мўлжалланган туйнуклар йўлакларнинг юқори қисмида жойлашган бўлса, унда ушбу усул у қадар самара бермайди. Ҳимоя тизимининг яна икки хил тури бўлиши мумкин. Биринчиси-бу қопқонларнинг юқори қисмини очик қолдириш; иккинчиси-йўлакларни тўсиб, ўзига хос тўсиқ ортидан душманни ўққа тутишдир. Лекин бу ҳолатда ушбу усул самарали эмас, чунки шиддат билан бу ерга келган душман, худди шундай тезликда уни тарк этиши ҳам мумкин.

Шаҳарчанинг ушбу ҳимоявий қисми очик бўлган, яъни унинг томи мавжуд эмас. Уларни ҳовлича деб аташ мумкин. Аини дамда қопқон-

йўлакчаларга кириш жойи кўздан яширилган, яъни деворларнинг юқори қисми зинасимон парапетларга эга бўлган. Ушбу қопқонларга кириб қолган душман ҳар томондан ўққа тутилган. Балки айнан шунинг учун ҳам айланма йўлаклар ва узайтирилган “Т” шаклидаги йўлаклар – қопқонлар ғадир-будир парапетга эга бўлган.

Бизнингча улар бўлган акс ҳолда деворларнинг вазифаси зарур аҳамият касб этмайди. Уларни ташқи муҳит билан боғлайдиган элемент бўлмасдан қолади. Мазкур усти ёпиқ коридорнинг ташқи деворида туйнукларнинг бўлиши мудофаа имкониятини кучайтиради. Ундан туриб ҳимояланиш энг хавфсиз омил ҳисобланади, чунки унинг ҳамма томони ёпиқ, фақатгина шаҳарча ичидаги кўчалардан кириш мумкин. Душман унга кириши учун, у шаҳарчани тўлиқ ишғол қилган бўлиши керак. Шунинг учун бу йўлакнинг усти ёпиқ бўлиши керак деган фикрга келамиз. Шундагина деворлар тўлиқ ишлайди. Натижада йўлак усти ёпиқ бастийон вазифасини ўтаб ошлайди. Ҳимоячилар усти ёпиқ йўлакнинг ташқи деворларидаги туйнуклардан ташқаридаги бостириб келаётган душманга қараб ўқ узишган. Энди яна бир ҳолатга эътиборимизни қаратамиз. Таъкидлаш лозимки мазкур шаҳарчанинг ҳамма томонидан ҳимояланишини таъминлаш учун аскалар сони етишмайди. Чунки шаҳарчанинг марказий қисми қурилмасдан қолдирилган. Шаҳарча мудофаасини таъминлаш учун эркаклар сони камлик қилади, Шу ўринда академик А.А. Аскаронинг фикри жуда тўғри деб ўйлаймиз. Унинг айтишича бу даврда шаҳарчада аёлларнинг аввалги мавқеи қисман сақланиб қолган, улар эркаклар билан хўжалик ва бошқа ишларда тенг туриб қатнашишган Бунга шаҳарча ҳудудида катта бойлик билан кўмилган аёллар қабри гувоҳлик беради (5, 139-б.). Шунинг учун шаҳарчани ҳимоялашда аёллар ҳам қатнашган деган фикрни билдирган эдик. Эндиликда таъкидлашимиз мумкинки, аёллар ана шу хавфсиз ҳамма томонли берк ёпиқ коридорларда туриб ташқи девор туйнукларидан душманга қарата камондан ўқ узишган. Аёлларнинг шаҳар

мудофааида қатнашганлиги тарихдан маълум. Жумладан, С.П. Толстовнинг таъкидлашича Хоразмдаги Жонбой қалъани душмандан ғимоялашда аёллар ҳам қатнашган, деган фикрга келади (18, 93-б.).

Энди шу икки ташқи усти ёпилган деворнинг юқори қисми қандай бўлганлигини таҳлил этамиз. Бизнингча, бу деворларнинг иккаласининг юқори қисми туйнуқларга эга парапетлан иборат бўлганлиги керак Чунки ташқи девор парапетидаги туйнуқлардан ғимоччилар ташқаридан бостириб келаётган душманга қарата ўқ узишган. Ички девор парапети туйнуқларидан қопқон вазифасини бажарувчи усти очик Т ҳарфига монанд йўлакларга кириб қолган душманни камондан ўққа тутишган.

Энди ичкаридаги биринчи девор таҳлиliga ўтамыз. Бизнингча бу деворнинг ҳам юқори қисми худди иккинчи ва учинчидагидек туйнуқли парапетга эга бўлган бўлиши керак. Шу девор парапети орқасида турган ғимоячи парпет туйнуқларидан қопқон йўлакка кириб қолган душманни ўққа тутишган. Натижаля қопқон йўлакка кириб қолган душман икки томондан ўққа тутилган. Бундай фикрга келишимизга шаҳарчанинг тархий тузилишининг ўзиёқ далда берди. Бизлар мудофаа деворларининг функциясининг максимал иштирок этишини эътиборга олдик. Шунингдек, Т ҳарфига монанд бўлинмаларнинг оралигида юзага келган кичкина, кўча билан коридорларни боғлайдиган тамбур-хонанинг усти ҳам ёпиқ бўлган. Сополлитепаликлар уларнинг устидан туриб қопқонга кириб қолган душманни ўққа тутиш учун унинг усти ҳам туйнуқли парапетга эга бўлган. Натижада, сополлитепаликлар қопқондагиларни тўрт томондан камондан ўққа тутиш имкониятига эга бўладилар.

Турар жой мажмуасини кварталларга ажратадиган кўчалар тўғридан тўғри тамбурларга йўналтирилган, бу ердан эса айланма йўлакларга йўл очилган. Тинч паллада ушбу айланма йўлаклар жамоат омборхонаси ва бошқа турдаги хўжалик вазифаларни ўтаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Уларнинг томига чиқиш эса олиб қўйиладиган

нарвонлар орқали амалга оширилган. Қопқон йўлакларнинг бари ўз дарвозасига эга бўлган. Девор орқали эса очик, лекин ташқи томондан бруствер билан ҳимояланган йўл бўлган. Ушбу девор мустаҳкам бўлиши ва керакли оғирликни кўтара олиши учун жуда қалин қилиб қурилган. Бундан ташқари, А.Асқаровнинг тахминича, ташқи доира ва йўлакларнинг девор олди қисми валикка монанд отмоскалар билан мустаҳкамланган, у эса ўз навбатида контрфорс вазифасини ўтаган.

Бизнинг илмий таҳлилимиз қуйидаги график реконструкцияда ўз ифодасини топган. Айланма коридорлар ва усти очик қопқонлар девори устига чиқиш йиғма нарвонлар орқали чиқилган. Шаҳарчанинг барча дарвозалари ҳамда қопқонларга дарвозалар ўрнатилган. Душман қайси дарвоза сохта бўлиб, қопқонга олиб киришини, қайси бири шаҳарча ичига олиб, киришини билишмаган. Деворлар ички томонида йўлак бўлиб, ташқи томони парапет билан чегараланган. Ёпиқ йўлаклар парапетидан ўқ узиш учун том устида юрилган. Тахмин қилинишича, шаҳарча баланд тепалик устида қурилган. Атрофидаги ерларни қазиб ғишт қуйиш, пахса девор қуриш учун олинган тупроқ эвазига шаҳарча атрофида хандақ юзага келган.

Сополлитепа мудофаа тизимининг нақадар моҳирона ишланганлиги, унинг махсус лойиҳа асосида ишланганлигидан далолат беради. Унинг қурилишига ўша пайтда шаҳарча мудофаа тизимини ишлашни бошқариш масаласи ечими ҳарбий сардор ғояси асосида яратилган деган фикрга келамиз. Бир пайтнинг ўзида ягона лойиҳа асосида қурилган меъморий ёдгорликлар тарихий маъламотлардан маълум. Мисол тариқасида Афғонистон ҳудудида миллоддан аввалги иккинчи мингйилликнинг иккинчи яримида таҳда айлан шаклида қурилганшаҳарча мисол бўлаолади. Унинг тураржой маҳаллалари кейинчалик қурилган (15, 34-бет). Сополлитепа шаҳарчаси мудофаа тизимининг маҳоратли меъмор

томонидан лойиҳаланиш унинг даврида ҳам сақланиб қолганлиги гувоҳлик беради. Демак, Сопполитепа мудофаа уч қурилиш тизими ўзини оқлаган.

Сопполитепа худудида саккизта маҳалла бўлганлиги аниқланган. Унда шарсозлик тизимининг илк прототипи, яъни шакли юзага келган. Бу асосан кўчалар билан тураржойларнинг маҳаллаларга тақсимланишини таъминлаган. Қизиғи шундаки, шундай афсонавий етук мудофаа тузилишига эга Саппалитепа шаҳарчанинг тураржой қурилиши аниқ емчимлар тартибига эга эмаслиги кишини хайратда қолдиради. Унинг тартибда бўлишига кўчалар аниқлик киритади.3. Ашравская “олдиндан ишланган лойиҳа обиданинг биринчи навбатда фортификация тизиминияратишга қаратилган” деб ёзади (қаранг 34, 92-б.). Сопполитепа шаҳарчасининг лойиҳа асосида қурилиши, унинг барпо этилганидан икки минг йил ўтгандан сўнг Ҳиндистонда Манасара номли трактатда шаҳарни лойиҳа асосида қуриш тартиби ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумий турар-жойга эга бўлган шаҳарча қурилишида, уни кварталларга бўлиш баробарида қалъа ҳимоя тизими ҳам албатта инобатга олинган. Тўғри, бу ерда улкан миноралар йўқ, бироқ қопқон-йўлаклар ўз аҳамиятига кўра улардан ҳечам қолишмайди. Бу ерда илк қурилишида қўлланилган қурилма режаси кейинги босқичдаги қурилишларда ҳам ўз ҳолатини сақлаб қолганини инобатга оладиган бўлсак, демак ушбу қопқон-йўлаклар шаҳарча аҳолиси учун қийин бўлган паллаларда уларни кутқариб, ўзини оқлаганига гувоҳ бўламиз.

III – Боб бўйича хулосалар

Сопполитепа шаҳарчаси 4 га майдонни эгаллайди. Унинг қурилиши уч босқични ўз ичига олади. Қурилишнинг уч босқичида ҳам деворларнинг ҳимоявий элементлари сақланиб қолинган.

Шаҳарча тўртбурчак шаклга эга бўлиб, тўрт томонидан ҳам уч каватли қалин девор билан ўралган.

Биринчи ички девор турар жой қисмини ўз ичига олган. Шаҳарча майдонида саккизта маҳалла юзага келган. Шаҳарчанинг иккинчи девор эса биринчисидан 3,2 м бериқда қурилган. Биринчи ва иккинчи деворлар оралиғида узун йўлак ҳосил бўлган. Иккала деворга монанд учинчи девор шаҳарча чегарасини яқинлайди. Иккинчи ва учинчи деворларнинг ташқи қисми ёнларидан ёпиқ ва бир-биридан узоқда жойлашган саккизта йўлак ҳосил қилган.

Биринчи ва иккинчи девор оралиғида саккизта “Т” шаклидаги йўлак ҳосил этилган, улардан еттитаи турар жой массиви ва ташқи ҳимоя йўлаклари билан қесишиш нуқтасига эга эмас, яъни кириш эшигига эга эмас.

Иккинчи ва учинчи девор ҳам саккизта Т ҳарфига монанд тузилишдаги йўлакларни ташкил қилган. Мазкур йўлаклар ўзаро эшик ёки туйнук билан боғланмаган ёпиқ муҳитни ташкил қилади. Улар фақатгина шаҳарча кўчалари билан туташган тамбур шаклидаги хоначалар билан боғланган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, бу йўлакнинг усти ёпиқ бўлган. Акс ҳолда у ўз вазафасига эга бўлмасдан қолади. Шунинг учун иккита ташқи девор усти ёпиқ бўлган фикрдамиз. Натижада мазкур коридор-йўлак усти ёпиқ бастион вазифасини ўтабошлайди.

Ички девор билан иккинчи девор орасида юзага келган Т ҳарфига монанд йўлакнинг усти очик бўлган. Уларга бостириб кириб қолган босқинчиларни ҳамма томони берк ва усти ёпиқ коридорлар тоmidан, ўққа тутиб яқин қилиш учун мўлжалланган қопқон вазифасини бажарган.

Таъкидлаш лозимки Сополлитепа мудрофаа деворларида мудрофаа туйнуқларини учратишмаган. Бизнингча улар бўлган акс ҳолда деворланинг вазифаси зарур аҳамият касб этмайди. Уларни ташқи муҳит билан боғлайдиган элемент бўлмасдан қолади. Мазкур усти ёпиқ

коридорнинг ташқи деворида туйнукларнинг бўлиши мудофаа имкониятини кучайтиради.

Тадқиқотлар натижасда учала деворнинг юқори қисми туйнуклардан ташкил топган парапетдан иборат бўлган, фикрга келдик, чунки улар химоячиларни душман ўқидан асраш имконини берган, шунингдек душманни нишонга олиб уларга қарата ўқ узишга қулайлик туғдирган.

Таъкидлашимиз лозики шаҳарча майдонидан Т ҳарфига монанд коридорни туташтирувчи квадрат тузилишдаги тамбурнинг усти ҳам том билан ёпилган, чунки у ташқи усти ёпиқ Т ҳарфидаги коридорлар томига ўтиш имконини берган. Шунинг учун унинг икки ён томони ҳам туйнукли парапетга эга бўлган. Шунда усти очик адаштирув йўлакларга кириб қолган душманга тўрт томондан зарба бериш имконияти туғилади.

Тадқиқотлар натижасда, бундай катта шаҳарчани химоя қилишда аёллар ҳам фаол қатнашишган. Чунки саккизта кичкина-кичкина маҳалларнинг эркаклари сон жиҳатидан камликни ташкил қилишган. Шунинг учун аёллар Т ҳарфига монанд усти ёпиқ коридорлар ичида туриб, туйнуклардан душманга қарата камондан ўқ узишган. Бу ёпиқ коридор анча хавсиз бўлган.

Таъкидлашимиз лозимки, шунга ўхшаш мудофаа тизими ҳозирги кунда фақатгина Бактрияда, яъни ҳозирги Афғонистон ҳудудида аниқланган.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

1. Мамлакатимизнинг узоқ тарихи, айниқса, жаҳон тараққиётидаги катта ҳиссаси, инсоният тафаккурини бойитишга дахлдор буюк даҳоларни етиштирган бунёдкор халқи, бир неча минг йиллик давлатчилиги ҳамда бой ўтмиш маданияти билан ҳамisha фахрланамиз.

Юртбошимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида айтганларидек: “ Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан ҳақларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат, қилсин”. Бунёдкорликдан иборат ўтмишимиз, мустақиллик ёғдуси ривож топиб, ҳар жиҳатдан юксалиб ва нурафшон бўлиб бораётган бугунги кунимиз ва жозибакор ҳамда порлоқ келажакимиз барчаси узвий бир тизимни ташкил этади. Шу жумладан, Сополлитепа, Чағониён тарихи ҳам Ватанимиз ўтмишининг бир қисми, бир шаҳобчасидир.

2. Сурхандарё воҳаси қадимий маданиятга эга бўлиб, жуда кўп қадимий шаҳарларни камраб олади. Сурхандарё воҳаси Бақтра, Чағаниён, Тоҳаристон номлари билан машҳур бўлиб келган. Қадимдан бу вилоят ва унинг Чағониён деб аталган, аслида Саканиён саклар юрти маъносига) бўлса керак. Водийга обиҳаёт берувчи дарёни Чағонруд (ҳозирги Сурхондарё), бу жойнинг бошлиғини Чағонхудот деганлар. Чағониён ўлкаси қадимда гуллаб – яшнаган, ривож топган бир давлат бўлиб келган.

3. Далварзинтепанинг жуда катта жойни эгаллаганлиги, қурилишлар зичлиги, археологик қатламлар қалинлиги мазкур қадимий шаҳарнинг милoddан олдинги биринчи асрда ва милoddнинг дастлабки йилларида барқ уриб яшнаб турган вилоят маркази бўлганлигидан далолат беради. Маданият, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, шаҳар қурилиши, ҳунармандчилик, кулолчилик ўша давр мезонида юксак даражада бўлган, ўз пул (танга)ларини зарб қилганлар. Бу ҳолни қадимий Чағониён ҳудудидаги Далварзинтепа, Холчаён, Будрач шаҳристонида қазиб олинган археологик топилмалар ва ёзма манбалар яққол кўрсатиб турибди.

4. Далварзинтепа қалъаси ҳамма томонидан хандақ билан ўралган. Унинг шаҳар томонга қараган қисми 20 метр кенгликка эга. Тахминларга кўра бунда табиий ариқ хандаққа ҳам мослаштирилган. Далварзинтепа қалъа деворлари Ўрта Осиёнинг антик давр фортификацион тизимига монанд бўлган, деган фикрни беради. Кейинчалик Далварзинтепа шаҳарчасининг муҳофаа тизими талабга тўлиқ жавоб бермасдан қолади. Шунинг учун юқориги асосий деворни икки томонидан хом ғишт ва пахсадан қўшимча девор билан ўраб олишади, яъни футлярга – ғилофга киргазишади. Қўшимча девор қурилиши натижасида муҳофаа девор 7 метр кенгликка эга бўлиб қолади. Қўшимча деворнинг қурилиш даври кушан давлатининг шаккланган даврига тўғри келади.

5. Девор ташқи томондан юқори томон 80 градусда қиялишиб кўтарилган. Страграфик маълумотларга ва сопол идишларининг тузилишига биноан девор милодгача III-II асрларда бунёд этилган. Анча вақтдан сўнг нишобнинг юқори томонида шарқ тарафда бўртиб чиққон платформада иккинчи девор қурилган. Текисланган нишоб устига фасаддан бир ярим метр олдинга чиқарилган майдон устига пахса ва хом ғишtdан қурилган суппа қурилган. Олдинга бўртириб чиқарилган супа қадимий фортификация тизимида кенг қўлланилишига сабаб , у тошотар қуролларнинг яқинлашувига ҳалақит берган ва деворни тошлардан сақлаб қолган. Бундай тузилмани антик давр фортификация тизимида учратамиз

6. Сополлитепа шаҳарчаси Сурхандарё воҳасда жойлашган ва унинг барпо этилиш даври миллоддан аввалги иккинчи мингйилликка тўғри келади. 1968 йилда Л.И. Альбаум томонидан очилган, Кейинги археологик қазишмалар А.А. Аскарлов томонидан давом эттирилган. Сополлитепа қурилиши уч даврни ўз ичига олади. Шу уч даврда ҳам унинг ташқи девори деярли ўзгаришсиз сақланиб қолади

7. Шаҳарча квадрат тузилишга эга бўлиб, тўрт томонидан уч қатор девор билан ўралган. Ички биринчи девор шаҳар мадонини, яъни

туруржой маҳалларини ўраб олган. Иккинчи девор ичкаридагидан 3,2 метр дан сўнг қурилган. Улар орасида узун йўлак ҳосил бўлган. Учинчи девор ҳам шундай калинликда бўлиб, шаҳарча ташқи томонини чегаралайди. Иккинчи ва учинчи девор саккизта Т ҳарфига монанд тузилишдаги йўлакларни ташкил қилган. Мазкур йўлаклар ўзаро эшик ёки туйнук билан боғланмаган ёпиқ муҳитни ташкил қилади. Улар фақатгина шаҳарча кўчалари билан туташган тамбур шаклидаги хоначалар билан боғланган

8. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики иккинчи ва учинчи деворлар усти ёпиқ бўлган. Иккала деворнинг ҳам томдан юқори қисми парапетга эга бўлган. Парапет эса ўз навбатида кунгирадор бўлган. Шу ҳолдагина бу деворлар ўзини оқлаши мумкин.

9. Биринчи билан иккинчи деворлар оралари усти очик Т ҳарфига монанд ҳовличани ташкил қилган. Бордию бу ҳовличанинг устини ҳам ёпсак, у ҳолда икки деор орасидаги қопқон ўз вазифасидан маҳрум бўлади. Шунинг учун бу икки девор усти очик қолдирилган.

10. Таъкидлаш лозимки, бу иккала деворнинг ҳам юқори қисми кунгирадор парапедга эга бўлган. Чунки бу қопқон вазифасини бажарувчи Т ҳарфига монанд ҳовлига кирган бушманни нобуқилиш учун кунгирадор парапед қўл келади.

11. Т ҳарфига монанд қопқон йўлакларнинг кириш учун очик қолдирилган жойларида дарвозалар ўрнатилган бўлган, чунки бу дарвозаларнинг ўзи ҳам душманни чалғитади. Душман қайси бири ҳақиқий кириш қисм эканлигини сезмасдан қолади. Натижада ҳамма дар вазадан киришга ҳаракат қилади.

12. Мудофаа деворинининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун унинг пастки қисмида девор юзасидан бўртиб чиққан контрофорс – тиркагич вазифасини бажарадиган баландлиги ярим метр келадиган пойдевор билан айлангириб чиқилган.

13. Сополли тепа мудофаа деворларида, хусусан ташқи деворда туйнук бўлган деб ўйлаймиз. Лекин ковлаш ишлари олиб борилганда туйнуқлар ўрни аниқланмаган. Бизнингча улар ташқи деворнинг юқориёғида бўлган. Чунки ташқи деворда туйнуқнинг бўлмаслиги деворнинг мудофаа қобилятини юқотади.

14. Таъкидлаш лозимки Сополлитепа шаҳарчаси аҳолиси сон жиҳатидан камлиги мазкур катта шаҳарчани ҳамма томонидан бир вақтнинг ўзида ҳимоя қилишга қодир эмас. Шунинг учун шаҳарчани ҳимоялашга аёллар ҳам жалб қилинган бўлиши керак. Фикримизни академик А.А. Аскаронинг бу даврда шаҳарчада аёлларнинг аввалги мавқеи қисман сақланиб қолган, улар эркаклар билан ҳўжалик ва бошқа ишларда тенг туриб қатнашишган Бунга шаҳарча худудида катта бойлик билан кўмилган аёллар қабри гувоҳлик беради деган фикри бизнинг ҳулосамизни тасдиқлайди. Хоразмда Жонбой қалъани душмандан кўриқлашда аёлларнинг ҳам қатнашганлиги тарихдан маълум.

15. Сополлитепа шаҳарчаси мудофаа тизимини ўрганишимиз қадимий шаҳарларда девор мудофаа тизимида энг муҳим жой бўлиб, у нафақат тўсиқ, балки асосий жанговор сарҳад бўганлиги гувоҳи бўлди. Саполлитепа мудофаа тизими кейинги асрларда қурилган шаҳарлар мудофаа тизимига таъсири бўлган. Натижада, девор ҳарбий истеҳкомнинг бир қатор муҳим элементлардан таркиб топганлигини кўрамыз.

16. Булар, жумласига Ўрта Осиё шаҳарлари мудофаасида икки девор орасида усти ёпиқ йўлак юзага келган. Сополлитепа атрофи бўйлаб, асосий девордан бўртиб чиқарилган пойдевор кейинчалик вертикал контрофорсларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Шунингдек, асосий девор олдида шундай лекин баландроқ ва кенг пойдевор -суппаларнинг юзага келишига дастур бўлган. Эндиликда бу суппага монанд пойдевор кўпроқ тошотар қуроллардан деворни сақлаш имконини берган.

17. Мудофаа девори сонини Сополлитепадагидек кўпайтириш ва валганг, ўқдан сақланиш тўсиғи, пилястр, контрофорс, шинак, бурж, дарвоза ва бошқаларнинг юзага келишига турли босқинчилик хужумларни қайтаришда орттирилган тажрибалар ва доимо хавф хатарнинг бўлганлиги Ўрта Осиёда шаҳар мудофаа тизимининг шакллани боришига сабаб бўлган.

18. Таъкидлаш лозимки энг асосийси Сополлитепа шаҳарчаси мудофаа тизимининг таъсири Афғонистондаги Дашли -3 саройи тузилишига ҳам бевосита таъсири бўлган. Бунга Дашли -3 да ҳам учта девор ёрдамида Т ва Г ҳарфига монанд йўлак ва коридорларнинг мавжудлиги гувоҳлик беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Гуманитар адабиётлар:

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008.
2. **Каримов И. А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкет: Ўзбекистон. 1997, 137 б.

Тарихий манбалар:

4. **Витрувий Марк Поллион.** Десять книг об архитектуре. Перевод Ф.А. Петровского. М., 1936.

Махсус адабиётлар:

5. **Аскарлов А.А.** Сапаллитепа. –Ташкент: Фан, 1973.
6. **Аскарлов А.А.** Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.

7. **Назилов Д.А.** Архитектура горных районов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1984.
 8. **Пугаченкова Г.А.** К характеристике крепостной архитектуры Нисы.//Известия АН Турк., № 1, Ашхабад: Ёлим, 1964.
 9. **Пугаченкова Г.А.** Халчаян. -Ташкент: Фан,1966.
 10. **Пугаченкова Г.А.** Искусство Бактрии эпохи Кушан. -М.: Наука, 1979.
 11. **Мадаминов М.** Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихию Тошкент: Истиқлол, 2009.
 12. **Мухамедов Х.** Қадимий мудофаа деворлари. -Тошкент: Фан, 1973.
 13. **Нильсен В.А.** Архитектура Средней Азии V-VIII вв. –Ташкент : Фан, 1966.
 14. **Пидаев Ш.Р.** Қадимги Бактрия. Тошкент: Ўзбекистон, 1976.
 15. **Сарианиди В.И.** Древние земледельцы Афганистана.-М.,1977.
 16. **Семенов Г.Л.** Согдийская фортификация. СПб, 1995.
 17. **Собиров Қ.** Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. Тошкент: Фан, 2009.
 18. **Толстов С.П.** По следам древнехоремской экспедиции. М., 1948.
 19. **Толстов С.П.** Древний Хорезм.-М.,1948 а.
 20. **Тургунов Б.А.** Приемы фортификации античного Чаганиана //,1. М.: Наука, 1968.
 21. **Ходжаниязов Ғ.** Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари.Тошкент, 2007.
- Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**
- Илмий журналлардаги мақолалар:**
22. **Абдуллаев Б.М.** К изучению оборонительных сооружений Ферганской долины античного периода //Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, №34, 2004.

- 23. Абдуллаев Б.М.** К истории античной фортификации Ферганы // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, №35, 2006.
- 24. Воронина В.Л.** Из истории среднеазиатской фортификации //СА, 1964, №2.
- 25. Горбунова Н.Г.** Поселения Ферганы первых веков нашей эры //СА, 1977, №3.
- 26. Давидович Е.А.** Раскопки замка Калаи-боло// МИА, № 66, 1954.
- 27. Долгоруков В.С.** Оборонительные сооружения Дильберджина //Древняя Бактрия.-М.:Наука, 1984.
- 28. Дурдыев Д.** Кырк-тепе // Труды ИИАЭ АН Туркмении, Ашхабад, 1959, №V.
- 29. Кошеленко Г.** Парфянская фортификации //СА, 1962, №2, 66-67-бетлар.
- 30. Литвинский Б.А.** Об археологических работах в Вахшской долине и в Исфаганском районе// КСИИМК. – М.1956, вып. 64.
- 31. Лериш П.** Оборона эллинистического города Айханум в Афганистане.//Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. - Ташкент: Фан, 1987.
- 32. Назилов Д.А., Гаффарова Р.** Реконструкция фортификационной системы поселения Сапаллитепа// Архитектура и строительство Узбекистана. №1, 2012.
- 33. Неразик Е.Е.** Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960//Материалы ХАЭЭ, М., 1963,
- 34. Сагдуллаев А.С.** О первых государствах Средней Азии. //ТДМК. Самарканд: Фан, 1995.
- 35. Тургунов Б.А.** Оборонительные сооружения